

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **35-36-сон**
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ **(327-328)**
ТЎПЛАМИ **2008 й.**
август-
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

342. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтакавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 3 сентябрдаги ЎРҚ-172-сон Қонуни
343. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-173-сон Қонуни
344. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 28 августдаги 529-I-сон қарори

Иккинчи бўлим

345. «Корея Республикаси Хукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда илмий-техника адабиётлари электрон кутубхонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 августдаги ПҚ–952-сон қарори
346. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 августдаги ПҚ–953-сон қарори

Учинчи бўлим

347. «Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августдаги 194-сон қарори
348. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 сентябрдаги 199-сон қарори
349. «Ишлаб чиқарилаётган пахта мойи сифатини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 сентябрдаги 200-сон қарори

Бешинчи бўлим

350. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 25 августдаги 39, 36/ҚҚ, 01-275-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 августда 1845-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
351. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ҳузуридаги алоҳида ўртак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 13 августдаги 32/ҚҚ, 32, 01-274-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 августда 1846-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
352. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест мар-

казининг 2008 йил 25 августдаги 38, 35/ҚҚ, 01-276-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 августда 1847-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

353. «Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 30 июлдаги 27-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 августда 1848-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
354. «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнига тажрибали амалиётчилар, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этишни рағбатлантириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 23 июлдаги 223-1, 04/ПҚ-34-Б, 57, 83-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 августда 1849-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
355. «Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 390-3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 августда 610-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
356. «Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлигининг 2008 йил 7 августдаги 84, 2008-31, 17/19724-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 августда 826-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
357. «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 25 августдаги 01-02/20-52, 89, 2008-37-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 3 сентябрда 1147-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
358. «Банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 28 августдаги 14-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 4 сентябрда 478-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

359. «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 июлдаги 16/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 4 сентябрда 1850-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
360. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»ни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 19 августдаги 01/19-18/13-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 5 сентябрда 1851-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 23 августдан 5 сентябргача бўлган маълумот

—

+

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

342 **Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 12 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 29 августда
маъқулланган

+ Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённома (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилинсин. —

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 3 сентябрь,
ЎРҚ-172-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 4 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

343 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 12 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 29 августда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 4 сентябрь,
ЎРҚ-173-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ**344 Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **қарор қилади:**

1. Биринчи марта содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин (мазкур қарорнинг 7-бандида назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

- а) аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) 60 ёшга тўлган эркаклар;
- г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, мазкур қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.

6. Ушбу қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча ишлар тугатилсин.

7. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур қарор — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавfli рецидивист деб топилган; жинoий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган; муқаддам амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

б) мазкур қарорнинг 1-банди — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) мазкур қарорнинг 1, 2, 5 ва 6-бандлари — тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 29 августда эълон қилинган.

8. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг 3 ва 4-бандлари тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан татбиқ этилиши мумкин.

9. Сенатнинг тегишли Қўмита ва Комиссиялари мазкур амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Сенатнинг ушбу қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Раиси

И. СОБИРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 28 август,
529—I-сон

—

+

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****345 Корея Республикаси Ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда илмий-техника адабиётлари электрон кутубхонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида электрон ахборот-кутубхона ресурсларини яратиш соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, илмий-техника адабиётларининг электрон манбаларини шакллантириш ва тўплашнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш ҳамда республика фуқароларининг ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Корея Республикаси Ҳукумати томонидан 2008-2009 йиллар мобайнида илмий-техника адабиётлари электрон кутубхонасини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига жами 2 млн. АҚШ доллари миқдорида грант маблағлари бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Белгилансинки, Корея Республикаси Ҳукуматининг грант маблағлари доирасида олиб келинадиган ускуналар ва материаллар, шунингдек кўрсатиладиган техник ёрдам Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Тошкент шаҳар «Билим» ахборот-кутубхона маркази негизида илмий-техника адабиётлари электрон кутубхонасини ташкил этишга йўналтирилади.

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги мазкур грант маблағларини олиш учун барча зарур тартиб-қоидаларни Корея томони билан келишиб олинган муддатларда амалга оширилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига Корея Республикаси томонидан берилган грант маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш вазифаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига лойиҳани самарали амалга ошириш, грант маблағлари доирасида олиб келинадиган ускуналар ва материаллардан мақсадли фойдаланиш масъулияти юклансин.

4. Грант маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар «Билим» ахборот-кутубхона маркази негизида илмий-техника адабиётлари электрон кутубхонасини ташкил этиш лойиҳаси бўйича:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги — буюртмачи этиб;

«Алоқалойиҳа» лойиҳалаштириш институти — бош лойиҳалаштирувчи этиб;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки — грант маблағлари ҳисобидан ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширувчи банк этиб белгилансин.

5. Илмий-техника адабиётлари электрон кутубхонасини ташкил этиш учун Корея Республикаси Ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобидан олиб келинадиган уску-

налар ва материаллар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

6. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК мазкур грант доирасида олиб келинадиган ускуналар ва материалларни аэропортларда ҳамда темир йўл станцияларида йиғимлар ундириб олинмаган ҳолда юкларни топшириш ишлари амалга оширилиши ҳамда сақланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги талабномаларига кўра, лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларнинг кириш визалари консуллик йиғими ва бошқа йиғимлар ундириб олинмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги талабномаларига кўра, лойиҳанинг хорижий қатнашчиларига кўп марталик визалар бериш ва муддатини узайтириш, шунингдек уларнинг истиқомат жойида вақтинча рўйхатда туриш ва унинг муддатини узайтиришни белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласин ҳамда улар давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2010 йилдан бошлаб Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига грант доирасида олиб келинадиган жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш учун бюджетдан ажратиб бериладиган маблағлар чегарасидаги харажатларни назарда тутсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 26 август,
ПҚ-952-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

346 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Литва Республикаси Ҳукумати ўртасида 2008 йил 19 июнь кунини Тошкент шаҳрида имзоланган иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон

Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 27 август,
ПҚ-953-сон

+

-

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING ҚАРОРИ

347 Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республикада архив ишини ва иш юритишни янада ривожлантириш, архив ҳужжатлари сақланишини таъминлаш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, тармоқнинг норматив ва методик базасини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

2011 йилгача архив ишини ва иш юритишни ривожлантириш дастури ҳамда мақсадли мўлжаллари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

архив иши ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидагилар 2011 йилгача архив ишини ва иш юритишни ривожлантириш дастурининг (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари сақланиши ва сақлаш хавфсизлиги шарт-шароитларини такомиллаштириш;

давлат архивларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни рақамлаш, таъмирлаш, консервация қилиш ва архив ҳужжатларидан эҳтиётлаш мақсадида нусха олиш бўйича юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

республиканинг умумий фойдаланиладиган архив ахборотлари маълумотлари базасини шакллантиришни назарда тутувчи архив муассасаларининг маълумотлар узатиш ва интеграциялашган ахборот тизимининг корпоратив тармоғини яратиш;

масофадан ўқитишнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда архив иши ва иш юритиш ходимлари малакасини мунтазам равишда ошириш тизими-ни шакллантириш.

3. Давлат бюджети маблағлари, республика архив муассасаларининг бюджетдан ташқари даромадлари ва грант маблағлари Дастурни молиялаштириш манбалари ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастур тадбирларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини ҳамда архив иши ва иш юритишни ривожлантиришнинг белгиланган мақсадли мўлжалларига эришилишини таъминласин.

5. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари идоравий архивлар фаолиятини ривожлантириш, идоравий сақлашдаги Миллий архив фонди ҳужжатларининг сақлани-

шини ва илмий-техник жиҳатдан ишланишини таъминлаш, шунингдек архив иши ва иш юритиш ходимлари малакасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджетини шакллантиришда:

ушбу қарорда назарда тутилган мақсадли мўлжалларга эришиш тадбирларини, шунингдек 2011 йилгача архив иши ва иш юритишни ривожлантириш дастурини амалга оширишга;

идоравий сақлаш босқичида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини илмий-техник жиҳатдан ишлашга ва уларнинг сақланишини таъминлашга, шунингдек вазирликлар, идоралар ва республика бошқа ташкилотларининг ҳар йилги таклифларига мувофиқ ходимлар малакасини ошириш тадбирларига зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар йили тақдим этиладиган ходимлар рўйхатлари асосида архив иши ва иш юритиш ходимлари малакасини мунтазам равишда ошириш курсларини ташкил этсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ва Молия вазирлиги билан давлат янги архивларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар лойиҳаларини келишиб олсинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 3 февралдаги 49-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 8-модда) 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 26 август,
194-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 26 августдаги 194-сон қарорига
1-ИЛОВА

347-модда

**2011 йилгача Ўзбекистон Республикасида архив иши ва
иш юритишни ривожлантириш
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Молиялаштириш манбалари (млн. сўм)		Амалга ошириш механизми		Масъул бажарувчилар
		Давлат бюджети маблаглари	бюджетдан ташқари ва грант маблаглари	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	
1.	Архив муассасалари биноларининг ҳолатини хатловдан ўтказиш.			Тадбирлар	2008 йил III чорак	«Ўзархив» агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси, «Давархи- тектурилиш» кўмитаси, Қорақалпоғистон Респуб- ликаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
	Кейинчалик биноларни архив муассасалари балансига берган ҳолда биноларни босқичма-босқич қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича таклифлар тайёрлаш ва киритиш.			Вазирлар Маҳкамасига таклиф	2008 йил ноябрь	
2.	Марказий ва вилоят давлат архивларини:			Чора-тадбирлар жадвали	Тасдиқлаш — 2008 йил III чорак	«Ўзархив» агентлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
	ҳавони мўътадиллаштириш тизими билан;	238,1	368,3			
	ёнгинни ўчириш ва ёнгинга қарши сигна- лизациянинг замонавий тизими билан;	237,9	300,0			
	бинода ва ўқув залларида периметрал назорат ва видео кузатиш тизими билан;	107,0	26,6			
	компьютерлар билан;	37,8	133,0			
	металл стеллажлар билан;	835,0	1688,2			
ишларни картонлаштириш учун қутилар билан жиҳозлаш		962,4				
3.	Давлат архивлари ва шахсий таркиб ҳуж- жатларининг идоралараро хўжалик ҳисобидаги архивлари маълумотларини корпоратив узатиш тармогини шакллантириш.	150,0	83,0	Тадбирлар режаси	Тасдиқлаш — 2008 йил IV чорак	«Ўзархив» агентлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
					Амалга ошириш — 2011 йил охиригача	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2008 й.

— 14 —

35-36 (327-328)-сон

+

+

Т/р	Тадбирлар номи	Молиялаштириш манбалари (млн. сўм)		Амалга ошириш механизми		Масъул бажарувчилар
		Давлат бюджети маблағлари	бюджетдан ташқари ва грант маблағлари	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	
4.	Кўшимча архив сақланадиган жойлар куриш.			Лойиҳа-смета ҳужжатлари Инвестиция дастурига киритиш бўйича таклифлар	Тасдиқлаш — 2008 йил октябрь Амалга ошириш — 2011 йил 31 декабргача	«Ўзархив» агентлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
5.	Архивчилар ва иш юритувчиларни масофадан ўқитиш тизимини яратиш; масофадан ўқитиш учун платформа яратиш; архившунослик, иш юритиш ва электрон ҳужжат айланиши бўйича масофадан ўқитиш курсларини ишлаб чиқиш; Кино, фото, фоно ҳужжатлар Марказий давлат архивида ва архив иши бошқармаларида компьютерли ўқув синфлари тармоғини ташкил этиш; «охирги мил» алоқасининг тезкор каналини яратиш.	9,2 4,0	7,0 94,0 14,4	Тадбирлар режаси	Тасдиқлаш — 2008 йил IV чорак Амалга ошириш — 2010 йил 1 январгача	«Ўзархив» агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
6.	Давлат архивларини ноёб ва алоҳида қимматли ҳужжатларни реставрация қилиш, консервация қилиш ва эҳтиёт нусхалари кўчириш учун юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.	294,0	253,0	Чора-тадбирлар жадвали	Тасдиқлаш — 2008 йил IV чорак Амалга ошириш — 2010 йил 1 январгача	«Ўзархив» агентлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
7.	Давлат архивларини ахборотни ёзиш ва электрон манбаларда сақлаш учун асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.	55,0	133,0	Чора-тадбирлар жадвали	Тасдиқлаш — 2008 йил IV чорак Амалга ошириш — 2010 йил 1 январгача	«Ўзархив» агентлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
8.	Архив муассасаларини компьютер асбоб-ускуналари ва лицензияли дастурий таъминот билан жиҳозлаш.	85,0	200,0	Чора-тадбирлар жадвали	Тасдиқлаш — 2008 йил III чорак	«Ўзархив» агентлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Т/р	Тадбирлар номи	Молиялаштириш маъбалари (млн. сўм)		Амалга ошириш механизми		Масъул бажарувчилар
		Давлат бюджети маблағлари	бюджетдан ташқари ва грант маблағлари	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	
					Амалга ошириш — 2010 йил 1 июнгача	Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
9.	«Ўзбекистон архивлари» веб-порталини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш.	1,5	4,0	Тадбирлар режаси	Тасдиқлаш — 2008 йил III чорак Доимо	«Ўзархив» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
10.	Умумий фойдаланиладиган архив ахбороти бўйича маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва яратиш.		258,0	Тадбирлар режаси	Тасдиқлаш — 2008 йил III чорак Амалга ошириш — 2011 йил 1 январгача	«Ўзархив» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
11.	Архив иши ва иш юритиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.			Ўқитиш жадвали	Тасдиқлаш — ҳар йили йил охирда Амалга ошириш — доимо	«Ўзархив» агентлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
Дастур бўйича жами:		2 054,5	4 524,9			

+

+

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 26 августдаги 194-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
«Ўзархив» агентлигининг марказий аппарати
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — штат бўйича 10 киши,
шу жумладан бошқарув ходимлари — 9 киши, ёрдамчи ходимлар — 1 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 26 августдаги 194-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Архив иши ҳудудий бошқармаларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган сони — 70 киши, улардан бошқарув ходимлари — 53 киши, шу жумладан Тошкент шаҳрида — 7 (2) киши, Бухоро, Тошкент вилоятларида — 6 (2) киши, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятларида — 5 (1) киши, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида ҳар бир ҳудудий бошқармада — 4 (1) кишидан (қавсларда ёрдамчи ходимлар сони кўрсатилган).

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 26 августдаги 194-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида
архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»
2004 йил 3 февралдаги 49-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-бандда:
иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агент-лигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ»;
учинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. Қарорга 2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агент-лиги тўғрисидаги низомда (4-илова):
 - а) 1-банддаги «ва улардан фойдаланиш тўғрисида» сўзларидан кейин «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» сўзлари қўшилсин;
 - б) 3-банддаги, 13-банднинг иккинчи хатбошидаги, 14-банднинг иккинчи хатбошидаги «архив иши» сўзларидан кейин «ва иш юритиш» сўзлари қўшилсин;
 - в) 4-банддаги «фармонлари» сўзидан кейин «қарорлари» сўзи қўшилсин;
 - г) 7-бандда:
бешинчи ва еттинчи хатбошидаги «архив иши» сўзларидан кейин «ва иш юритиш» сўзлари қўшилсин;
саккизинчи хатбошидаги «археография» сўзидан кейин «иш юритиш, электрон ҳужжат айланиши» сўзлари қўшилсин;

саккизинчи хатбошидан кейин қўйидаги мазмундаги янги хатбоши қўшилсин:
«Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига тегишли бўлган ахборот ресурсларини сақлашни таъминлайдиган электрон архивларни ташкил этишни ва фаолият кўрсатишини тартибга солиш ҳамда мувофиқлаштириш»;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ўнинчи хатбошидаги «архив иши» сўзларидан кейин «ва иш юритиш» сўзлари қўшилсин;

д) 8-бандда:

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«архившунослик, ҳужжатшунослик, археография соҳасидаги илмий-методик ишларни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради, илмий тадқиқотлар натижаларини ва илмий-техника ютуқларини архив иши ва иш юритиш амалиётига жорий қилади»;

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ҳужжатларнинг, шу жумладан давлат ахборот ресурсларининг илмий ва амалий қимматини экспертизадан ўтказишни ҳамда уларни доимий сақлаш учун давлат архивларига, шу жумладан электрон архивларга танлаб олишни ташкил қилади»;

ўн тўққизинчи хатбошидаги «ва идоравий архивлар» сўзлари «идоравий архивлар, шахсий таркиб бўйича ҳужжатларнинг идоралараро архивлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўттизинчи хатбошидаги «архив иши» сўзларидан кейин «ва иш юритиш» сўзлари қўшилсин;

қўйидаги мазмундаги ўттиз биринчи ва ўттиз иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг ахборот ресурслари ва электрон ҳужжатлари ҳимоя қилиниши таъминланишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатларининг эҳтиёт нусхалари яратилишини ташкил қилади»;

ўттиз биринчи — ўттиз иккинчи хатбоши тегишли равишда ўттиз учинчи — ўттиз тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

е) 9-бандда:

бешинчи хатбошидан кейин қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«давлат ҳокимияти органларидан тугатилаётган корхоналар тўғрисида ахборот олиш»;

олтинчи — ўн иккинчи хатбоши тегишли равишда еттинчи — ўн учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидаги «яширилиши» сўзидан кейин «йўқотилиши» сўзи қўшилсин;

ж) 11-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан» сўзлари «белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бош директорнинг белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бир нафар ўринбосари бўлади»;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзархив» агентлиги аппарати ходимларини, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари директорларини ва директор ўринбосарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади»;

саккизинчи хатбошидаги «давлат архивлари» сўзларидан кейин «шунингдек архив иши ҳудудий бошқармалари» сўзлари қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ VAZIRLAR MAХKAMACИНИНГ
ҚАРОРИ**348** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низом-
ларни тасдиқлаш ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2008 йил 8 августдаги 174-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Машинасозликни, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 22 мартдаги 56-сон қарори 1-бандининг иккинчи ва учинчи хатбоши ҳамда қарорга 1 ва 2-илвалар;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ-834-сон қарори)» 2008 йил 20 майдаги 100-сон қарорига илова 9-бандининг 2 ва 3-кичик бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 5-сон, 19-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси С.Х. Бекенов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 3 сентябрь,
199-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 3 сентябрдаги 199-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Машинасозликни, электротехника ва авиация саноатини
ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари
ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Машинасозликни, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 174-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратини машинасозликни, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш; сафарбарлик ва давлат захиралари; стандартлаштириш ва метрология масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига бўйсунди ва айна бир пайтда унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

5. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) машинасозликни ривожлантириш соҳасида:

машинасозлик корхоналарини ривожлантиришнинг тармоқни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан жиҳозлашга, бутун дунёга машҳур савдо маркаларига эга бўлган халқаро трансмиллий компанияларни жалб этган ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий, рақобатбардошли ишлаб чиқаришлар ташкил этишга қаратилган стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ишлаб чиқариш потенциалидан янада тўлиқ фойдаланиш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринлари ташкил этиш мақсадида автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва бошқа аралаш тармоқлар корхоналарини тармоқлараро коопера-

циялаш самарадорлигини оширишга, шунингдек кўрсатиб ўтилган тармоқларда ишлаб чиқариш жараёнларини диверсификациялашга кўмаклашиш;

машинасозлик корхоналарида фойдаланиладиган бутловчи буюмлар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё ва материаллар импортини мақбуллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

потенциал инвесторларни автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларига жалб этиш бўйича эксперт баҳолашларни чуқур ўрганиш ва ўтказиш;

хорижий инвестициялар ва кредитларни автомобилсозликка, қишлоқ хўжалиги машинасозлигига жалб этиш бўйича таклифлар, лойиҳалар ва дастурларнинг ҳар томонлама таҳлил қилинишини ва комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминлаш, кўрсатиб ўтилган лойиҳалар ва дастурларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш, уларнинг бажарилиши мониторингини юритиш, шунингдек тасдиқланган параметрларга сўзсиз эришиш бўйича таклифлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш;

машинасозликда ислохотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ички ва ташқи бозорларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг рақобатбардошли янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ишларини мувофиқлаштириш, уларни жаҳон бозорларига киритиш;

б) электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш соҳасида:

электротехника ва авиация саноатини ривожлантиришнинг тармоқни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, бутун дунёда машҳур бўлган товар маркаларига эга бўлган халқаро трансмиллий компанияларни жалб этган ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий, рақобатбардошли ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ишлаб чиқариш потенциалидан янада тўлиқ фойдаланиш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринлари ташкил этиш мақсадида электротехника, авиация саноати ва бошқа аралаш тармоқлар корхоналарини тармоқлараро кооперациялаш самарадорлигини оширишга, шунингдек кўрсатиб ўтилган тармоқларда ишлаб чиқариш жараёнларини диверсификациялашга кўмаклашиш;

электротехника, авиация саноати корхоналарида фойдаланиладиган бутловчи буюмлар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё ва материаллар импортини мақбуллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

потенциал инвесторларни электротехника, авиация саноати корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларига жалб этиш бўйича эксперт баҳолашларни чуқур ўрганиш ва ўтказиш;

хорижий инвестициялар ва кредитларни электротехника, авиация саноатига жалб этиш бўйича таклифлар, лойиҳалар ва дастурларнинг ҳар томонлама таҳлил қилинишини ва комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминлаш, кўрсатиб ўтилган лойиҳалар ва дастурларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш, уларнинг бажарилиши мониторингини юритиш, шунингдек тасдиқланган параметрларга сўзсиз эришиш бўйича таклифлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш;

мамлакатимизда рақобатбардошли авиация техникаси ишлаб чиқаришини ривожлантиришга кўмаклашиш, замонавий самолётлар ишлаб чиқаришнинг узоқ муддатли истиқболларини таъминлаш, авиасозликда экспорт потенциалини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

в) сафарбарлик ва давлат захиралари соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, иқтисодиёт тармоқларининг сафарбарлик ва давлат захираларини жалб этиш масалаларига тайёрлиги ҳолатини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилиш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захираларининг қарзга олинган товарлар ва маҳсулотларининг сифати ва миқдори бўйича сақланишини ва ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш ишлари ҳолатининг мониторингини ва таҳлилини таъминлаш;

сафарбарлик ва давлат захиралари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан бажарилишини назорат қилиш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захираларини шакллантиришни, шу жумладан уларни жамлашни, сақлаш ва янгилаб боришни, шунингдек сафарбарлик ва давлат захираларидан белгиланган тартибда тезкорлик билан фойдаланишга доимий тайёрликни таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

г) стандартлаштириш ва метрология соҳасида:

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўлланиш асосида маҳсулотларнинг сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш соҳасидаги ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил қилиш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимларининг фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш бўйича халқаро стандартларни қўлланиш асосида маҳсулотлар сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш;

«Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда бажарилишини таъминлаш бўйича ишларнинг мониторингини олиб бориш ва уларни мувофиқлаштириш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ҳудудларда ишларнинг аҳволини ўрганади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг ўринбосари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли тармоқларни ривожлантириш, шунингдек тегишли тармоқларда ислохотларни чуқурлаштириш дастурларини, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош ва-

зири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси топшириқларининг ижросини назорат қилади;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгиланишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун тахлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур тахлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқарувининг манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасаддилик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўзи юритадиган масалалар бўйича ҳукуматлараро битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқирилишини назорат қилади, фуқароларни шахсан қабул қилишни амалга оширади; ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти орган-

лари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиял органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир ўринбосарининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушадиган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудир, машинасозлик шўъбаси мудир, бош ва етакчи мутахассислари; электротехника ва авиация саноати шўъбаси мудир, бош ва етакчи мутахассислари; сафарбарлик ва давлат захиралари масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассис, стандартлаштириш ва метрология масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек инспектор киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.

12. Департамент мудир, шўъба мудирлари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича Йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг иш режалари, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг иш режалари, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Департамент мудир томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудир:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, шўъба мудирлари ва мутахассислар ишини ташкил қилади, Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат тамойилларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил этади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига розилик беради. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши тизимли назорат қилинишини таъминлайди;

тегишли тармоқлар, соҳалар ва республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тизимли мониторинг қилиниши ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг истикболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

Департаментнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимга тавсия этиладиган номзодлар, мутахассисларнинг касб даражаси ва ишчанлик малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларни жазолаш чора-тадбирлари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда комплекс раҳбарининг кўриб чиқиши учун киритади;

шўъба мудирлари ва мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлашни, шунингдек ярим йилликка комплекс иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун комплекс раҳбарига киритади, Департаментнинг таркибий бўлинмалари ва мутахассислари иш режасини тасдиқлайди;

Вазирлар Маҳкамасига тушган, республика Ҳукуматининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташки-

лий кўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси томонидан ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Департамент кадрлар захираси шакллантирилиши ва янгилалини, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли иш олиб бориш ташкил этилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. Департамент мудир вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари томонидан белгиланган Департаментнинг шўъба мудирларидан бири бажаради.

16. Шўъба мудир:

шўъба мутахассислари ишларини мувофиқлаштиради ҳамда шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий ва статистик материаллар ва бошқа материаллар, шунингдек шўъбага биркитилган масалалар, республиканинг тегишли вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудлари бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ва ўз вақтида тайёрлишини;

қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ҳукумат қарорларини амалга ошириш бўйича мутахассислар томонидан ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режалари тайёрлишини, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланишини мувофиқлаштиради, доимий асосда эришилган натижалар мониторинги олиб борилишини таъминлайди;

тегишли давр учун мутахассислар, Департамент ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқланган иш режаларидаги масалаларни ўрганишни мувофиқлаштиришни ва чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди, танқидий таҳлил қилиш асосида Департамент мудир ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари кўриб чиқиши учун тегишли таклифлар киритади;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва секторлари, шунингдек республика ҳудудлари бўйича маълумотларнинг тизимлаштирилган базаси яратилиши ва юритилишини назорат қилади;

маълумотнома материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

шўъба юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

Департамент мудирининг топшириғига кўра чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат

қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ҳамда ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказди;

вазифалар тақсимотида мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Шўъба мудирининг вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Департамент мудирининг белгилайдиган шўъба бош мутахассисларидан бири бажаради.

17. Департаментнинг бош мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, ишончилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатлар бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама ўрганиб чиқади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлари тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўъба мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг иқтисодийнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши устидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг тизимлаштирилган базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланган борилишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг марказий аппаратлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига

биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказди;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади; вазибалар тақсимотиға мувофиқ бошқа функцияларни амалға оширади.

18. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

функционал вазибаларға мувофиқ тақлифлар ва хужжатлар лойиҳаларининг сифати, ишончилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган хужжатлар бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан тақдим этилган тақлифлар ва хужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама ўрганиб чиқади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт тақлифлари тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва хужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига ва бош мутахассисға, шўба мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат Бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган хужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши устидан тизимли назоратни амалға оширади;

тегишли функционал масалалар ва хужжатлар бўйича маълумотларнинг тизимлаштирилган базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг марказий аппаратлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўба мудирини билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқиладиган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади;

вазибалар тақсимотиға мувофиқ бошқа функцияларни амалға оширади.

19. Инспектор Департаментда иш юритишни амалға оширади, хужжатларнинг

ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 3 сентябрдаги 199-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё
ва металлургия саноати масалалари ахборот-таҳлил
департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 174-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратини минерал хом ашё ва углеводородларни қидириш ва қазиб олиш; металлургия ва қимматбаҳо металллар; ёқилғи-энергетика комплексини; кимё ва нефть-кимё саноатини ривожлантириш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига бўйсунди ва айни бир пайтда унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

5. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) минерал хом ашё ва углеводородларни қидириш ва қазиб олиш соҳасида: геология-разведка ишларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда ер ости бойликларидан самарали фойдаланиш ва минерал хом ашё қазиб олиш талаб-

ларини ҳисобга олган ҳолда энг аввало углеводород хом ашё, асл, рангли, нодир металллар ва уран, шунингдек қурилиш материаллари, чучук ва минерал ер ости сувларини қидириш ва разведка қилиш самарадорлигини таъминлайдиган фойдали қазилмалар геологик захираларини прогнозлаштиришнинг замонавий технологиялари ва илғор методларини жорий этиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

нефть, табиий газ ва кимёвий хом ашёни айниқса Устюрт минтақасида ва бошқа истиқболли майдонларда, шунингдек минерал ресурсларни геология-разведка ишлари ва қазиб олишнинг комплекс дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш, ушбу дастурлар амалга оширилиши мониторинги олиб борилишини таъминлаш;

геология-разведка, минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида мақсадли дастурларни, махсулот тақсимотига оид битимлар лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан қарорлар қабул қилиш учун экспертиза ўтказиш ва тавсиялар тайёрлаш;

ер ости бойликларини геологик ўрганиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, минерал-хом ашё базани тиклаш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

геология, минерал хом ашё ва углеводородларни қазиб олиш соҳасида ислохотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

республикада геология-разведка ва қазиб олиш ишларини жадал олиб бориш масалалари бўйича ишларнинг ҳолати мониторинги олиб борилиши ва таҳлил қилинишини таъминлаш;

ягона техника сиёсатини ўтказиш, геология ва нефть-газ тармоғининг геология-разведка, бурғулаш ва қазиб олиш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш;

минерал хом ашё ва углеводородларни қидириш ва қазиб олиш соҳасига хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш бўйича таклифлар, лойиҳалар ва дастурларнинг ҳар томонлама таҳлил қилиниши ва комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминлаш, кўрсатиб ўтилган лойиҳалар ва дастурлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш, шунингдек тасдиқланган параметрларга сўзсиз эришиш бўйича таклифлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш;

б) металлургия ва қимматбаҳо металллар соҳасида:

металлургия саноати корхоналарини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, хом ашёни чуқур қайта ишлаш йўли билан рақобатбардошли ва экспортга йўналтирилган махсулотлар ишлаб чиқарилишини кўпайтириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда металлургия саноати махсулотлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг энг муҳим балансларини ишлаб чиқиш;

ягона техника сиёсатини олиб бориш, металлургия ишлаб чиқаришлари корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш;

кон-металлургия саноати корхоналарида фойдаланиладиган бутловчи буюмлар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил этиш, тармоқ корхоналари учун сотиб олинадиган асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё ва материаллар импортини мақбуллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

республиканинг кон-металлургия саноати корхоналарини хусусийлаштириш

жараёнларига потенциал инвесторларни жалб этишни чуқур ўрганиш ва эксперт баҳолаш;

кон-металлургия саноатига хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш бўйича таклифлар, лойиҳалар ва дастурларнинг ҳар томонлама таҳлил қилиниши ва комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминлаш, кўрсатиб ўтилган лойиҳалар ва дастурларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш, шунингдек тасдиқланган параметрларга сўзсиз эришиш бўйича таклифлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш;

рангли ва қора металлургия корхоналарининг маҳсулотлари ички ва жаҳон бозорларига кириб бориши маркетинг тадқиқотлари ва таҳлилни ташкил этиш;

в) ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш соҳасида:

углеводород хом ашёни чуқур қайта ишлаш йўли билан ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, рақобатбардошли ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргалликда углеводород хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг энг муҳим балансларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ягона техника сиёсати олиб бориш, ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарини, ҳосил қилинадиган қувватлар ва электр тармоқларини модернизация қилиш, техника ва технология билан қайта жиҳозлашни таҳлил қилиш ва улар юзасидан таклифлар тайёрлаш;

— нефть-газ тармоғи корхоналарида бутловчи буюмлар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил этиш, кўрсатиб ўтилган тармоқ корхоналари учун сотиб олинadиган асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё ва материаллар импортини мақбуллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, республиканинг ёқилғи-энергетика комплексига рақобат учун шарт-шароитлар яратиш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

ёқилғи-энергетика комплексига хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш бўйича таклифлар, лойиҳалар ва дастурларнинг ҳар томонлама таҳлил қилиниши ва комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминлаш, кўрсатиб ўтилган лойиҳалар ва дастурларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш, шунингдек тасдиқланган параметрларга сўзсиз эришиш бўйича таклифлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш;

нефть маҳсулотлари ўрнини босиш учун автогазтўлдириш компрессор ва автогазқуйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган газ билан ишлашга босқичма-босқич ўтказиш дастурлари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш;

кўмир конларини қазишнинг самарали тизимлари ва методларини жорий этиш;

г) кимё ва нефть-кимё саноати соҳасида:

кимё ва нефть-кимё саноати корхоналарини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, углеводород ва кимё хом ашёсини чуқур қайта ишлаш йўли билан рақо-

+

батбардошли ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргалликда минерал ўғитлар ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини, нефть-кимё маҳсулотларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш балансларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ягона техника сиёсати олиб бориш, кимё ва нефть-кимё ишлаб чиқаришларини модернизация қилиш, техника ва технология билан қайта жиҳозлашни таҳлил қилиш ва улар юзасидан таклифлар тайёрлаш;

кимё ва нефть-кимё саноатига хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш бўйича таклифлар, лойиҳалар ва дастурларнинг ҳар томонлама таҳлил қилиниши ва комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминлаш, кўрсатиб ўтилган лойиҳалар ва дастурларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш, шунингдек тасдиқланган параметрларга сўзсиз эришиш бўйича таклифлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш;

иктисодиёт тармоқларининг кимё ва нефть-кимё маҳсулотларига бўлган жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжини тадқиқ қилиш ва белгилаш ишларини мувофиқлаштириш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

иктисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ҳудудларда ишларнинг аҳволини ўрганади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг ўринбосари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли тармоқларни ривожлантириш, ислохотларни чуқурлаштириш дастурларини, шунингдек тегишли тармоқларда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси топшириқларининг ижросини назорат қилади;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгиланишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқаруви манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасаддилик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўзи юритадиган масалалар бўйича ҳукуматлараро битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни шахсан қабул қилишни амалга оширади;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир ўринбосарининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби таълаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудири, минерал хом ашё ва углеводородларни қидириш ва қазиб олиш шўъбаси мудири, бош ва етакчи мутахассислари; металлургия ва қимматбаҳо металллар шўъбаси мудири, бош ва етакчи мутахассислари; ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш шўъбаси мудири, бош ва етакчи мутахассислари; кимё ва нефть-кимё саноати шўъбаси мудири, бош ва етакчи мутахассислари, шунингдек инспектор киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.

12. Департамент мудири, шўъба мудирлари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича Йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг иш режалари, Департамент мудири ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг иш режалари, мудирнинг шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси билан келишилади ва Бош вазирнинг тегишли ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Департамент мудир томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудир:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, шўъба мудирлари ва мутахассислар ишини ташкил қилади, Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат тамойилларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил этади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига розилик беради. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши тизимли назорат қилинишини таъминлайди.

тегишли тармоқлар, соҳалар ва республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тизимли мониторинг қилиниши ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

Департаментнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимга тавсия этиладиган номзодлар, мутахассисларнинг касб даражаси ва ишчанлик малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларни жазолаш чора-тадбирлари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда комплекс раҳбарининг кўриб чиқиши учун киритади;

шўъба мудирлари ва мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлашни, шунингдек ярим йилликка комплекс иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун комплекс раҳбарига киритади, Департаментнинг таркибий бўлинмалари ва мутахассислари иш режасини тасдиқлайди;

Вазирлар Маҳкамасига тушган, республика Ҳукуматининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи апаратининг бошқарувчиси томонидан ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Департамент кадрлар захираси шакллантирилиши ва янгиланишини, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли иш олиб бориш ташкил этилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи апаратига амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. Департамент мудир вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазининг тегишли ўринбосари томонидан белгиладиган Департаментнинг шўъба мудирларидан бири бажаради.

16. Шўъба мудир:

шўъба мутахассислари ишларини мувофиқлаштиради ҳамда шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий ва статистик материаллар ва бошқа материаллар, шунингдек шўъбага биркитилган масалалар, республиканинг тегишли вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудлари бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини;

қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ҳукумат қарорларини амалга ошириш бўйича мутахассислар томонидан ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режалари тайёрланишини, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланишини мувофиқлаштиради, доимий асосда эришилган натижалар мониторинги олиб борилишини таъминлайди;

тегишли давр учун мутахассислар, Департамент ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқланган иш режаларидаги масалаларни ўрганишни мувофиқлаштиришни ва чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди, танқидий таҳлил қилиш асосида Департамент мудирини ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари кўриб чиқиши учун тегишли таклифлар киритади;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва секторлари, шунингдек республика ҳудудлари бўйича маълумотларнинг тизимлаштирилган базаси яратилиши ва юритилишини назорат қилади;

маълумотнома материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

шўъба юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

Департамент мудирининг топшириғига кўра чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ҳамда ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказиши;

вазифалар тақсимотида мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Шўъба мудирини вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Департамент мудирини белгилайдиган шўъба бош мутахассисларидан бири бажаради.

17. Департаментнинг бош мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, ишончилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатлар бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан тақдим этилган

таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама ўрганиб чиқади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлари тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўъба мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши устидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг тизимлаштирилган базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланган борилишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг марказий аппаратлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказиши;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади; вазифалар тақсимотида мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

18. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, ишончилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатлар бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама ўрганиб чиқади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлари тайёрлайди, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўъба мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат Бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши устидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг тизимлаштирилган базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланган борилишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг марказий аппаратлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўъба мудирини билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқиладиган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

19. Инспектор Департаментда иш юритишни амалга оширади, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ**349 Ишлаб чиқарилаётган пахта мойи сифатини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ишлаб чиқарилаётган пировард махсулотнинг, энг аввало пахта мойининг сифатини доимий равишда яхшилашдан ёғ-мой саноати корхоналарининг манфаатдорлигини рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек республика пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги Ф–2996-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган ишлаб чиқарилаётган пахта мойи сифатини оширишни рағбатлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича махсус Идоралараро комиссия томонидан ишлаб чиқилган:

ишлаб чиқарилаётган пахта мойи сифатини оширишни рағбатлантиришга доир ташкилий чора-тадбирлар 1-иловага* мувофиқ;

озик-овқат учун ишлатиладиган пахта мойи сифатини назорат қилиш тизими 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2008 — 2011 йиллар даврида ёғ-мой саноати корхоналари томонидан ўсимлик мойини қадоқлаш ва ҳидсизлантириш бўйича қувватларни 3-4-иловаларга* мувофиқ кучайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, 2008 йил пахта хом ашёси ҳосилидан бошлаб техник чигитга улгуржи-сотиш нархлари уларнинг навлари ва класси ҳисобга олинган ҳолда табақалаштирилиб «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

4. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга мувофиқ 2009 йил пахта хом ашёси ҳосилидан бошлаб пахта мойи чиқиши нормативлари ҳар йили селекция навлари бўйича пахта хом ашёси тайёрлашнинг ҳақиқий ҳажмлари ва чигитнинг Ўзбекистон «Сифат» маркази томонидан аниқланадиган мойдорлиги ҳисобга олинган ҳолда республика минтақалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси билан биргаликда белгиланади.

5. Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон «Сифат» маркази билан биргаликда:

ишлаб чиқарилаётган пахта мойи сифатини оширишни рағбатлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар 1-иловада белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини;

2-иловага мувофиқ тасдиқланган тизим асосида республика ёғ-мой корхоналарида ишлаб чиқарилаётган пахта мойи сифати комплекс назорат қилинишини;

мой ишлаб чиқариш жараёнида ёғ-мой корхоналари томонидан технологик режими нормаларига риоя қилинишининг тизимли мониторинги олиб борилишини;

2009 йил 1 сентябргача бўлган муддатда техник чигитнинг мойдорлигини аниқлашнинг экспрес-анализаторларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар амалга оширилишини ҳамда «Сифат» мар-

* 1 — 4-иловалар берилмайди.

кази лабораториялари ва ёғ-мой корхоналари улар билан жиҳозланишини таъмин-
ласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-
сининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 4 сентябрь,
200-сон

+

-

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

350 Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
29 августда 1845-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 8 сентябрдан кучга киради)

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 30 июлдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–929-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 165-сонли қарорларига асосан, қарор қилинади: +

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўн кундан сўнг кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ҲАЙТОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 август,
39-сон

**Ўрта махсус, касб-ҳунар
таълими маркази директори**

З. САТТОРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 август,
36/ҚҚ-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори**

Б. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 август,
01-275-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш
вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар
таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Давлат тест марказининг
2008 йил 25 августдаги 39, 36/ҚҚ,
01-275-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари
асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 30 июл-
даги ПҚ–929-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини
моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини та-
комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари тўплами 2008 й., 31-32-сон, 296-модда) ва Ўзбекистон Респуб-
ликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сонли «Ўрта махсус,
касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаш-
тирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари тўплами 2008 й., 31-32-сон, 303-модда) асосан ўрта махсус, касб-
хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифла-
рини қўллаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозим-
ларининг малака тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 165-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари
ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш
тўғрисида»ги қарори билан белгиланган ўрта махсус, касб-хунар таълими муасса-
салари раҳбарлари ва педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий та-
риф ставкаларига нисбатан мазкур Йўриқноманинг иловасига мувофиқ қўллани-
лади.

II. Малака тавсифлари мазмуни ва қўллаш тартиби

2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозим-
ларининг малака тавсифлари қуйидагиларни ўз ичига олади:
педагог ходимнинг лавозими бўйича мажбуриятлари рўйхатини;
тегишли лавозимни эгаллаб турган (эгаллашга номзод) ходимнинг билим кўник-
маларига қўйиладиган талабларни;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

тегишли лавозимни эгаллаш учун зарур бўлган иш стажы ва таълим даражасига қўйиладиган талабларни.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларида кўрсатилган ҳар бир лавозим бўйича иш мазмуни, ҳажми ва бажариш тартиби ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси томонидан Давлат таълим стандартларига, иш кўрсатмаларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос равишда белгиланади.

3. У ёки бу лавозим (лавозимлар гуруҳи) ёки малака тоифаси учун бир қанча тариф ставкалари белгиланган бўлса, нисбатан юқори базавий тариф ставкасига эга бўлган ходим нисбатан кичикроқ лавозим ёки малака тоифасидаги ходимлар учун назарда тутилган билимлар, тажрибалар ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

4. Ходимга лавозим (малака тоифаси) белгилаш, бериш ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини бериш тартиби асосида амалга оширилади.

5. Ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини лавозим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тоифасининг ҳисоби, шунингдек иш тўғрисидаги барча ҳужжатлардаги ёзувлар ушбу малака тавсифларидаги лавозимлар ва малака тоифалари номлари билан қатъий мос бўлиши керак.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларини қўллаш бўйича йўриқномага
ИЛОВА

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг МАЛАКА ТАВСИФЛАРИ

§ 1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директори

Лавозим вазифалари:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлайди;

б) таълим муассасаси фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади, илмий ва педагогик кенгашни бошқаради, таълим сифатини яхшилаш, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, ривожлантириш ва мукамаллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди;

в) ўқув-тарбия жараёнининг барча босқич ва бўлимлари фаолиятини ташкиллаштиради;

г) ўқув жараёнига Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини киритишни таъминлайди, уларни татбиқ этишнинг назоратини амалга оширади;

д) Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси устави талабларига риоя қилишни таъминлайди;

е) давлат ва жамоат ташкилотларида ўрнатилган тартибда таълим муассасаси манфаатларини ҳимоя қилади;

ж) таълим муассасасининг йиллик ва ойлик иш режаларини тасдиқлайди ҳамда ўқитувчилар йиллик иш режаларининг бажарилишини назорат қилади;

з) ўқувчилар томонидан тизимли билимлар олишни, уларга бўлган эҳтиёжни ривожлантиришни, базавий ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни, ижодий, мустақил фикрлашни шакллантиришни, меҳнат кўникмаларини, танланган касбга ва атроф муҳитга онгли муносабатни юзага келтиришни таъминлайди;

и) ўқув жараёнига мукаммаллашган ва самарали педагогик технологиялар ва таълим воситаларини киритади;

й) ўз ваколати доирасида таълим муассасасининг молия хўжалик масалаларини ҳал этади, бюджет ва бюджетдан ташқари молиявий маблағларни шакллантиради ва улардан самарали фойдаланишини таъминлайди, ўқув жиҳозлари ва бошқа ўқитиш воситаларининг сақланишини таъминлайди, таълим муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш ишларини ташкил этади;

к) педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларни аниқлайди, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, штат жадвалини белгиланган хизмат доирасида тасдиқлайди, педагогик ходимлар аттестациясини ташкиллаштиради, ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади;

л) меҳнат, ишлаб чиқариш, ижро интизоми ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишини таъминлайди;

м) таълим муассасасининг ўрнатилган кўрсаткичларини рағбатлантириш бўйича махсус комиссияга бошчилик қилади, махсус комиссия қарори асосида ходимларга қўшимчалар, бир марталик мукофотлар ва моддий ёрдамни тайинлайди;

н) ўқувчиларнинг билим сифатини давлат таълим стандартларига мувофиқлигини, ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигини таъминлайди ва назорат қилади, педагог ходимларни рағбатлантириш учун таълим стандартлари талаблари бажарилишини ҳолис ҳисобга олинишини ташкиллаштиради;

о) ўқитувчилар фаолияти самарадорлиги ва сифатини баҳолаш учун ўқувчилар ўртасида танланма тестларни ташкил этади;

п) ўқувчиларни таълим муассасасига қабулини, курсдан курсга ўтишини, иш юритишнинг олиб борилишини, ўқувчиларга маълумот ҳақидаги ҳужжатларнинг берилишини ташкил этади;

р) умумтаълим мактаблари 9-синфлари битирувчилари билан фаол касб-ҳунар-га йўналтириш ишларини олиб боришни ташкил қилади;

с) ўқувчиларни дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланишини ташкил этади;

т) васийлик кенгаши, ота-оналар, маҳалла қўмитаси, жамоат ва ҳомий ташкилотлари билан ўқув-тарбия ишларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ишларини ташкил этади, педагог ва бошқа ходимлар билан шартномалар тузади;

у) ўқувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этади, корхона, ташкилот ва муассасалар билан ўқувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш бўйича шартномалар тузади;

ф) ўсмирларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ва муҳофазалаш бўйича талабномаларга амал қилинишини таъминлайди, меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишларини олиб боради;

х) кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш ишларини ташкил этади, ётоқхонага эҳтиёжи бўлган ўқувчиларнинг яшаши ва овқатланиши учун зарур шароитларни яратади;

ц) таълим муассасаси битирувчиларини ишга жойлаштириш (таксимлаш) ишларини ташкил этади, битирувчиларни ишга жойлаштириш учун талабномалар порт-

фелини шакллантиради ва битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши мониторингини таъминлайди;

ш) мутахассисликлар ва касбий тайёргарлик йўналишлари кесимида кадрларни тайёрлаш режаларига тегишли ўзгартиришлар ва тузатишлар киритиш бўйича таклифлар киритади;

э) ўқувчиларни энг яхши миллий анъаналар, урф-одатларга ҳурмат руҳида тарбиялашни, уларда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида юқори маънавий ахлоқий сифатларни ҳосил қилиш, ўз ватанига ва халқига содиқ фуқароларни шакллантиришни бошқаради;

ю) таълим муассасаси фаолияти ҳақида ҳисоботлар тайёрлайди, буйруқлар чиқаради, ходимлар учун ижтимоий-маиший ва малака ошириш учун шароитлар яратади;

я) ходимларнинг мажбуриятлари, вазифаларини белгилайди ва улардан алоҳида ўрнатилган қўрсаткичларини мукофотлаш ва рағбатлантириш учун тавсия этади, ўз ваколати доирасида жазо чораларини қўллайди;

ў) жамоа аъзолари ва ўқувчилар контингенти ҳуқуқларини ҳимоялашга, ҳаёти ва соғлигини муҳофазалашга ғамхўрлик қилади.

Билиши зарур:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларини;

б) Давлат таълим стандартлари талаблари ва мазмуни, жамоани самарали бошқариш усуллари, ходимларни, уларни ўқитиш ва тарбиялаш сифати, стандарт талабларини қўллаш натижаларига боғланган ҳолда моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг тизими ва усулларини;

в) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;

г) педагогикани, педагогик психологияни, ўсмирлар физиологиясини, таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишнинг санитар гигиеник талабларини, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;

д) илғор педагогик технологиялар ва уларни татбиқ қилиш усулларини;

е) ўқувчилар билимини назорат қилиш усулларини;

ж) таълим муассасаси ва педагогларни аттестациядан ўтказиш тартиби ва мезонларини;

з) ёшларга оид қонун ҳужжатларни.

Бажара олиши зарур:

а) таълим муассасаси ва алоҳида олинган ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қилиш, энг аҳамиятли муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишнинг самарали йўлларини белгилаш;

б) таълим муассасасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини ҳосил қилиш ва шартномалар тузиш, низомлар, қоидалар, лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш, ишчи йиғилишлар, суҳбатларни олиб бориш;

в) ҳудуд иқтисодиётининг кичик мутахассис кадрларга бўлган келажакдаги эҳтиёжларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

г) педагогик жамоада соғлом психологик муҳитни яратиш.

Малака талаблари:

а) таълим муассасаси йўналиши ва билим соҳаси бўйича олий маълумот;

б) педагогик стажи 5 йилдан кам эмас, жумладан ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида камида 2 йил иш стажи.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

§ 2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Лавозим мажбуриятлари:

а) ўқув жараёнини ташкил қилади, таълим стандартларида белгиланган ўқув, тарбиявий режа ва дастурларнинг бажарилишини таъминлайди;

б) педагогик кадрларни танлаш ва жойлаштиришда қатнашади, педагогик жамоанинг ўқув-услугий ишларини бошқаради, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталарининг илғор тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришни ташкил қилади, замонавий педагогик технологияларни татбиқ этади. Педагог ходимларга методик ёрдамни ташкил қилади ва амалга оширади, жамоа ва алоҳида ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини таҳлил қилади;

в) ўқитувчиларнинг йиллик, чорак ва ойлик иш режаларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва бажарилишини назорат қилади. Ўқитувчиларнинг тасдиқланган иш режалари асосида иш вақтини ҳисоблайди ва бажарилишини назорат қилади. Дарс жадвали, тестлар, имтиҳонлар ва бошқа ўқув тақдимотлари графигини ишлаб чиқади;

г) ўқув жараёни назоратини ташкил қилади, таълим стандартлари талабларининг бажарилиши, ўқувчиларнинг хулқи ва ўзлаштиришининг мониторингини амалга оширади, факультатив дарслар ва фан тўғарақларини ташкил этади;

д) ўқув хоналарини кўргазмалар ва техник ўқув қуроллари билан, ҳамда ахборот ресурс марказларни — китоблар, журналлар ва бошқа ахборот материаллари билан таъминланиши ва расмийлаштирилишини бошқаради;

е) фанлар бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва ёш мутахассисларга услубий ёрдам ташкил этиш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратлари ва малакаларини ошириш бўйича ишларни олиб боради, ўқувчиларнинг ўқув юкмааларини тақомиллаштиради;

ё) гуруҳ журналларининг юритилиши ва сақланишини таъминлайди, гуруҳ раҳбарлари фаолиятини бошқаради ўқув ишларининг ҳолати ва натижалари бўйича ҳисоботлар тайёрлайди, ота-оналар билан ҳамкорлик ишларини ташкил қилади;

ж) педагог ходимлар меҳнатини муҳофазалаш талаблари, санитар-гигиеник режим ва техника хавфсизлигига амал қилинишини таъминлайди;

з) жамоа аъзолари ва ўқувчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш, ҳаёти ва соғлигини муҳофазалашга ғамхўрлик қилади;

и) директор йўқлигида унинг лавозим мажбуриятларини амалга оширади;

л) доимий равишда ўз малакасини ошириб боради.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунини, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни, таълим тўғрисидаги ҳукумат қарорларини, таълимни ривожлантириш стратегияларини, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг таълим муассасаси фаолияти, унинг юритилиши ва ривожланишининг иқтисодий асосларини ташкиллаштириш ва яхшилаш ҳақидаги буйруқлари, топшириқлари, йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларини;

б) Педагогика фани ва амалиёти, бошқариш психологиясининг жаҳон ва мамлакат миқёсидаги эришилган ютуқларини. Ўқув жараёнининг амалга оширилиши ва ривожланишининг педагогик ва иқтисодий асосларини. Таълим стандартлари талаблари ва мазмуни, жамоани бошқаришнинг самарали шакллари ва усуллари, ҳамда ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни;

в) Давлат таълим стандартлари мазмунини;

г) Илғор педагогик технологиялар ва уларни татбиқ этиш усулларини. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуллари, уларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;

д) Ўқувчилар билимини назорат қилиш усулларини;

е) ёшларга оид қонун ҳужжатларини.

Бажара олиши лозим:

а) Таълим муассасаси ва ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қилиш, энг аҳамиятли муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишнинг самарали йўлларини белгилаш;

б) Касб-ҳунар коллежи(академик лицей)ни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини ҳосил қилиш, услубий тавсияномалар, ўқув режалар, дастурлар, қоидалар, лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш;

в) Ишчи йиғилишлар, суҳбатларни олиб бориш. Замонавий технологиялар асосида таълим муассасаси мониторингини ташкил этиш, илғор педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига қўллаш;

г) Педагогик жамоада соғлом психологик иқлимни яратиш.

Малакавий талаблар:

а) Таълим муассасаси йўналиши ва тегишли билим соҳаси бўйича олий маълумот;

б) Педагогик стажи 5 йилдан кам эмас;

в) Малакавий даража — катта ўқитувчидан кам эмас.

§ 3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи ўринбосари

Лавозим вазифалари:

а) таълим муассасасида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилади. Таълим муассасасида тарбиявий ишлар бўйича йиллик, ойлик иш режаларини ишлаб чиқади, гуруҳ раҳбарларининг тарбиявий ишлар бўйича иш режаларининг бажарилишини назорат қилади;

б) миллий истиқлол ғояси ва маънавият асосларига кирувчи фанлар бўйича таълим стандартлари талабларининг бажарилишини назорат қилади, бу фанларнинг ўзлаштирилиши мониторингини олиб боради;

в) ўқувчиларнинг тартиб-интизоми ва давомати, тарбиявий ишлар самардорлигининг назоратини амалга оширади;

г) таълим муассасасининг ётоқхоналарида ўқувчиларнинг яшашига муқобил шароитлар яратади, уларни ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилинишини ташкил этади;

д) спорт секциялари ва қизиқиши бўйича тўғарақларнинг доимий фаолиятини таъминлайди;

е) миллий урф-одатлар, тарихий қадриятлар ва буюк аجدодларимиз мисолида ўқувчиларнинг ватанпарварлик тарбиявий ишларини ташкиллаштиради ва назорат

қилади. Ўқувчилар ўртасида дарсдан ташқари, оммавий-маърифий ишлар ва экскурсияларни ташкил этади ва уни мувофиқлаштиради;

ж) таълим муассасасида ўқувчиларнинг маънавий-маърифий тарбияси масалаларини ечишга йўналтирилган тарғибот ва ташвиқот кўрғазмалари воситалари билан жиҳозлашни ташкил этади;

з) гуруҳ раҳбарлари услубий бирлашмасининг фаолиятини ташкил этади, илғор педагогик тажрибалар алмашиш жараёнини мувофиқлаштиради, тарбиявий ишлар сифати ва натижаларини таҳлил қилади;

и) педагогик кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда қатнашади, юқори малакали устозларнинг илғор педагогик тажрибаларини ўрганadi, умумлаштиради ва тарқатади;

к) умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларини фаол касбга йўналтириш ишларини ташкил этишда қатнашади;

л) тарбиявий ишлар бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва ёш мутахассисларга услубий ёрдамни ташкил этиш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ва малакасини ошириш ишларини олиб боради;

м) санъаткорлар, жамоат арбоблари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ва ижодий кечалар ўтказилишини ташкил қилади;

н) гуруҳ раҳбарларининг тарбиявий фаолиятини бошқаради, таълим муассасасида тарбиявий ишларнинг ҳолати ва натижалари бўйича ҳисоботлар тайёрлайди, ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этади;

о) ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари билан ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилади;

п) педагог ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш талаблари, санитар-гигиеник режим ва техника хавфсизлигига амал қилинишини таъминлайди;

р) жамоа аъзолари ва ўқувчилар контингенти ҳуқуқларини ҳимоялаш, ҳаёти ва соғлиғини муҳофазалашга ғамхўрлик қилади.

с) доимий равишда ўз малакасини ошириб боради.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларини;

б) педагогика фани ва амалиёти, бошқарув психологиясининг жаҳон ва мамлакат миқёсидаги эришилган ютуқлари, ўқувчиларни ватанпарварлик, халқимиз ва ватанимиз — Ўзбекистон Республикаси тарихини ҳурмат қилиш руҳида маънавий-маърифий тарбиялаш усулларини;

в) таълим муассасаси фаолияти ва ривожланишининг педагогик ва иқтисодий асослари, таълим стандартларининг талаблари ва мазмуни, жамоани бошқаришнинг самарали шакллари ва усуллари, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш усуллари, илғор педагогик технологиялар ва уларни қўллаш усулларини;

г) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;

д) ўқувчилар билимини назорат қилиш усулларини;

е) техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ўсмир ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунчилик актларини;

ж) ёшларга оид қонун ҳужжатларини.

Бажара олиши лозим:

а) таълим муассасаси ва алоҳида олинган ўқитувчилар фаолиятини таҳлил

қилиш, энг ахамиятли муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишнинг самарали йўлларини белгилаш. Таълим муассасасида тарбиявий ишлар ва тарбиявий тадбирларни ишлаб чиқиш, ишчи йиғилишларни, суҳбатларни олиб бориш.

б) замонавий технологиялар асосида таълим муассасаси мониторингини ташкил этиш, илғор педагогик ва ахборот технологияларини таълим-тарбия жараёнига қўллаш;

в) педагогик жамоада соғлом психологик иқлимни яратиш.

Малака талаблари:

а) олий педагогик ёки ижтимоий соҳада маълумот;

б) педагогик стажи 3 йилдан кам эмас;

в) малака даражаси катта ўқитувчидан кам эмас.

§ 4. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари

Лавозим вазифалари:

а) ишлаб чиқариш таълими ўқув жараёнини ташкил этади, ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартларида кўзда тутилган ўқув, тарбиявий режалар ва дастурларнинг бажарилишини таъминлайди;

б) ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарини танлаш ва жой-жойига қўйишда иштирок этади;

в) ишлаб чиқариш таълими жараёнини бошқаради, устозларнинг, ишлаб чиқариш таълими усталарининг илғор тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштиришни ташкил қилади, замонавий педагогик технологияларни татбиқ этади;

г) педагогик ходимлар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига услубий ёрдам ташкил қилади, жамоа, айрим ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг педагогик фаолиятини таҳлил қилади;

д) ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг йиллик, чорак ва ойлик иш режаларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва бажарилишини назорат қилади. Тасдиқланган режа асосида ўқитувчиларнинг иш вақти ҳисобини юритади, дарс жадвали, тестлар синовлари, имтиҳонлар графигини ишлаб чиқади;

е) ўқув жараёни назоратини ташкил қилади, таълим стандартларининг бажарилиши, ўқувчиларнинг ҳулқи ва ўзлаштириши мониторингини амалга оширади, факультатив дарслар ва фан тўғаракларини ташкил этади;

ж) ўқув хоналарини кўргазмали ва техник ўқув қуроллари билан ҳамда ахборот-ресурс марказини китоблар, журналлар ва бошқа ахборот материаллари билан таъминланиши ва расмийлаштирилишини бошқаради;

з) ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этади ва назорат қилади;

и) корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан битирувчиларни ишга жойлаштириш ва талабномалар портфелини шакллантириш масалаларида ҳамкорлик қилади;

к) таълим муассасаси битирувчиларини ишга тақсимлаш ва ишга жойлаштиришда иштирок этади;

л) умумтаълим мактаблари 9-синф ўқувчиларини фаол касбга йўналтириш ишларини амалга ошириш вазифаларини назорат қилади;

м) фанлар бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва ёш мутахассисларга услубий ёрдам ташкил этиш, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталарининг касбий

маҳоратлари ва малакаларини ошириш бўйича ишларни олиб боради, ўқувчиларнинг ўқув юктамаларини такомиллаштиради;

н) ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиёти ҳолати ва натижалари бўйича ҳисоботлар тайёрлайди, ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этади;

о) педагоглар, ходимлар ва ўқувчилар меҳнатини муҳофазалаш талаблари, санитария-гигиена тартиби ва техника хавфсизлигига амал қилинишини таъминлайди;

п) доимий равишда ўз малакасини ошириб боради.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларини;

б) педагогика фани ва амалиёти, бошқариш психологиясининг жаҳон ва мамлакат миқёсидаги эришилган ютуқларини, ўқув жараёнининг амалга оширилиши ва ривожланишининг педагогик ва иқтисодий асослари, Давлат таълим стандартларининг талаблари ва мазмуни, жамоани бошқаришнинг самарали шакллари ва усуллари, ҳамда ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни;

в) илғор педагогик технологиялар ва уларни татбиқ этиш усулларини, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини, техника ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларини;

г) ўқув-ишлаб чиқариш устaxonалари ва лабораториялари мудирлари, ишлаб чиқариш усталари учун малакавий талабларни;

д) ёшларга оид қонун ҳужжатларини.

Бажара олиши лозим:

а) таълим муассасаси, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталари фаолиятини таҳлил қилиш, энг аҳамиятли муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишнинг самарали йўлларини белгилаш;

б) касб-хунар коллежини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини ҳосил қилиш, услубий тавсияномалар, ўқув режалари, дастурлар, қоидалар, лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш;

в) мажлислар, суҳбатлар ўтказиш, замонавий технологиялар асосида таълим муассасаси мониторингини ташкил этиш, илғор педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига қўллаш;

г) педагогик жамоада соғлом психологик муҳитни яратиш.

Малака талаблари:

а) педагогик ёки муҳандис-педагогик олий маълумот;

б) педагогик стажи 5 йилдан кам эмас, жумладан касб-хунар коллежи йўналишида 3 йил педагогик стаж;

в) малака даражаси катта ўқитувчидан кам эмас.

§ 5. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директорининг маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосари

Лавозим вазифалари:

а) умумтаълим ва махсус фан ўқув хоналари, ишлаб чиқариш таълими устaxonалари, лаборатория ва технологик жиҳозларни йўналиш бўйича ишлатиладиган технологик лойиҳа меъёрларига мувофиқ жойлаштиришни ташкил этади;

б) умумтаълим ва махсус фан ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари ва лабораторияларни техника хавфсизлиги қоидаларига жавоб берадиган замонавий жиҳозлар, мосламалар билан таъминланишини назорат қилади;

в) ўқитувчилар, педагог-муҳандислар билан техника воситалари ва бошқа жиҳозлардан тўғри фойдаланиш ва уларни сақлаш ишлари бўйича тушунтириш олиб боради;

г) ўқув устахоналаридаги мавжуд техника воситалари ва жиҳозлардан тўғри фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши, меҳнат, электр ва ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиена талаблари, ишлаш вақти меъёрларига риоя этишни ташкил этади ва амалда бажарилишини назорат қилади;

д) техник воситалар ва жиҳозларни техник жиҳатдан соз ёки носозлигини назорат қилади ҳамда техник кўрик синови ва таъмирлаш ишларини таълим муассасасининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, педагог-муҳандислар билан биргаликда, зарур ҳолларда шартнома асосида бошқа ташкилотлар ёрдамида амалга оширади;

е) ўқув ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув-машқ полигонлари, ўқув хўжаликларига мавжуд техник воситалар, жиҳоз ва дастгоҳлардан тўғри ва мақсадли фойдаланишни таъминлайди. Техник восита, жиҳоз ва асбоб-ускуналарнинг ҳисобини олиб боради ва техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширади. Қўриқлаш ва ёнғиндан хабар берувчи қурилма (сигнализация)ларни ўрнатиш ишларини ташкил этади;

ж) ўқув устахоналари, лабораториялар ва ўқув хоналаридаги электр энергия, сув ва газ билан ишловчи қурилмалар ҳамда мосламалар ишини тўғри ташкил этилишини назорат қилади;

з) моддий жавобгар шахс бўлиб, олиб келинган, шу жумладан чет эл инвестициялари ҳисобидан олиб келинган жиҳозлар ҳисобини олиб боради. Директор, директор ўринбосарлари ва бошқа моддий жавобгар шахслар иштирокида олинган жиҳозлар рўйхатини юк хати асосида тузади;

и) таълим муассасасининг экологик ҳолатининг сақланиши, атроф-муҳитнинг санитария-гигиена талаблари даражасида эканлиги устидан назорат ўрнатади;

к) қонун ҳужжатлари асосида моддий бойликларнинг бутлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир моддий жавобгар шахс билан ўрнатилган тартибда шартнома тузади ҳамда тасдиқлаш учун директорга тақдим этади;

л) хўжалик хизмати ишчиларига раҳбарлик қилади, таълим муассасаси биноларини капитал ва жорий таъмирланишини, тозалигини таъминлайди;

м) мунтазам равишда ўз малакаси ва касбий маҳоратини ошириб боради.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларини, инсон ва бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияларни, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини, таълим ва ёшларга оид қонун ҳужжатларини;

б) таълим ва педагогика фанининг асосий йўналишларини ҳамда миллий анъаналар ва урф-одатларни ривожлантириш истиқболини, меҳнатни илмий ташкил этиш ва ҳуқуқ асосларини, санитария ва гигиена талабларини;

в) ўқув хоналарини анжомлар билан таъминлаш ва жиҳозлаш талабларини;

г) таълим учун зарур бўлган жиҳоз, асбоб-ускуна ва воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва фойдаланиш тартиб ва қоидаларини;

д) меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, ёнғиндан сақлаш қоидаларини.

Малака талаблари:

ихтисослик ёки педагогик йўналиш бўйича олий маълумот.

§ 6. Чақирувгача тайёргарлик раҳбари¹**Лавозим вазифалари:**

а) ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбияланиши, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг шонли анъаналарини ўрганишни ташкиллаштиради;

б) тасдиқланган дастурларга мувофиқ равишда ўқувчиларни чақириққача, жумладан тиббий тайёргарлигини амалга оширади;

в) ўқув машғулотларини ўтказади, ўқувчиларнинг машғулотларга қатнашиши ҳисобини юритади, уларнинг давомати, ўқув материални ўзлаштиришини назорат қилиб боради, ҳар бир ўқувчининг қобилятини ўрганади, ўқув-тарбия ишини мукамаллаштириш бўйича таклифлар киритади, таълим ва тарбиянинг илғор шакл ва усулларини татбиқ қилади. Жисмоний тарбия ўқитувчилари билан биргаликда ҳарбий спорт ўйинлари мусобақаларини ўтказади, ҳарбий касб асосларини ўрганиш бўйича тўғаракни бошқаради;

г) туман (шаҳар) ҳарбий комиссариятларига ўқувчиларнинг чақириққача ҳарбий ҳисобга олишга ҳамкорлик қилади;

д) фавқулотда вазиятларда фуқаро муҳофазаси ва ҳимояси бўйича тадбирларни амалга оширади;

е) алоҳида ҳимоя воситаларини, ҳарбий техника бўйича кўргазмали қўлланмаларни ва чақириққача ўқувчиларни тайёрлашда қўлланиладиган бошқа ашёларни фойдаланишга тайёр ҳолда ушлаб туради ва сақлаш қоидаларига амал қилади;

ж) машғулотларда техника хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидаларига амал қилинишини таъминлайди;

з) ўқувчилар ҳаёти, соғлиғини муҳофазалаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида гамхўрлик қилади.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат», «Мудофаа тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларини, давлатнинг ташқи ва ички сиёсатини;

б) жаҳон ва мамлакатдаги педагогика фани ва амалиётининг ютуқларини, ёшларни ватанпарварлик руҳида маънавий-ахлоқий тарбиялаш услубиятини, ўз Ватани ва халқининг тарихини;

в) ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқитишнинг мазмуни ва усулларининг ўзига хос хусусиятларини;

г) ёшларга оид қонун ҳужжатларини;

д) техника хавфсизлиги қоидаларини.

Бажара олиши лозим:

тасдиқланган дастурга мос ҳолда ўқувчилар билан педагогик ва тарбиявий ишларни амалга ошириш.

Малака талаблари:

махсус ҳарбий-педагогик йўналишда олий маълумот, захирадаги офицер.

¹ Штат жадвали бўйича Чақирувгача тайёрлаш раҳбари лавозими бўлмаганда кўрсатилган мажбуриятлар директор ва унинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари орасида тақсимланади.

§ 7. Жисмоний тарбия раҳбари**Лавозим вазифалари:**

- а) ўқувчи ёшларнинг жисмоний тарбияси ва соғломлаштириш ишлари бўйича ўқув, факультатив ва дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этади;
- б) жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчилари ишини бошқаради;
- в) ҳар бир гуруҳ учун жисмоний тарбия машғулотлари жадвалини тузади;
- г) даволат ва ўзлаштиришни назорат қилади ва ҳисобга олади, ўқув-тарбиявий ва соғломлаштириш ишларини мукамаллаштириш бўйича таклифлар киритади ва таълим жараёнида ўқувчилар соғлиғи ҳолатини кузатиб боради;
- д) жисмоний тарбиянинг илғор ва самарадор воситалари, усуллари ва шакллари татбиқ этади;
- е) «Соғлом авлод учун» комплекс дастурларининг бажарилиши бўйича иш олиб боради;
- ж) соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ўқувчилар соғлиғини текширишда қатнашади, ўқувчилар соғлиғи ҳолатини аниқлашда тест усулларидадан фойдаланишни ташкиллаштиради;
- з) турли корхона, ташкилот, муассаса ва жамоат ташкилотларини оммавий спорт тадбирларига жалб этади;
- и) «Баркамол авлод» спорт ўйинларини ўтказишни ташкил этади;
- к) спорт иншоотлари, инвентарларидан фойдаланиш ва спортни ривожлантириш учун бюджетдан ажратилган молиявий маблағлардан мақбул фойдаланишни таъминлайди;
- л) жисмоний тарбия ва спорт бўйича ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил этади, уларни аттестациядан ўтказиш ва жой-жойига қўйишда иштирок этади.
- м) жамоат инструкторлари, тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш бўйича иш олиб боради;
- н) амалга оширилган ишлар, ўтказилган тадбирлар бўйича ахборотлар тайёрлайди ва ҳисоботлар тузади;
- о) малака ва касб маҳоратларини доимо ошириб боради.

Билиши лозим:

- а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартлари талаблари ва мазмунини, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича услубий ҳужжатларини;
- б) педагогика, психология, жисмоний тарбия назарияси методикасини, ўсмирлар физиологияси ва анатомиясини;
- в) санитария ва гигиена талаблари ва қоидаларини, ўқувчилар соғлиғини ҳимоялашни, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказишда техника хавфсизлигини;
- г) ҳисобот ҳужжатларини расмийлаштириш ва тузиш тартибини;
- д) замонавий ва халқ спорт ўйинлари талаблари ва қоидаларини.

Бажара олиши лозим:

тасдиқланган дастурга мувофиқ тарзда ўқувчилар билан педагогик ва тарбиявий ишлар олиб бориш.

Малака талаблари:

- а) жисмоний тарбия ва спорт бўйича олий маълумот;

б) ўқитувчи лавозимида 3 йиллик амалий иш стажи.

§ 8. Касб-хунар коллежининг катта устаси

Лавозим вазифалари:

а) Давлат таълим стандартларининг замонавий талабларига мувофиқ касбий таълим бўйича уста ишини ташкиллаштиради;

б) касбий таълим усталарининг амалий фаолиятини назорат қилади ва бошқаради, уларни амалий ишларни режалаштириш, иш юритиш ва хисоботлар бўйича зарурий хужжатлар билан таъминлайди;

в) касбий таълим усталари ўқув лаборатория хоналари, устахоналар, полигон ва бошқаларнинг раҳбарлари, шунингдек хизмат кўрсатиш ходимлари билан услубий ва кўрсатмалар бериш бўйича йиғилишлар ўтказиши;

г) касбий таълим бўйича директор ўринбосари билан биргаликда касбий таълим усталарининг малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказишни ташкил этади;

д) ўқувчиларнинг касбий таълим тайёргарлигини махсус фанлар бўйича назарий таълим дастурларига уйғунлигини таъминлайди;

е) ўқувчилар амалий тайёргарлигининг давлат таълим стандартлари талабларига мослигини назорат қилади;

ж) ўқув лабораториялари, устахоналар, полигонлардаги иш жойларига жихозларни ўз вақтида ўрнатишни, зарур ҳолларда уларни таъмирлашни амалга оширади, ўқув амалий иш дастурларига мос хом ашё ва материаллар билан таъминлайди;

з) амалий ўқув машғулотлари, амалиётлар ўтказишда касбий таълим усталарига ёрдам беради, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишида, техник шароитлардан келиб чиқиб сифатни таъминлашда стандарт талабларининг бажарилишини текширади;

и) ўқувчиларни амалий ишларидаги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришларининг назоратини амалга оширади;

к) касбий таълим усталари билан биргаликда ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш корхонасини танлайди;

л) корхоналар билан амалиётни ўтказиш тўғрисида шартномалар тузиб, уларни тасдиқлашга тайёрлайди;

м) ўқувчиларга техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига амал қилиш бўйича тушунтириш ишларини амалга оширади;

н) ўқувчиларни давлат аттестациясига тайёрлайди.

о) доимий равишда ўз малакасини оширади.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг ўсмирлар таълими ва тарбиявий ишлар бўйича буйруқлари, топшириқлари ва бошқа ҳужжатларни, Ўсмирлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни;

б) касб-хунар коллежи йўналишига мос бўлган, республикамиз ва чет элларда қўлланилаётган замонавий ишлаб чиқариш технологияларини;

в) касбий таълим педагогик асосларини;

г) ўқув ишлаб-чиқариш ва амалиёт дарсларини режалаштиришни;

д) менежмент ва маркетинг хусусиятларини, меҳнатни илмий ташкил қилишни;

е) ўқувчилар ишининг сифати ва билимларини баҳолаш мезонлари;

- ж) меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлиги қоидалари;
- з) ҳисоботлар, шартномалар, лавозим йўриқномаларини тайёрлаш тартиби, суҳбатлар, учрашувлар ўтказиш, иш юритишни бажариш;

Малака талаблари:

- а) касб-ҳунар коллежининг таълим йўналиши бўйича муҳандис-педагог ёки муҳандислик олий маълумот;
- б) махсус назарий фанлар ўқитувчиси лавозимида 2 йиллик иш стажи ёки 1-тоифали касбий таълим устаси.

§ 9. Касб-ҳунар коллежининг ўқув ишлаб-чиқариш устахонаси мудир**Лавозим вазифалари:**

- а) ўқув режаси, дастури ва амалий машғулотлар, ўқув амалиётларини ўтказиш графигига мос равишда ўқув-ишлаб чиқариш ишини ташкиллаштиради;
- б) иш жойларини зарур жиҳозлар, инвентарлар, йўриқномалар ва услубий материаллар (плакатлар, стендлар, схемалар, макетлар, намуналар, моделлар ва бошқалар) билан ўз вақтида жиҳозлашни таъминлайди;
- в) жиҳозлаш, сошлаш, таъмирлашни, уларни амалий ишлар технологиясига мувофиқ тақсимлаш (режалаштириш) ни ташкиллаштиради;
- г) устахонага хизмат кўрсатувчи ходимлар, касбий таълим усталари ва ўқувчилар билан устахоналарда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш учун иш тартиби ва шароитлари тўғрисида тушунтиришлар олиб боради, мажлислар ўтказиш;
- д) амалий машғулот ва ўқув ишлари ўтказишда касбий таълим усталарига амалий ёрдам кўрсатади;
- е) устахонада ишлашда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (ёнғин ва электр хавфсизлиги) қоидаларига амал қилинишини таъминлайди;
- ж) устахонада мос услубий қўлланмаларни тайёрлайди ва услубий ишларни бошқаради;
- з) устахонани асбоблар, инвентарлар билан жиҳозланиш ишини ташкиллаштиради, уларнинг ҳолатини яхши сақлаш, санитария-гигиена талаблари, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишини таъминлайди;
- и) ўқувчилар касбий тайёргарлигининг давлат талабларига мослигини таъминлайди ва назорат қилади;
- к) касбий таълим бўйича директор ўринбосари билан биргаликда устахона ходимларининг малакасини ошириш ва аттестацияси билан шуғулланади;
- л) устахона фаолиятини тартибловчи ҳужжатларнинг тўғри юритилишини таъминлайди;
- м) доимий равишда ўз малакасини ошириб боради.

Билиши лозим:

- а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари, таълимнинг ривожланиш стратегиясини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг ўсмирлар касбий таълими, амалий тайёргарлиги ва тарбиясини ташкил этиш ва яхшилаш тўғрисидаги ҳужжатларини;

- б) Давлат таълим стандартлари талаблари мазмуни, уларнинг услубий қўлланмаларини;
- в) касб-хунарга йўналтириш ишларининг ташкилий-педагогик асосларини;
- г) устахонада машиналар, аппаратлар, асбоблар ва мосламаларнинг тавсифлари ва уларнинг қўлланиш қоидаларини;
- д) касбий таълим усталари ва устахонага хизмат кўрсатувчи ходимларга қўйиладиган малака талабларини;
- е) ўқув ва ишлаб чиқариш, амалий ишларни ташкил этишни режалаштиришни;
- ж) ҳисоботлар, шартномалар, лавозим йўриқномалари тузишни, суҳбатлар ва учрашувлар ўтказишни, иш юритишни олиб боришни;
- з) ўқувчилар билимини ва бажарилган ишлар, чиқарилган маҳсулотлар сифатини баҳолаш усулларини;
- и) педагогикани, педагогик психологияни, ўсмирлар физиологиясини, таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишнинг санитария-гигиена талабларини, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;
- й) ёшларга оид қонун ҳужжатларини.

Малака талаблари:

- а) олий педагогик ёки муҳандис-педагогик маълумот ёки касб-хунар коллежи йўналиши бўйича ўрта махсус касбий таълим;
- б) касбий таълим устаси лавозимида 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи.

§ 10. Бош ўқитувчи**Лавозим вазифалари:****Ўқув ишлари:**

- а) ўзининг фани бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларига мувофиқ ўқувчиларнинг ўқиётган курси ва билим даражасига мос равишда назарий ва амалий ўқув дарсларини тайёрлаш ва ўтказилишини таъминлайди;
- б) маслаҳатлар ўтказиши, ўқувчиларнинг олинган билимларини мустақил амалиётга қўллашга тайёрлигини амалга оширади;
- в) Давлат таълим стандартларига мос равишда ўқувчилар тамонидан ўқув материалларини ўзлаштиришни ҳолис баҳолашни таъминлаш учун рейтинг назоратини амалга оширади. Шу мақсадда жорий оралик ва якуний тестларни (назорат сўровини) амалга оширади, имтиҳонлар, ўқувчиларнинг ёзма ишларини ва дафтарларини текширувини ўтказиши, рейтинг балларини ҳисоблайди;
- г) давомат ҳисобини юритади, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси уставининг талабларига амал қилинишини таъминлайди;
- д) ўзлаштиришида бўшлиқлари бўлган ўқувчилар билан гуруҳий ва алоҳида иш олиб боради, дастур материаллари, давлат таълим стандартлари талабларига мос равишда максимал ўзлаштиришни таъминлайди.

Ўқув услубий ва илмий ишлар:

- а) машғулотлар режаларини ишлаб чиқади, амалий, тажриба машғулотлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти, диплом лойиҳалари, дидактик, кўргазмалар ва тарқатма материаллар, методик кўрсатмалар тайёрлайди;
- б) амалий машғулотларга ўқувчиларнинг мустақил, индивидуал ва ўқув тадқиқот ишлари, шунингдек уларнинг билимини назорат қилиш учун топшириқлар ва масалалар ишлаб чиқади;

в) ўқитувчилар кенгаши, илмий кенгаш, услубий кенгаш ишида, семинарлар, илмий анжуманлар, тренинглар, йиғилишлар, мажлисларда, ҳисоботлар тузишда қатнашади;

д) ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасасининг етакчи, катта ва бошқа ўқитувчилари томонидан ўтказилган ўқув ва методик ишлар сифатини назорат қилади ва баҳолайди;

е) тегишли фанлар бўйича семинарлар, коференциялар ўтказишни бошқаради ва ташкиллаштиради;

ж) ўқувчиларда барқарор касбий билимлар шаклланишини таъминлайди;

з) ўқувчиларни фан олимпиадалари, турли конкурслар, конференциялар ва фестивалларга тайёрлайди;

и) ўқув жараёнига прогрессив ахборот ва коммуникацион технологияларни жорий этиш бўйича дастурларни ишлаб чиқади;

к) дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, дарсликларнинг электрон версиялари, услубий қўлланмалар яратади, илмий мақолалар нашр эттиради;

л) касбий таълим ва фанларнинг тегишли йўналишлари бўйича илмий, ўқув тадқиқот ишларини ташкил этади ва ўтказади, илмий ишлар натижалари бўйича маърузалар тайёрлайди;

м) ўқувчилар амалга оширадиган илмий ва инновацион ишларнинг ўтказилишини бошқаради.

Ташкилий-услубий ишлар:

а) касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ўтказишни бошқаради, амалга оширади;

б) маҳалла фаоллари билан 9-синфлар битирувчиларини навбатдаги таълим босқичига қамраб олиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

г) очик дарслар (машғулотлар) ўтказади ва бошқа ўқитувчиларнинг очик дарслари (машғулотлари)ни кузатади, очик дарслар (машғулотлар)ни баҳолайди;

д) фан тўғараклари ва секцияларини бошқаради;

е) тасдиқланган ўқув дастурлари ва давлат таълим стандартлари доирасида назарий ва амалий машғулотлар мазмунининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлайди;

ж) ўқув муассасасидаги маслаҳат марказининг ишида қатнашади;

з) ўқувчилар ўртасида ижодий танловлар ўтказилишини ташкиллаштиради;

и) ўқув кабинетлари, циклик комиссияларга мудирлик қилади;

к) бинолар, хоналар, лабораторияларда унга бириктирилган ўқув жихозлари ва ўқитишнинг техник воситалари, мулк ва бошқа моддий бойликлардан самарали фойдаланишни ва уларнинг сақланишини таъминлайди;

л) ўқувчилар фойдаланадиган ахборот материаллари, ўқув-методик адабиётлар билан таъминланганлик ва сақланганлигини назорат қилади;

Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар:

а) гуруҳга раҳбарлик қилади, устоз-шогирд муносабатларини амалга оширади;

б) ўқувчилар билан тарбиявий иш олиб боради, уларни шахс сифатида ривожланишига ёрдам беради;

в) ўқувчиларнинг тарбиявий масалалари бўйича ота-оналар, психолог ва бошқа ўқитувчилар билан индивидуал учрашувлар ўтказади;

г) ўқувчиларнинг музейлар, кўргазмаларга ташрифи, ижодий кечалар, меҳнат фахрийлари ва жамоат арбоблари билан учрашувларини ташкиллаштиради.

Бошқа мажбуриятлар:

- а) ўқув ва лаборатория кабинетини мудирлигини амалга оширади (зарур бўлганда);
- б) меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига, ҳамкасблари ва ўқувчилар билан педагогик ахлоқ меъёрларига ва қонунларга мос талабларга, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилади, ўқув жиҳозларидан фойдаланишда санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилади;
- в) ўз касбий даражасини доимий ошириб боради;
- г) ўқув муассасасида бўлган вақтда ва дарсдан ташқари тадбирлар ўтказишда унга ишониб топширилган ўқувчилар контингентининг ҳаёти ва соғлигини ҳимоялашга ҳамкорлик қилади.

Билиши лозим:

- а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг таълим тизими, Давлат таълим стандартларини мукамаллаштириш тўғрисидаги ҳужжатлари;
- б) ўргатилаётган ўқув фани, унинг мазмуни ва амалий қўллашнинг илмий-назарий асосларини;
- в) ўсмирларни ўқитиш ва тарбиялашнинг илғор шакллари ва интенсив усулларини, таълим бераётган фани бўйича дарслар олиб боришнинг тартиби ва услубиёти, дидактик тамойилларини;
- г) ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш, тест олишнинг замонавий ва самарали усуллари ва баҳолаш мезонларини, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва фаоллигини баҳолашнинг рейтинг тизимини;
- д) педагогик ва касбий мулоқот назарияси ва амалиёти, ёш психологияси ва физиологиясини;
- е) ўқув жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, таълимнинг техник воситаларини амалий қўллашни;
- ж) кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатувчи омилларни;
- з) маънавий-маърифий ишларнинг долзарб вазифалари ва ёшлар билан тарбиявий ишлар олиб борилишининг усулларини, мулоқотда, суҳбатларда, машғулотларда нутқ маданияти ва ахлоқнинг долзарб масалаларини;
- и) меҳнатни илмий ташкил этишни ва ҳуқуқ асосларини;
- к) меҳнат гигиенаси ва муҳофазаси, техника хавфсизлиги қоидаларини, ўқув кабинетлари, аудиториялар ва бошқа хоналарни жиҳозлаш талабларини;
- л) махсус фанлар ўқитувчилари, шунингдек, мутахассисликка мос ишлаб чиқариш технологиясини, иқтисодиёт асослари ва ишлаб чиқаришни бошқаришни билиши керак.

Малака талаблари:

- а) педагогик ёки муҳандис-педагогик ёки ўргатаётган ўқув фани йўналишига мос олий маълумот ва етакчи ўқитувчи лавозимида 3 йиллик амалий иш стажини. Бош ўқитувчи лавозимига даъвогарда илмий даража ёки илмий унвон бўлганда етакчи ўқитувчилик стажини талаб қилинмайди;
- б) бош ўқитувчи лавозимини эгаллашда қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади: малака қуйидагича аниқланади:
 - педагогика фани ва амалиётининг, профилли билим соҳасининг энг янги ютуқларини ўзлаштириш даражаси;

амалий масалаларни ижодий ҳал қилиш.

касбий етуклик (профессионализм) қуйидагича аниқланади:

таълим-тарбиянинг усул, восита, шакллари оптимал танлаш ёки тарқатишга тавсия этилиши мумкин бўлган педагогик технология ёки унинг элементларини мустақил ишлаб чиқиш, тажрибадан ўтказиш ва самарали қўллаш қўникмаси;

ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини амалга ошириш учун шароитлар яратиш;

амалий фаолиятда таълимнинг тадқиқот ва тажриба-экспериментал усуллари, педагогик жараёни бошқариш ва истиқболни белгилаш усуллари, ўқувчиларнинг мустақил таълимни ташкиллаштириш ва режалаштириш усуллари қўллаш;

салоҳияти педагог ходимнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар таълим тизимида ўқувчи тайёргарлигининг ўз йўналиши бўйича юқори ҳисобланган даражасини таъминлаши билан белгиланади.

§ 11. Етакчи ўқитувчи

Лавозим вазифалари:

Ўқув ишлари:

а) Давлат таълим стандартларига мувофиқ касб-хунар коллежи (академик лицей)нинг таълим даражаси ва тегишли курс(гуруҳ)ларга мўлжалланган ўқув дастурига асосан маълум ўқув предмети бўйича назарий ва амалий ўқув машғулотларига тайёргарлик кўришни ва унинг ўтказилишини таъминлайди;

б) маслаҳатлар ўтказди, ўқувчиларни ўзлаштирган билимларини мустақил равишда амалий қўллашга тайёрлайди;

в) таълим стандартларига биноан ўқув материални ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини объектив баҳолашни таъминлаш учун рейтинг назоратини амалга оширади. Ушбу мақсадда ўқувчилар билимининг жорий, оралик ва якуний назоратини ўтказди, ўқувчиларнинг ёзма ишларини ва дафтарларини текширади, рейтинг балларини ҳисоблайди;

г) давоматни ҳисобга олиб боради, ўқувчиларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси Устави талабларига амал қилишини таъминлайди;

д) ўзлаштира олмаган ўқувчилар билан якка тартибда ва гуруҳда ишлар олиб боради, Давлат таълим стандартлари талабларига биноан дастурий материалларнинг максимал ўзлаштирилишини таъминлайди.

Ўқув-услубий ва илмий ишлар:

а) машғулотлар режаларини ишлаб чиқади, амалий, лаборатория машғулотлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари, курс, диплом лойиҳалари (ишлари)га дидактик, кўргазмалар ва тарқатма материаллар, услубий кўрсатмалар тайёрлайди;

б) амалий машғулотлар, ўқувчиларнинг мустақил, индивидуал ва ўқув тадқиқотчилик ишлари бўйича топшириқлар ва вазифалар, шунингдек уларнинг билимларини назорат қилиш учун топшириқлар тузади;

в) илмий-педагогик кенгаш, услубий кенгаш, семинарлар, илмий анжуманлар, тренинглар, йиғилишлар, мажлисларни ташкил этиш ва ҳисоботларни тузиш ишларида катнашади;

г) ўқувчиларни фан олимпиадалари, турли танловлар, анжуманларга ва фестивалларга тайёрлайди;

д) илғор ахборот ва коммуникацион технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш бўйича дастурларни ишлаб чиқади;

- е) дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, уларнинг электрон кўринишдаги нусхасини яратади;
- ж) илмий ва ўқув-методик ишларни ташкил этади.

Ташкилий-услубий ишлар:

- а) умумтаълим мактабларида касб-ҳунарга йўналтириш ишларини олиб боради;
- б) ўқувчиларда касбий тасаввурларни шакллантиради;
- в) очик дарслар (машғулотлар) ўтказади ва очик дарсларга қатнашиб, уларнинг сифатига баҳо беради;
- г) фан тўғаракларига раҳбарлик қилади;
- д) таълим муассасасининг маслаҳат марказлари ишларида иштирок этади;
- е) маданий-соғломлаштириш тадбирларини ва ўқувчилар орасида ижодий танловларни ташкил этади ва ўтказади;
- ж) ўқув ва лаборатория кабинетлари мудирлигини амалга оширади;
- з) бириктирилган хоналар, кабинетлар, лабораториялардаги ўқув жиҳозлари, ўқитишнинг техник воситалари ва моддий мулкларнинг сақланиши ҳамда улардан самарали фойдаланишни таъминлайди;
- и) ўқувчилар фойдаланадиган ўқув-услубий адабиётлар, ахборот материалларининг таъминланганлиги ва сақланишини назорат қилади.

Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар:

- а) гуруҳга раҳбарлик қилади, устозликни амалга оширади;
- б) ўқувчилар билан тарбиявий ишларни амалга оширади, уларнинг шахс сифатида ривожланишига таъсир кўрсатади;
- в) ўқувчиларни тарбиялаш масалалари бўйича ота-оналар, психолог ва бошқа ўқитувчилар билан индивидуал учрашув ва суҳбатлар ўтказади;
- г) ўқувчилар билан музейлар ва кўرғазмаларга ташриф буюришни, ёзувчи ва артистлар билан учрашувлар ва ижодий кечаларни ўтказишни ташкил этади.

Қўшимча вазифалар:

- а) меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми қоидаларига, ҳамкасблари ва ўқувчилар билан педагогик ахлоқ меъёрларига ҳамда қонун ҳужжатлари, хавфсизлик қоидаларига риоя қилади, ўқув жиҳозларидан фойдаланишда санитария-гигиена талабларига амал қилади;
- б) мунтазам равишда ўзининг касбий тайёргарлигини (махоратини) ошириб боради;
- в) таълим муассасаси ва дарсдан ташқари тадбирларни ўтказиш вақтида унга топширилган ўқувчилар контингентининг соғлиги ва ҳаёт хавфсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Билиши лозим:

- а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларини, таълим тизими ва давлат таълим стандартларини такомиллаштириш масалалари бўйича қонун ҳужжатларини, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази буйруқларини;
- б) ўқитадиган ўқув предметининг илмий-назарий асосларини, унинг мазмуни ва амалий қўлланишини;
- в) ёшларга таълим-тарбия беришнинг жадал методлари ва илғор шаклларини, дидактик принципларни, ўқитадиган ўқув предмети бўйича дарсни ташкил этиш методикасини;

г) ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини замонавий ва самарали назорат қилиш методлари, шаклларини ва баҳолаш мезонлари ҳамда тест назоратини ўтказишни, ўқувчиларнинг фаоллиги ва ўзлаштиришини рейтинг тизимида баҳолашни;

д) педагогик ва касбий мулоқот назарияси ва амалиётини, ёш психологияси ва физиологиясини;

е) ўқув жараёнида замонавий педагогик, ахборот технологиялари ҳамда ўқитишнинг техник воситаларидан амалий фойдаланишни;

ж) кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўсатувчи омилларни;

з) маънавий-маърифий ишларнинг долзарб вазифалари ва ёшлар билан тарбиявий ишлар олиб борилишининг усулларини, машғулотларда, суҳбатларда ва мулоқотлар жараёнларида нутқ маданияти ва ахлоқ масалаларини;

и) меҳнатни илмий ташкил этиш ва ҳуқуқ асосларини;

к) меҳнат гигиенаси ва хавфсизлиги қоидалари, хавфсизлик техникаси, ўқув кабинетлари, аудиториялар ва бошқа хоналарни жиҳозлашга қўйиладиган талабларни;

л) махсус фан ўқитувчилари бундан ташқари тегишли соҳасининг ишлаб чиқариш технологиясини, ишлаб чиқаришни бошқариш ва иқтисодиёт асосларини билиши керак.

Малака талаблари:

а) етакчи ўқитувчи энг камида олий педагогик ёки муҳандис-педагог маълумотга ёки тегишли соҳага оид маълумотига эга бўлиши, 3 йилдан кам бўлмаган муддатда катта ўқитувчи лавозими иш стажига эга бўлиши зарур;

б) етакчи ўқитувчи вазифасини бажаришда қуйидаги асосий кўрсаткичлар ҳисобга олинади:

малака қуйидагича аниқланади:

таълим жараёнини индивидуаллаштириш технологияси, замонавий психологик-педагогик диагностика усулларини юқори даражада эгаллаганлиги;

ўқитадиган ўқув предмети мазмунининг асосий компонентларини эгаллаганлиги ва турдош фанлар бўйича юқори даражада билимга эга бўлиши;

турли даражада ўқитишга имкон берувчи назарий билимларга эгаллиги.

касбий етуклик қуйидагича аниқланади:

таълим-тарбия жараёнининг мазмуни, методлари ва шаклларини танлаб олишда ўқувчиларнинг психологик ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш малакалари;

ривожланиш даражаси, мойиллиги, қобилияти, қизиқиши ва соғлиғи ҳолати турлича бўлган ўқувчилар билан педагогик вазифаларини ечиш қобилияти;

касбий-педагогик фаолиятида замонавий педагогик технологиялар, ўқувчи шахсини ривожлантириш омиллари, ўқув-услубий ишларни таҳлил этиш методикасини қўллаш қобилияти.

Салоҳияти ўқувчиларни ўз ихтисослиги бўйича туман, шаҳар бўйича юқори тайёргарлигининг таъминланганлиги билан аниқланади.

§ 12. Катта ўқитувчи

Лавозим вазифалари:

Ўқув ишлари бўйича:

а) маълум босқич (гурух) ва таълим даражаси учун кўзда тутилган, давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларига мувофиқ предмет, фан бўйича ўқувчиларга назарий ва амалий машғулотларни тайёрлаш ва ўтказишни таъминлайди;

б) ўқувчилар томонидан олинган билимларни амалиётга мустақил татбиқ этишга тайёрлайди, маслаҳатлар беради;

в) таълим стандартларига мос равишдаги ўқув материалларини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини объектив баҳоланишини таъминлаш учун рейтинг назоратини амалга оширади. Шу мақсадда ўқувчилар билимини жорий, оралиқ ва якуний назоратларини амалга оширади, ўқувчиларнинг ёзма ишларини ва дафтарларини текширади, рейтинг балларини ҳисоблайди;

г) даволат ҳисобини юритади, таълим муассасаси низоми талабларининг улар (ўқувчилар) томонидан бажарилишини таъминлайди;

д) қийин ўзлаштирувчи ўқувчилар билан гуруҳли ва яқка тартибда машғулотлар олиб боради, дастурий материални давлат таълим стандарти талаблари асосида максимал ўзлаштирилишини таъминлайди.

Ўқув-услубий ва илмий ишлар бўйича:

а) машғулот режасини ишлаб чиқади, дидактик, кўргазмалар ва тарқатма материалларни, лаборатория ва амалий машғулотларга, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларига, курс ва диплом лойиҳалари(ишлари)га услубий кўрсатмалар тайёрлайди;

б) амалий машғулотлар, мустақил, индивидуал ва ўқувчиларнинг ўқув-тадқиқот ишлари бўйича топшириқлар ва масалалар, шунингдек уларнинг билимларини назорат қилиш учун топшириқлар тузади;

в) ўқувчиларни фан олимпиадаларига, турли кўрик танловларга, илмий конференциялар ва фестивалларга тайёрлайди;

г) таълим жараёнига ривожланган (прогрессив) ахборот ва коммуникацион технологияларни татбиқ этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқади;

д) илмий ва ўқув тадқиқот ишларини ташкил этади ва амалга оширади, унинг натижаси бўйича маъруза қилади;

Ташкилий-услубий ишлар:

а) умумтаълим мактабларида касб-ҳунарга йўналтириш ишларини олиб боради;

б) ўқувчиларда касб тўғрисида умумий тушунчани шакллантиради;

в) очиқ дарс (машғулотлар) ўтказиши, уларга қатнашади;

г) фан тўғрисидаги ишларига раҳбарлик қилади;

д) таълим муассасасининг маслаҳат марказлари ишларида иштирок этади;

е) бириктирилган ўқув гуруҳида маданий-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этади ва амалга оширади;

ж) «Баркамол авлод» спорт ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишда, ўқувчилар орасида ижодий кўрик танловлар ўтказишда, навбатчиликда иштирок этади;

з) фан кабинетига, кафедрага (зарур ҳолларда) мудирлик қилади;

и) бириктирилган бино, кабинет, лабораториялардаги ўқув жиҳозлари, таълимнинг техник воситалари, буюмлар ва бошқа моддий бойликларнинг сақланишини ва улардан самарали фойдаланишни таъминлайди;

к) бириктирилган гуруҳдаги ўқувчилар фойдаланаётган ўқув-услубий адабиётлар, ахборот материалларининг таъминланиши ва сақланиши даражасини назорат қилади.

Маънавий-маърифий ва бошқа тарбиявий ишлар:

а) ўқув гуруҳига раҳбарлик қилади;

б) шахсни шакллантириш, уларни маънавий-маърифий тадбирларга, мусобақа-

ларга тайёрлаш бўйича ўсмирлар орасида тарбиявий ишларни амалга оширади. Ушбу мақсадда ота-оналар, психологлар ва бошқа ўқитувчилар билан индивидуал учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилади;

в) ижодий кечалар ва учрашувлар ўтказишни, музей ва кўرғазмаларга ташрифни ташкил этади.

Бошқа вазифалари:

а) меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми, хизматдошлар ва ўқувчилар билан педагогик ахлоқ меъёрлари қоидаларига ва ҳуқуқий ҳужжат талабларига, хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилади, ўқув жиҳозларидан фойдаланишда санитария-гигиена талабларини бажаради;

б) ўзининг касбий тайёргарлигини доимий равишда ошириб боради;

в) таълим муассасасида ва аудиториядан ташқарида ўтказиладиган тадбирлар пайтида унга ишониб топширилган ўқувчилар контингентининг ҳаёти ва соғлиғи ҳақида қайғуради.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларини, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг таълим тизимини, Давлат таълим стандартини тақомиллаштириш борасидаги буйруқларини;

б) дарс берилаётган ўқув предметининг илмий-назарий асосларини, унинг мазмунини ва амалий тадбиғини;

в) ўсмирларни ўқитиш ва тарбиялашнинг илғор шакллари ҳамда фаол методларини, дидактик тамойилларни, ўқитиладиган фан бўйича дарсларни ташкил этиш ва олиб боришни;

г) назоратнинг замонавий, фаол шаклларини, методларини, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ва баҳолаш мезонларини, ўқувчилар фаоллигини ва ўзлаштиришини баҳолашнинг рейтинг тизимини;

д) педагогик ва касбий мулоқот назарияси ва амалиётини, ёш психологияси ва физиологиясини;

е) таълим жараёнида ўқитишнинг техник воситаларини, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалий қўллашни;

ж) кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омилларни;

з) маънавият ва маърифатнинг долзарб масалаларини ва ёшлар билан тарбиявий ишлар олиб боришни, муомалада, суҳбатда ва машғулотларда нутқ маданияти ва ахлоқ масалаларини;

и) меҳнатни илмий ташкил этиш ва ҳуқуқ асосларини;

к) меҳнат муҳофазаси ва гигиена қоидаларини, хавфсизлик техникасини, фан кабинетлари, аудитория ва бошқа биноларни жиҳозлашга қўйиладиган талабларни;

л) махсус фан ўқитувчилари мутахассислик бўйича ишлаб чиқариш технологиясини, иқтисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш асосларини билиши керак.

Малака талаблари:

а) катта ўқитувчи касб-хунар коллежи (академик лицей) таълим соҳасига мос олий маълумотли педагог, муҳандис-педагог ёки бошқа маълумотга, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида камида 3 йил ўқитувчилик стажига эга бўлиши керак. Магистр даражасига эга бўлган ходимга аттестация ўтказилмасдан, ўқитув-

чилик стажига қўйиладиган талаблардан қатъи назар, катта ўқитувчи малака даражаси берилади;

б) катта ўқитувчи лавозими берилаётганда қуйидаги кўрсаткичлар эътиборга олинади:

малака қуйидагилар билан аниқланади:

педагогика назарияси, психология ва ёш физиологияси асосларини билиши;

ўқитилаётган фаннинг таянч компонентлари мазмуни ва таълим-тарбия методларини яхши билиши.

касбий етуклик (профессионализм) қуйидагилар билан аниқланади:

таълим жараёнида қулай микроклим ярата олиши, таълим жараёни вариативлигини таъминловчи методлар, усуллар ва таълим воситаларини амалий фаолиятга кенг татбиқ қила олиши;

педагогик ташхиснинг асосий методлари ва воситаларини, таълим олувчилар контингентини дифференциялаш (табақалаштириш) нинг асосий шаклларини; таълим олувчиларнинг англаш ва коммуникатив (мулоқотга киришиш) маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий методларини қўллаш олиши.

салоҳияти қуйидагилар билан аниқланади:

педагог бевосита муносабатда бўлаётган ўқувчилар контингентини сақлашни таъминлайдиган иш тажрибасининг мавжудлиги;

ўқувчиларнинг давлат таълим стандарти талабларига мос келувчи ва ушбу муассасада юқори деб қаралган тайёргарлик даражасини таъминлаши.

§ 13. Олий маълумотли ўқитувчи

Лавозим вазифалари:

Ўқув ишлари бўйича:

а) таълим даражаси ва маълум курслар (гуруҳлар) учун мўлжалланган, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига асосланган тегишли фан бўйича ўқувчиларга назарий ва амалий ўқув машғулотларини ташкил этишни ва ўтишни таъминлайди;

б) ўқувчиларнинг олган билимларини амалда мустақил равишда қўллашлари учун тайёрлайди, маслаҳат беради;

в) таълим стандартлари талабларига асосан ўқув материалларини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини объектив баҳолашни таъминлаш учун рейтинг назоратини амалга оширади. Бу мақсадда жорий, оралик ва якуний назоратларни амалга оширади, ўқувчиларнинг ёзма ишлари ва дафтарларини текширади, рейтинг балларини ҳисоблайди;

г) ўқувчилар давоматининг назоратини олиб боради, уларнинг таълим муассасаси устави талабларига риоя қилишларини таъминлайди;

д) билимларда оқсаётган ўқувчилар билан яқка тартибда ва гуруҳли ишларни олиб боради, давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқув материалларини тўлиқ ўзлаштиришларини таъминлайди.

Ўқув-методик ва илмий ишлар бўйича:

а) ўқув машғулотлари режаларини ишлаб чиқади, дидактик, кўргазмали ва тарқатма материалларни тайёрлайди, амалий, лаборатория машғулотларига, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларига, курс иши, диплом лойиҳалари (ишлари)га методик кўрсатмалар ишлаб чиқади;

б) амалий машғулотларга масала ва топшириқлар, ўқувчиларнинг мустақил, яқка

тартибдаги ва ўқув-изланиш ишлари, уларнинг билимларини назорат қилиш бўйича вазифалар тайёрлайди;

в) илмий-педагогик кенгаш, методик кенгаш ишларида, семинарларда, илмий конференция тренингларида, мажлисларда, планёркаларда, ҳисоботларни тайёрлашда иштирок этади;

г) ўқувчиларни фанлар бўйича олимпиадаларга, турли мусобақаларга, илмий конференция ва фестивалларга тайёрлайди;

д) ўқув ва илмий тадқиқот ишларининг олиб борилишида қатнашади.

Ташкилий-методик ишлар:

а) мактабларда касбга йўналтириш ишларини олиб боради;

б) маҳалла фаоллари билан 9-синфлар битирувчиларини таълимнинг келгуси босқичларига қамраб олиш масалалари бўйича ишлар олиб боради;

в) ўқувчиларда умумий касблар ҳақида тасаввурни шакллантиради;

г) очик дарслар (машғулотлар) ўтказиши ва уларда иштирок этади;

д) фан тўғрисклари ишларига раҳбарлик қилади;

е) таълим муассасасининг маслаҳат марказлари ишларида қатнашади;

ж) маданий-ҳордиқ тадбирларини ташкил этади ва ўтказиши;

з) «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг ўтказилишида, ўқувчилар орасида ижодий кўрик танловларини ташкил этишда қатнашади;

и) лаборатория, кабинет, унга бириктирилган хоналарнинг ўқув жиҳозлари ва ўқитишнинг техник воситалари, мулки ва моддий бойликларининг сақланишини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлайди;

к) ўқувчиларни фойдаланиладиган ўқув-методик адабиётлар ва ахборот маълумотлари билан таъминланиши ва уларнинг сақланишини назорат қилади.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича:

а) ўқув гуруҳларига раҳбарлик қилади;

б) ўсмирларнинг тарбияси, улар шахсини ривожланиши, уларни маънавий-маърифий тадбирларга, мусобақаларга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар ўтказиши, бунинг учун ота-оналар билан, психолог ҳамда бошқа ўқитувчилар билан яқка тартибда суҳбат ва учрашувлар ўтказиши;

в) бириктирилган гуруҳ билан музей, кўргазмаларга ташрифлар, ёзувчи ва артистлар билан ижодий учрашувлар ўтказилишини ташкил этади.

Бошқа мажбуриятлари:

а) меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига, ҳамкасблари билан педагогик ахлоқ нормаларига, тегишли қонуний меъёр талабларига, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилади, ўқув жиҳозларидан фойдаланганда санитария-гигиена талабларига риоя қилади;

б) ўз касбий тайёргарлигини (малакасини) доимий равишда ошириб туради;

в) унга бириктирилган ўқувчилар контингентининг таълим муассасасида бўлганда ёки аудиториядан ташқарида ўтказиладиган тадбирларда ҳаёти ва соғлигини сақлаш бўйича қайғуради.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, қонун ҳужжатлари ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг таълим тизимини, давлат таълим стандартларини такомиллаштириш бўйича буйруқларини;

- б) ўқитадиган ўқув фанининг илмий-назарий асосларини, унинг мазмуни ва амалда қўлланилишини;
- в) ўсмирларнинг таълими ва тарбиясининг илғор шакллари, дидактик тамоийиллари, ўқитадиган фани бўйича машғулотларни ташкил этиш ва олиб бориш методикасини;
- г) замонавий ва самарали назорат методлари, тестлар ва ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва фаоллигини баҳоловчи рейтинг тизимини;
- д) педагогик ва касбий мулоқот назарияси ва амалиётини, ёш психологияси ва физиологиясини;
- е) ўқув жараёнида фойдаланадиган таълим воситаларини амалий қўллашни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини;
- ж) кадрларни тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омилларни;
- з) маънавий-маърифий ишларнинг долзарб вазифаларини, ёшлар билан тарбиявий ишлар олиб бориш усулларини, мулоқотда, суҳбатларда, машғулотлар олиб боришда ахлоқ ва муомала маданияти масалаларини;
- и) ҳуқуқ асослари ва меҳнатни илмий ташкил этишни;
- к) меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси қоидаларини, ўқув кабинетлари, аудиториялар ва бошқа хоналарни жиҳозлашга қўйилган талабларни;
- л) махсус фан ўқитувчилари технологик ишлаб чиқариш, тегишли йўналишда ишлаб чиқаришни бошқариш ва иқтисод асослари бўйича билимларга ҳам эга бўлишлари шарт.

+

3. Малака талаблари:

тайёрлов йўналишида дарс бераётган фани бўйича олий педагогик ёки муҳандис-педагог даражасида маълумот.

-

§ 14. Ўрта махсус маълумотли ўқитувчи**Лавозим вазифалари:****Ўқув ишлари:**

- а) Давлат таълим стандартига асосан таълим даражаси ва тегишли курс (гуруҳ)ларига мўлжалланган ўқув дастурига биноан маълум ўқув предмети бўйича назарий ва амалий ўқув машғулотларига тайёргарлик кўришни ва унинг ўтказилишини таъминлайди;
- б) маслаҳатларни ўтказиши, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини мустақил равишда амалий қўллашга тайёрлайди;
- в) таълим стандартларига биноан ўқув материални ўқувчиларнинг ўзлаштиришини объектив баҳолашни таъминлаш учун рейтинг назоратини амалга оширади, ушбу мақсадда ўқувчилар билимининг жорий, оралик ва якуний назоратини ўтказиши, ўқувчиларнинг ёзма ишларини ва дафтарларини текширади, рейтинг балларини ҳисоблайди;
- г) давоматни ҳисобга олиб боради, ўқувчиларнинг таълим муассасаси устави талабларига амал қилишини таъминлайди;
- д) ўзлаштира олмаган ўқувчилар билан якка тартибда ва гуруҳда ишлар олиб боради, Давлат таълим стандартлари талабларига биноан дастурий материалларнинг максимал ўзлаштирилишини таъминлайди.

Ўқув-услугий ишлар:

- а) машғулотлар режаларини ишлаб чиқади, амалий, лаборатория машғулотла-

ри, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари, курс, диплом лойиҳалари (ишлари)га дидактик, кўргазмали ва тарқатма материаллар, услубий кўрсатмалар тайёрлайди;

б) амалий машғулотлар, ўқувчиларнинг мустақил, индивидуал ва ўқув тадқиқотчилик ишлари бўйича топшириқлар ва вазифалар, шунингдек уларнинг билимларини назорат қилиш учун топшириқлар тузади;

в) илмий-педагогик кенгаш, услубий кенгаш, семинарлар, илмий анжуманлар, тренинглар, йиғилишлар, мажлислар ва ҳисоботларни тузиш ишларида қатнашади.

Ташкилий-услубий ишлар:

а) умумтаълим мактабларида касб-ҳунарга йўналтириш ишларини олиб боради;

б) ўқувчиларда касбий тасаввурларни шакллантиради;

в) очиқ дарслар (машғулотлар) ўтказади ва уларга қатнашади;

г) фан тўғараклари ишларини олиб боради;

д) таълим муассасасининг маслаҳат марказлари ишларида иштирок этади;

е) маданий-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этади ва ўтказади;

ж) ўқувчилар орасида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, ижодий танловлар ва навбатчиликни ташкил этишда қатнашади;

з) бириктирилган хоналар, кабинетлар, лабораториялардаги ўқув жиҳозлари, ўқитишнинг техник воситалари ва моддий мулкларнинг сақланиши ҳамда улардан самарали фойдаланишни таъминлайди;

и) ўқувчилар фойдаланадиган ўқув-услубий адабиётлар, ахборот материалларининг таъминланганлиги ва сақланишини назорат қилади.

Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар:

а) гуруҳга раҳбарлик қилади;

б) ўсмирлар тарбияси, уларнинг шахс сифатида ривожланиши, маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар, мусобақаларга уларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, ушбу мақсадда ота-оналар, психолог ва бошқа ўқитувчилар билан индивидуал учрашув ва суҳбатлар ўтказади;

в) ўқувчилар билан музейлар ва кўргазмаларга ташриф буюришни, ёзувчи ва санъаткорлар билан учрашувлар ва ижодий кечаларни ўтказишни ташкил этади.

Қўшимча вазифалари:

а) меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми қоидаларига, ҳамкасблари ва ўқувчилар билан педагогик ахлоқ меъёрларига ҳамда қонун ҳужжатлари, хавфсизлик қоидаларига риоя қилади, ўқув жиҳозларидан фойдаланишда санитария-гигиена талабларига амал қилади;

б) мунтазам равишда ўзининг касбий тайёргарлигини ошириб боради;

в) таълим муассасаси ва дарсдан ташқари тадбирларни ўтказиш вақтида унга топширилган ўқувчилар контингентининг соғлиғи ва ҳаёт хавфсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларини, таълим тизими ва давлат таълим стандартларини такомиллаштириш масалалари бўйича ҳукумат томонидан қабул қилинган фармонлар, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази буйруқларини;

б) ўсмирларни ўқитиш ва тарбия бериш шакллари, дидактик принципларни, ўқитадиган ўқув предмети бўйича дарсни ташкил этиш методикасини;

- в) ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш методлари, шакларини ва баҳолаш мезонлари ҳамда тест назоратини ўтказишни, ўқувчиларнинг фаоллиги ва ўзлаштиришини рейтинг тизимида баҳолашни;
- г) педагогик ва касбий мулоқот назарияси ва амалиётини, ёш психологияси ва физиологиясини;
- д) ўқув жараёнида замонавий педагогик, ахборот технологиялари ҳамда ўқитишнинг техник воситаларидан амалий фойдаланишни;
- е) кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатувчи омилларни;
- ж) ёшлар билан маънавий ва маърифат ва тарбиявий ишларни ўтказишнинг долзарб масалаларини, машғулотларда, суҳбатларда ва мулоқотлар жараёнларида нутқ маданияти ва ахлоқ масалаларини;
- з) меҳнатни илмий ташкил этиш ва ҳуқуқ асосларини;
- и) меҳнат гигиенаси ва хавфсизлиги қоидалари, хавфсизлик техникаси, ўқув кабинетлари, аудиториялар ва бошқа хоналарни жиҳозлашга қўйиладиган талабларни.

Малака талаблари:

- а) ўқитувчи ўқитиладиган фанга тегишли касб бўйича энг камида ўрта махсус, касб-хунар маълумотиغا эга бўлиши керак;
- б) бошқа педагогик лавозимларда икки йиллик педагогик иш стажига эга бўлиши керак.

§ 15. Психолог**Лавозим вазифалари:**

- а) таълим муассасаларида таълим олувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнида руҳий, жисмоний ва ижтимоий томондан муҳофаза қилади ва психологик шарт-шароит яратади;
- б) Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш конвенцияси асосида фаолият юритади. Таълим муассасасининг ижтимоий муҳитини мувофиқлаштиришни таъминлайди ва ижтимоий мослашмаслик ва зўриқишларнинг юз беришини олдини олишни таъминлайди.
- в) таълим муассасасининг меъёрий-услубий ҳужжатларига мос ҳолда ижтимоий-психологик хизматни ташкил қилади;
- г) ўқувчи шахсини аниқлашда уларга махсус методикалар асосида психологик-педагогик ва ижтимоий-психологик ташхис қўяди;
- д) ўқувчи шахсини ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлайди. Психологик ёрдам кўрсатиш йўллари топади (Психологик тузатиш ва ривожлантириш, реабилитация ва маслаҳат бериш). Муаммоларни ҳал қилишда ўқувчилар, ота-оналар ва педагогик жамоага ёрдам кўрсатади;
- е) ўқувчилардаги руҳий, жисмоний ва бошқа характерларни аниқлаш учун тестлар ўтказиши. Булардан ташқари ақлий ривожланиш, қобилият, иқтидор ва имкониятларни тестлар орқали аниқлайди. Тест натижаларини баҳолайди ва изоҳлайди;
- ж) ўтказилган тадқиқотларга асосан ота-она, педагогик жамоага ўқувчиларнинг шахсий ва ижтимоий ривожланишидаги муаммолар юзасидан психологик ва педагогик хулосаларни етказиши;
- з) ҳужжатларни талаб даражасида юритади ва улардан ўрнатилган тартибда фойдаланади. Ўқувчиларни индивидуал ва ёш хусусиятларига қараб ривожлантирувчи ва коррекцион дастурлар тузиши ва режалаштиришда иштирок этади. Уларга

ҳаётӣ ва касбӣ ўз-ўзини англашида, турли ҳолатларда муаммоларни ўзлари ҳал қилишларига тайёрлигини шакллантиришда ёрдам беради;

и) иқтидорли ўқувчиларни руҳан қўллаб-қувватлайди. Уларнинг ривожланишига ва изланишига қўмак беради. Ўқувчиларни ақлий, жисмоний, ҳиссий ҳамда ижтимоий ривожланишидаги оғишлар даражасини аниқлайди ва педагогик-психологик коррекция ишларини олиб боради;

к) ўқувчилар, ота-оналар, педагогик ходимларнинг психологик маданиятини оширади. Ўқувчиларда жинсий тарбия маданиятини шакллантиради. Таълим муассасаси ходимларига муассасанинг ривожланиши ҳақида маслаҳатлар беради. Амалий психологияни қўллаш, ўқувчилар, ота-оналар ва педагогик ходимларни ижтимоий-психологик малакаларини чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, қонун ҳужжатлари, Ўрта махсус таълим маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, кўрсатма ва ахборотларини, таълим муассасасининг уставини;

б) жамоа муҳитига таъсир қилувчи ижтимоий-психологик таъсир ва омилларни билиши. Умумий ва ижтимоий психология, ёш психологияси, тиббиёт психологияси, ёш психологияси хусусиятлари, болалар нейропсихологияси асослари, психодиагностикада эришилган ютуқларни, индивидуал психологик хусусиятларни, инженерлик психологияси ва меҳнат психологияси, дефектология асослари, психотерапия, сексология, психогигиена, касб-ҳунарга йўналтириш, касбга кириш, тест ўтказиш методикаси, касбӣ маслаҳат беришнинг замонавий усулларни қўллаш ва индивидуал ва гуруҳӣ тарзда ишлашни. Хулқи ёмон ўқувчиларни ташхис қилиш ва улар билан коррекцион ишлар олиб боришни;

в) тадқиқот ўтказиш технологиясини билиш, натижаларни компьютерда таҳлил қилиш. Психодиагностиканинг долзарб илмий ахборотларини;

г) меҳнат хавфсизлигини, соғлиқни муҳофаза қилиш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш.

Бажариши лозим:

а) муҳим муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг самарали йўлларини топишни;

б) вазифаси юзасидан суҳбатлар ва мунозаралар, учрашувлар ташкил қилишни.

Малака талаблари:

олий психологик ёки педагогик маълумот.

§ 16. Тарбиячи

1. Лавозим вазифалари:

а) бириктирилган ўқувчилар билан дарсдан ташқари тарбиявий ишларни ташкиллаштиради. Ётоқхонада ўқитувчи — гуруҳ раҳбари ва бошқа ўқитувчилар, педагогик ходимлар, ота-оналар билан маънавий-тарбиявий, маъданий-ташқилий, соғломлаштириш спорт тадбирлари, дарсдан ташқари тадбирларни режалаштиради ва биргаликда ўтказиши;

б) ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтидан самарали фойдаланишини, уларни дарсга, олимпиадаларга, кўрик-танловларга, мусобақаларга тайёргарлигини кузатади;

- в) ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ётоқхоналарида ўзини тутиш қоидалари ва кун тартибига риоя қилишини назорат қилади;
- г) ўқувчиларда меҳнатга бўлган муҳаббатни, ўз касбига бўлган ҳурматни шакллантиради;
- д) ўқувчиларнинг оилавий аҳволини ўрганади, улар билан суҳбатлар ўтказиши;
- е) секция ва тўғарак ишларига йўналтиради;
- ж) таътил вақтида ўқувчиларнинг самарали дам олишларини, экскурсиялар, зиёрат қиладиган жойларга, музейларга ташриф буюришларини ташкиллаштиради;
- з) ўқувчиларда ўз Ватанига бўлган фахрланиш туйғусини, бебаҳо тарихга бой бўлган миллий анъана ва маросимларга, ўз халқининг маданиятига, машҳур олимларига, санъат, маданият ва спорт усталарига бўлган содиқлигини ва ҳурматини тарбиялайди;
- и) ғоявий-тарбиявий ишларни ўтказишда (оммавий-спорт ва маданий тадбирларда, театрлаштирилган байрамларда, Янги йилга бағишланган, Наврўз, «8-март», Мустақиллик, Устоз ва Ўқитувчилар куни ва бошқалар) тадбирлар, таълим муассасасига тегишли режалаштирилган тарбиявий ишларда ўқитувчилар, гуруҳ раҳбарлари ва бошқа педагогик ходимлар билан биргаликда иштирок этади;
- к) ўйин ва бошқа маданий-оммавий, тарбиявий тадбирларни ўтказиш бўйича услубий материалларни ишлаб чиқади;
- л) «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармаси, маҳалла қўмитаси, спорт секциялари ва иншоотлари, хиёбонлар, музейлар, киночилар уйлари, театрлар, маданият марказлари, «Камолот» оммавий ёшлар ҳаракати ходимлари ва бошқа муассасалар билан ўқувчиларнинг тарбиявий масалалари бўйича ҳамкорлик қилади.

Билиши лозим:

- а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, таълим стандартларининг талаблари ва мазмуни, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг бошқарувга тааллуқли қарорлари, буйруқлари, тарбиявий, дарсдан ташқари ишлар бўйича меъёрий, услубий ва йўриқнома материаллари, тарбиявий ишлар концепцияси, Болалар ҳуқуқлари ҳақидаги конвенцияни;
- б) тарбиявий ишлар бўйича сиёсатини, меҳнат ҳақидаги қонунчиликни, меҳнатни илмий ташкил қилишнинг асосларини;
- в) педагогика, психология, ёшлар физиологияси, услубий тарбиявий ишлар, санитария ва гигиена асослари;
- г) манфаатдор ташкилотлар: «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Маҳалла», «Камолот» ва бошқа жамоат ва касба уюшмалари билан ҳамкорликдаги ишларни ривожлантириш йўналишларини;
- д) ўсмирларни тарбиялашдаги илғор тажрибаларни.

Бажара олиши лозим:

- а) ўқувчиларни тўғарак машғулотларига, спорт секцияларига, мусобақаларда қатнашишга, оммавий тадбирларга қизиқтириш ва қизиқишларини рағбатлантиришни;
- б) керакли ҳужжатларни тузиш, мажлислар ва суҳбатлар олиб боришни.

Малака талаблари:

амалий иш стажига талаб бўлмаган ҳолда олий педагогик, муҳандис-педагогик маълумоти ёки ўрта махсус педагогик ва 2 йиллик амалий педагогик иш стажини бўлиши керак.

§ 17. Касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси**Лавозим вазифалари:**

а) бириктирилган гуруҳлар билан амалий машғулотларни режалаштиради ва ўтказди;

б) хоналарни, аудиторияларни, кўргазмали воситалар, жиҳозлар ва бошқа техника воситаларини, амалий машғулотларга, ишларга керак бўлган материалларни тайёрлайди;

в) амалий машғулотлар жараёнида ўқувчиларда назарий билимларни мустаҳкамлашда, уларда меҳнат ва касбий тажрибаларни шакллантиришни ва улар базасида ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини қўллаш олишни таъминлайди;

г) маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича корхоналар, ташкилотлар ва алоҳида шахслар билан битимлар тузишда қатнашади;

д) ўқувчиларни малакали ишларни бажаришга, битирув имтиҳонларини ва касбий аттестацияни топширишга тайёрлайди;

е) бириктирилган гуруҳларда тарбиявий иш олиб боради, бу соҳада услубий ва фан комиссиялари, ўқувчиларнинг ота-оналари билан ҳамкорлик ишларини олиб боради ва дарсдан ташқари ташкилий-маданий ва тушунтириш тадбирларини ўтказишда қатнашади;

ж) доимо ўзининг касбий ва услубий маҳоратини ошириб боради. Услубий ташкилотларнинг ва услубий ишларнинг бошқа шаклларидаги фаолиятида қатнашади;

з) ўқитувчи ва тарбиячилар билан яқин мулоқотда ишлайди, керак бўлганда назарий машғулотларга кириб туради;

и) шахснинг умумий маданий шаклланишига, ижтимоийлашишига, касбий дастурларни онгли равишда ўрганишига ва танлашига ёрдам беради. Давлат стандартлари доирасида таълим тизимининг турли шакллари, услубларини, қўлланмаларни ишлатади;

к) ўқувчиларни Давлат таълим стандарти талабларига мос келадиган даражада тайёрлашни таъминлайди;

л) ёнғинга қарши химоя, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини таъминлайди;

м) таълим олиш жараёнида ўқувчиларнинг соғлигини ва ҳаётини муҳофаза қилишни таъминлайди.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларни, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг қўлланма ва ахборот, норматив материалларини, буйруқларини, таълим бўйича статистик маълумотларни, Бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенцияни;

б) ўқувчиларнинг педагогикаси ва психологиясининг асосларини, касбий ва амалий фаолиятга тегишли масалалар бўйича меъерий ва услубий ҳужжатларни, ўқувчилар билан ишлаш бўйича мавжуд бўлган дастурлар, услубий адабиётлар ва тегишли фан, техника ва технология ютуқлари;

в) тармоқ менежменти ва маркетингининг хусусиятларини;

г) меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазасининг қоидалари ва меъёрларини, техника хавфсизлиги ва ёнғинга қарши муҳофазани.

Бажара олиши лозим:

ўқув дастури ва давлат таълим стандартларига тегишли амалий ишларнинг барча турларини.

Малака талаблари:

а) таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумот ёки иш стажини сўралмаган ҳолда муҳандис-педагогик маълумот;

б) айрим ҳолларда ишлаб чиқариш таълимининг устаси лавозимини, шу касб (мутахассислик) бўйича 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажини ва ўрта махсус касбий маълумотга эга бўлган юқори малакали кичик мутахассис эгаллаши мумкин.

§ 18. Услубчи**Лавозим вазифалари:**

а) ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида, услубий хоналарда (марказларда) услубий ишларини ташкил қилади;

б) таълим муассасасидаги ўқув-услубий ва тарбиявий ишлар ҳолатини, унинг давлат таълим стандартларига мос келишини таҳлил қилади ва унинг самарасини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

в) ўқитувчиларнинг ва бошқа педагогик ходимларнинг, шу қаторда муҳандис-педагогларнинг, ишлаб чиқариш таълими усталари ва тарбиячиларнинг илғор ва ривожланган иш тажрибаларини ўрганади ва тарқатади;

г) ўқув гуруҳларни, тўғарақларни ва ўқувчилар ташкилотларини тузишда қатнашади;

д) таълим муассасаларининг мутахассислари ва раҳбарларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни режалаштириш ва истиқболни белгилаш, диагностик, ахборот ва услубий материалларни ишлаб чиқишда қатнашади;

е) ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг педагогик ходимларига уларнинг фаолият йўналишига тегишли ҳолда таълим мазмунини, шаклларини, услублари ва қуролларини аниқлашда маслаҳат ва амалий ёрдам беради. Тегишли йўналишлар бўйича ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилишда қатнашади;

ж) ўқув, ўқув-тақвим режаларни, фанлар ҳамда ўқув курслари бўйича дастурларни тузади;

з) ўқув-услубий ҳужжатларни, қўлланмаларни (ўқув фанлари, дидактик материаллар, жиҳозлар рўйхати турлари ва бошқалар) ишлаб чиқишни, тақриз қилишни ва тасдиқлашни ташкиллаштиради;

и) муассасаларнинг тажриба-синов ишларини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

к) муассасалар мутахассислари ва раҳбарларининг энг натижавий тажрибаларини умумлаштиради ва жорий қилиш бўйича чоралар кўради;

л) конференциялар, семинарлар, конкурслар, кўргазмалар, олимпиадалар, мусобақалар ва бошқаларни ўтказиш бўйича лозим бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқади ва ташкил қилади;

м) таълим мазмунини экспертиза қилиш ва илмий-услубий таъминлаш бўйича ишларни ташкил қилади. Услубий материаллар, ўқув қўлланмалар, дарсликларни нашр этишнинг келажак режаларини ишлаб чиқишда ва уларнинг муаллифларини танлашда иштирок этади. Услубий хоналарга ва таълим муассасаларига нашр этилаётган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, видеоматериаллар, таълимнинг аудиови-

зуал ва бошқа воситалари ҳақида ахборот бериб туради ва муассасаларнинг уларга бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилади;

н) жаҳон педагогик тажрибалар ҳақидаги маълумотларни ўрганади ва таълим ҳамда тарбия бўйича илғор технологияларни жорий қилишни ташкил қилади.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги, таълим стандартларининг мазмуни ва талабларини, ўқув услуги ва тарбиявий иш масалалари бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг буйруқлари, фармойишлари, услубий ва бошқа бошқарув материаллари;

б) дидактика принципларини, педагогика ва ўсмир психологияси асослари, таълим беришнинг умумий ва шахсий технологиялари, ўқув фанини ёки фаолият йўналишини услубий таъминлаш принциплари ва қўллаш услубларини, муассасада таълим жараёнини ташкил қилиш тизимини;

в) муассасадаги педагогик ишларнинг самарали услубларини аниқлаш, умумлаштириш ва уларни тарқатиш усулларини;

г) муассаса педагогик ходимларининг услубий уюшмалари ишларининг мазмуни ва уни ташкил қилиш тамойилларини;

д) мутахассисликлар, таълим дастурлари бўйича ўқув-дастурий ҳужжатлар, ўқув режалар, ўқув жиҳозларининг рўйхатлари турлари ва бошқа ўқув-услубий ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиби ва тамойилларини;

е) нашриётлар билан ишлаш асослари, услубий ва ахборот материалларини тизимга киритиш тамойиллари, таълимнинг аудиовизуал ва интерфаол воситаларига бўлган асосий талабларни.

Малака талаблари:

а) олий педагогик ёки муҳандис-педагогик маълумот;

б) ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик иш стажы 5 йилдан кам бўлмаслиги керак.

§ 19. Тўғарак раҳбари

Лавозим вазифалари:

а) таълим муассасасининг тўғарак ишини ташкиллаштиради ва раҳбарлик қилади;

б) тўғарак ишини буюк аждодларимиз меросига чуқур ҳурмат билан ёндашиш, миллий ғурур ва Ватанга садоқат руҳида, дарсдан ташқари вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида тўғарак фаолиятини юргизади;

в) йўналиш бўйича тўғарак аъзолари (жамоа) индивидуал ва гуруҳий машғулотлар олиб боради;

г) тўғарак аъзоларидан касбий маҳоратни мустаҳкамлаш ва билим даражасини юксалтиришга ҳаракат қилади;

д) услубий ишларда фаол иштирок этади. Ўқувчиларни тўғаракка жалб қилиш мақсадида саралаш ва жамлаш ишларини олиб боради. Тўғарак аъзоларини (жамоа) турли мусобақа, кўргазма, концертлар ва бошқа оммавий тадбирларда қатнашишни таъминлайди;

е) тўғарак аъзоларининг (жамоа) ўқув интизомига риоя этишини назорат қилади ва давоматини олиб боради;

ж) ота-оналар, ахборот-ресурс марказлари ходимлари, гуруҳ тарбиячилари ва ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилади;

з) тўғарак иши фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф беради, тўғарак ишини акс эттирувчи бурчакни расмийлаштиради ва уни реклама қилади;

и) тўғарак иши билан боғлиқ бўлган ҳисоботни тузади ва ҳужжатларни юри-тади.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, таълим тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари, дарсдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, ушбу йўналиш бўйича тўғарак ишлари дастурини, услубий тавсияномаларни, тўғаракларда иш юритишнинг шакл ва услубларини, педагогика асослари, педагогик психология, ўсмирлар психологиясини;

б) ўқувчилар шахсини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ҳужжатларини, уларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини;

в) замонавий тарбия ва ўқитиш усуллари ва услубларини, турли маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказишни, маданият ва санъат, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини;

г) секция ва клубларни ривожлантириш дастурларини;

д) ўқитишда техник воситалардан фойдаланишни;

е) таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишга қўйилган санитария-гигиена талабларини, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;

ж) ёшларга оид қонун ҳужжатларини.

Малака талаблари:

а) тўғарак йўналиши бўйича камида ўрта махсус, касб-хунар таълимига эга бўлиши;

б) амалий иш стажи шарт эмас.

§ 20. Олимпия захиралари коллежининг тренер-ўқитувчиси

Лавозим вазифалари:

а) ўқувчилар томонидан юқори спорт натижаларига эришиш учун йўналтирилган йиллик ва жорий режаларни, ўқув-машғулот ва услубий ишларнинг дастурини ишлаб чиқади;

б) ўқувчиларнинг ўқув-машғулот ишларини ва ўқув-машғулот йиғилишларини ўтказиши;

в) спорт билан шуғулланишга истак билдирган ва тиббий томондан салбий кўрсаткичларга эга бўлмаган шахсларни спорт гуруҳларига (секцияларига) қабул қилади;

г) ўқув-машғулот ва тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларни танлаш, тавсиялар бериш мақсадида уларнинг жисмоний, ахлоқий ва бошқа муҳим хусусиятларини таҳлил қилади;

д) келажакда юқори натижаларга эришадиган ўсмирларни саралаш ва йўналтириш ишларини олиб боради;

е) ўқувчиларнинг жисмоний, назарий, техник ва спорт тайёргарлигини оширишни, дарс жараёнида ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилишни, ўқув машғулотлари хавфсизлигини таъминлайди;

ж) спортчилар томонидан турли хил допингларни истеъмол этиш ҳолларини олдини олади;

з) иш фаолиятининг натижалчилиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида бошқа ўқитувчилар, тренерлар, тарбиячилар, психолог ва тиббий ходимлар билан ҳамкорлик қилади;

и) ўз ишининг натижалари ва мазмунини тизимли равишда ҳисоботини олиб боради, таҳлил қилади ва умумлаштиради. Ўз иши тўғрисида ҳисоботлар тузади;

к) меҳнат натижаларини муҳокама қилиш, ўқув, тарбиявий, жисмоний, спорт ишлари ҳамда ўқув сифатини яхшилаш бўйича турли йиғилиш, конференция, мажлисда қатнашади;

л) иш фаолиятида ўқувчиларни соғломлаштиришни ва спорт тайёргарлигининг энг самарали услубларидан фойдаланади;

м) ўқувчилари билан спорт мусобақаларида тренер сифатида қатнашади ва керак пайтда спорт мусобақаларида унинг шарафини ҳимоя қилади;

н) ўқувчиларни тестдан ўтказиши, билим маҳоратини аниқлайди, жисмоний ва амалий тайёргарлигини аниқлайди;

о) техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилади;

п) қарамовидаги ўқувчилар ва жамоа тўғрисида, ҳаёти, соғлиғи ва ҳуқуқлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларини, таълим тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларини, спортни ривожлантириш, жисмоний тарбияни юксалтириш, тарбия услублари, спорт мусобақалари қатнашувчиларига жисмоний тарбия фанини ўқитишни;

б) халқаро ва миллий мусобақалар ўтказишнинг алоҳида талаблари ва қоидаларини;

в) педагогика, психология, ўсмирлар физиологияси, гигиенаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;

г) ёшларга оид қонун ҳужжатларини.

Малака талаблари:

а) олий жисмоний тарбия бўйича педагогик маълумот;

б) камида уч йиллик тренерлик, ўқитувчилик стажига эга бўлиши.

§ 21. Спорт коллежининг тренер-ўқитувчиси

Лавозим вазифалари:

а) ўқув-машқ, спорт иши бўйича назарий ва амалий машғулотлар олиб боради;

б) ўқув-машқ ва услубий иш дастурига ҳамда таълим стандартларининг талабларига мувофиқ йиллик ва жорий шахсий иш режаларини ишлаб чиқади;

в) жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга истак билдирган ва тиббий томондан салбий кўрсаткичларга эга бўлмаган шахсларни спорт секцияларига, спорт ва соғломлаштириш гуруҳларига қабул қилишда иштирок этади;

г) ўқувчилар билан ўқув-машқ ва тарбиявий ишлар олиб бориш жараёнида тегишли қарор қабул қилиш ва маслаҳат бериш мақсадида ўқувчиларнинг жисмоний ва ахлоқий фазилатларини ўрганади, таҳлил қилади;

д) шуғулланувчиларнинг жисмоний, назарий, ахлоқ-иродавий, техник ва спорт тайёргарлигини, машғулот пайтида ўқувчилар соғломлигининг мустаҳкамланишини ва муҳофазасини, ўқув-машқ жараёнининг хавфсизлигини таъминлайди;

е) бошқа ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар, психолог ва тиббий ходимлар билан ўз ишининг натижаларини ва унинг самарадорлигини оширишда ҳамкорлик қилади;

ж) ўз ишининг натижаларини ва мазмунини мунтазам равишда ҳисобга олади, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

з) ўқувчилар ва спортчилар билан тест ўтказади, уларнинг билимларини, маҳоратларини ва амалий тайёргарлигини баҳолайди;

и) иш натижаларини муҳокама қилиш бўйича ҳамда ўқув, тарбиявий ва жисмоний-спорт ишларини яхшилашга оид масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислар, кенгашлар, конференциялар ва йиғилишларда иштирок этади;

к) шуғулланаётган шахслар ва ўқувчилар спорт тайёргарлигининг ва уларни соғломлаштиришнинг энг самарали усулларидадан ўз ишида фойдаланади;

л) меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилади;

м) унга ишониб топширилган ўқувчиларнинг ва жамоанинг ҳаёти, соғломлиги ва ҳуқуқларининг дахлсизлиги учун жавоб беради.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларини, таълим соҳасида бошқа қонун ҳужжатларини, таълимни ривожланиши стратегиясини, жисмоний тарбия ва спорт ривожланиши йўналишларини ва истиқболларини, шуғулланаётган шахслар тарбиясини, жисмоний тарбия фанини ўқитиш ва спорт машқлари ўтказиш усулларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

б) педагогика, психология, ўсмирлар физиологияси, гигиенаси асосларини, хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;

в) ёшларга оид қонун ҳужжатларини.

Малака талаблари:

иш стажига талаблар йўқ бўлган ҳолда, олий ёки ўрта махсус жисмоний тарбия бўйича маълумот.

§ 22. Олимпиада захираси коллежининг инструктор-услубчиси

Лавозим вазифалари:

а) жисмоний-соғломлаштириш ва спорт-оммавий ишлар бўйича ташкилий-услубий ишларни олиб боради;

б) жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга истак билдирган ва тиббий томондан салбий кўрсаткичларга эга бўлмаган шахсларни спорт секцияларига, спорт ва соғломлаштириш гуруҳларига қабул қилишда иштирок этади, шуғулланаётган шахсларга маслаҳатлар беради;

в) спорт-оммавий ва жисмоний-соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилади ва ўтказади, спортчиларни ҳамда оммавий разрядли ва ҳакамлик тоифасидаги ҳакамларни тайёрлайди;

г) жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун зарур бўлган моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ташкил қилишда иштирок этади;

д) ўқувчилар, спортчилар томонидан тақиқланган препаратлар (допинг)дан фойдаланишга йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

е) инструктор-жамоатчиларнинг фаолиятини ташкилий-услубий бошқарувини таъминлайди, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилади ва ўтказди, спорт заллари, хоналар, майдончаларни безашда ёрдам беради;

ж) жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича инструктор-услубчилар ишининг етакчи, шу жумладан халқаро илғор тажрибаларини ўрганади, ташкилотнинг иш натижаларини таҳлил қилади ва ишни такомиллаштиришни режалаштиришда иштирок этади;

з) жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзи ғоясини тарғиб қилади, шуғулланаётган шахслар устидан тиббий кузатиш олиб боришни таъминлаш ҳамда спортни такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида соғлиқни сақлаш органлари, психологлар, ўқитувчилар билан кенг ҳамкорликда ишлайди;

и) халқаро мусобақаларни олиб бориш амалиётини, спорт мусобақаларнинг қоидаларига янги киритилган тартиб-қоидаларни ўрганади;

к) меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда шуғулланаётган шахсларнинг хавфсизлик техникасини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар ва назарий машғулотлар комплексини ўтказди;

л) ўз малакасини мунтазам равишда ошириб боради.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларини, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ва бошқа қонун ҳужжатларини, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ўқув, тарбиявий ишлар ва спортчиларнинг тайёргарлиги бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

б) жисмоний-соғломлаштириш ишининг асосларини, спорт ва жисмоний-оммавий чора-тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш усулларини;

в) тиббий назорат ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш асосларини, шуғулланаётган шахсларнинг физиологик хусусиятларини;

г) ўқувчиларнинг билим, маҳорат ва қобилиятларини баҳолаш усулларини;

д) ўқув-машқ жараёнида компьютер ва замонавий жиҳозлардан фойдаланишни;

е) ҳисобот ва шартномалар тузишни, суҳбатлар ва спорт тадбирларини ўтказишни;

ж) спорт иншоотларидан, жиҳозлардан ва спорт техникасидан фойдаланиш қоидаларини, хавфсизлик техникасини ҳамда ишлаб чиқариш жараёнининг санитария қоидаларини.

Малака талаблари:

жисмоний тарбия бўйича олий маълумот ва тренер-ўқитувчи лавозимида 3 йиллик иш стажини.

**§ 23. Маданият ва санъат касб-хунар коллежи
(академик лицей)нинг концертмейстери**

Лавозим вазифалари:

а) Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурларининг тегишли талабларига мувофиқ тегишли санъат тури бўйича (муסיқа, рақс, ашулчилик, театр) ихтисослаштирилган назарий, амалий машғулотларни режалаштиради, ташкил қилади ва олиб боради, маслаҳатлар беради;

- б) ўқувчиларнинг мусиқий ёки бошқа эмоционал соҳадаги қобилиятларини, уларнинг ижодий фаолиятларини ривожлантиради;
- в) жамоанинг ўқув, бадиий, илмий-педагогик кенгашининг йиғилишларида қатнашади;
- г) ўқув-услубий материалларни, имтиҳон саволларини, машқларини, тестларини ва топшириқларини ишлаб чиқишда иштирок этади;
- д) мусиқий фаолиятининг ҳар қандай турларидан ва шаклларида фойдаланиб, ўқувчиларда эстетик хусусиятларни шакллантиради;
- е) бир неча мусиқий асбобларда ижро этишнинг техникасини профессионал тарзда билади;
- ж) ўқувчилар билан шахсий иш олиб боради, қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни танлаб олиб, уларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантиришда ёрдам беради;
- з) ўсмирларнинг шахсий ва ёшга оид хусусиятларини, шунингдек уларнинг ижодий қобилиятларини инobatга олиб, ўз педагогик фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;
- и) ўқувчиларни концертларда, конкурсларда, олимпиадаларда, фестивалларда ва бошқа оммавий тадбирларга чиқишига тайёрлайди;
- к) ўқувчиларнинг билимлари, амалий ижро маҳоратлари устидан назорат қилади, имтиҳонлар, тестлар ва назорат ишларини ўтказишда, давоматни ва ўзлаштиришни ҳисобга олади;
- л) бошқа ўқитувчилар, гуруҳлар раҳбарлари, психолог ва ота-оналар билан ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ҳамкорлик қилади;
- м) ўз малакасини мунтазам равишда оширади;
- н) меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ҳамда хавфсизлик техникасига амал қилади.

Билиши лозим:

- а) ўрта махсус мусиқий таълимнинг давлат стандартлари мазмунини, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг маданият ва санъат масалалари бўйича услубий, меъёрий, йўриқномавий ва бошқа бошқарув материалларини;
- б) маданиятнинг шакллари ва турларини, жаҳоннинг асосий ҳамда маданий-тарихий марказларини ва жойларини;
- в) Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихини;
- г) ўсмирлар мусиқий таълимнинг назарияси ва амалиёти асосларини, мусиқий адабиётни, хореография асосларини, ашулачилар жамоаси билан ишлаш тартибини. Сценарийларни, дастурларни амалий ишлаб чиқишни, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш тартибини;
- д) ўсмир шахси ривожланишининг хусусиятларини, турли ёшдаги шахсларнинг мусиқавий қабул қилиши, эмоциялари, моторикаси ва мусиқавий имкониятларини;
- е) замонавий ва классик ўзбек, шарқ ва хорижий бастакорларнинг ҳаёти ва ижодини, халқ ҳофизларининг ижодини, мусиқа тарихини ва мусиқий маданиятни, миллий ва классик репертуардаги асарларни;
- ж) мусиқа асбобларини (ўзбек, шарқ ва хорижий), шунингдек ўзбек, шарқ, европа классик мусиқий маданиятини, операсини, балетини;
- з) мусиқа услубларини ва усулларини, Ўзбекистоннинг турли жойларига хос бўлган асбоб ва ижро йўналишларини. Мусиқий ўйинларни, мусиқий ритмик ҳаракатларни;

и) ўзининг ривожланишида орқада қолган болалар билан ишлашда дефектология асосларини ва тегишли услубларни;

к) мусиқий асбобда аъло даражада ижро этишни, қўшиқчилик ва жамоада қўшиқ айтиш маҳоратини, мусиқий ёки бошқа санъат асарларини яратиш ва ижро этишни, рақсларни қўя билишни.

Малакавий талаблар:

мусиқий-педагогик олий маълумот.

§ 24. Касб-хунар коллежи(академик лицей)нинг концертмейстери

Лавозим вазифалари:

а) мусиқий, рақс ва хореографик санъатнинг тегишли тури бўйича дарсдан ташқари машғулотларни режалаштиради, ташкил қилади ва олиб боради, маслахатлар беради, ижодий мусиқий тўгаракларни ташкил қилади;

б) ўқувчиларнинг мусиқий ёки бошқа қобилиятларини, уларнинг эмоционал доирасини ва ижодий фаолиятларини ривожлантиради;

в) ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг илмий-педагогик ва бадий (агарда у кўзда тутилган бўлса) кенгашининг йиғилишларида қатнашади;

г) мусиқий фаолиятни ташкил қилишнинг ҳар қандай турларидан ва шаклларидадан фойдаланиб, ўқувчиларда эстетик хусусиятларни шакллантиради;

д) мусиқий асбобда ижро этиш техникасини профессионал тарзда билади;

е) ўқувчилар билан шахсий иш олиб боради, қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни уларнинг шахсий ва ёшга оид хусусиятларини инобатга олган ҳолда танлаб олади, шунингдек уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ёрдам беради;

ж) ўқувчиларнинг концертларда, конкурсларда, олимпиадаларда, фестивалларга ва бошқа оммавий тадбирларда чиқишига тайёрлайди;

з) хаваскорлик спектаклларини, томошаларни, концертларни мусиқий жўрлик билан таъминлайди;

и) тарбиячилар билан бирга ўқувчиларни эстетик тарбиялаш бўйича ишлар олиб боради, профессионал артистлар иштирокида ижодий кечаларни ўтказиши;

к) ўқитувчилар, гуруҳлар раҳбарлари, психолог ва ота-оналар билан ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик қилади;

л) ўз малакасини мунтазам равишда оширади;

м) меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ҳамда хавфсизлик техникасига амал қилади.

Билиши лозим:

а) ўрта махсус мусиқий таълимнинг давлат стандартлари мазмунини, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг маданият ва санъат масалалари бўйича услубий, меъёрий, йўриқномавий ва бошқа бошқарув материалларини;

б) маданиятнинг шакллари ва турларини, жаҳоннинг асосий ҳамда маданий-тарихий марказларини ва жойларини;

в) Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихини;

г) ўсмирлар мусиқий таълимининг назарияси ва амалиёти асосларини, мусиқий адабиётларни, хореография асосларини, қўшиқчилар жамоаси билан ишлаш

тартибини. Сценарийларни, дастурларни амалий ишлаб чиқишни, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш тартибини;

д) болалар ва ўсмирлар шахси ривожланишининг хусусиятларини, турли ёшдаги шахсларнинг мусиқавий қабул қилиши, эмоциялари, моторикаси ва мусиқавий имкониятларини;

е) замонавий ва классик ўзбек, шарқ ва хорижий бастакорларнинг ҳаёти ва ижодини, халқ ҳофизларининг ижодини, мусиқа тарихини ва мусиқий маданиятни, болалар репертуари асарларини;

ж) мусиқий асбобларни (ўзбек, шарқ ва хорижий), шунингдек ўзбек, шарқ, европа классик мусиқий маданиятини;

з) мусиқа услублари ва усулларини, Ўзбекистоннинг турли жойларига хос бўлган асбоблар ва ижро йўналишларини. Мусиқий ўйинларни, мусиқий ритмик ҳаракатларни;

и) мусиқий асбобда аъло даражада ижро этишни, қўшиқчилик ва жамоада қўшиқ айта олиш маҳоратини, мусиқий ёки бошқа санъат асарларини яратишни ва ижро этишни.

Малака талаблари:

ўрта махсус мусиқий-педагогик маълумотга эга бўлиши лозим.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
 ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
 МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
 ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
 ҚАРОРИ

351 Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ҳузуридаги алоҳида ўртак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
 29 августда 1846-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 8 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 165-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ҳузуридаги алоҳида ўртак

кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ўрта махсус, касб-хунар
таълими маркази директори**

З. САТТОРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 13 август,
32/ҚҚ-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
ҳимоя қилиш вазири в.б.**

А. ҲАЙТОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 13 август,
32-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори**

Б. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 13 август,
01-274-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази,
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Давлат тест марказининг
2008 йил 13 августдаги 32/ҚҚ, 32,
01-274-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ҳузуридаги
алоҳида ўрнатилган ходимларни рағбатлантириш
бўйича махсус комиссия тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 31-32-сон, 303-модда) мувофиқ, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ҳузуридаги алоҳида ўрнатилган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия фаолиятини ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси Директор жамғармаси (бундан кейинги ўринларда Директор жамғармаси деб юритилади) ҳисобидан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитув-

чилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ҳузурдаги алоҳида ўртак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда матнда Махсус комиссия деб юритилади) ўз фаолиятини мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида олиб боради.

2. Махсус комиссия ўз фаолиятини қарорлар қабул қилишда холислик, очиқлик, ошқоралик ва белгиланган тартибга амал қилишлик тамойилларига таянган ҳолда олиб боради.

3. Ушбу Низом барча ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига тааллуқлидир.

4. Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 9-сон, 51-модда) мувофиқ, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантиришга жорий қилинмайди.

II. Махсус комиссиянинг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари

5. Махсус комиссияга қуйидаги асосий вазифалар юкланади:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида муносиб номзодларни аниқлаш ва тасдиқлаш;

ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкаларига Директор жамғармасидан ҳар ойлик устама ва бир йўла тўланадиган мукофотларнинг аниқ тури ва миқдорини белгилаш;

касб маҳорати ва ўқув жараёнига шахсий ҳисса қўшганлиги, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда чуқурлаштирилган ихтисосли табақалаштирилган ўқитишдаги юксак самарадорлик ва сифат учун, ўқувчиларнинг билимларини рейтинг баҳолаш натижалари бўйича аниқланадиган тегишли гуруҳлар ва ўқув фанлари учун Ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартлари билан белгиланган билимлар ва кўникмаларнинг зарур ҳажми ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига қараб, тарбиявий жараённинг, аудиториядан ташқари ишларнинг сифати ва уни амалга ошириш самарадорлигига боғлиқ равишда улар томонидан амалга ошириладиган тарбиявий ва аудиториядан ташқари иш ҳамда ўқувчиларни инсонпарварлик ва юксак ахлоқий руҳда тарбиялашга шахсий қўшган аниқ ҳиссаси учун ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари фаолиятининг рейтинг кўрсаткичлари асосида уларнинг базавий тариф ставкаларига нисбатан ойлик устамалар белгилаш;

таълим муассасаси ходимларининг мурожаатига кўра ёки касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича фавқулодда ҳолларда (яқин қариндоши вафот этган-

да, оғир жароҳат олинганда, оғир касалликка чалинганда, табиий офатдан зарар кўрилганда ва ҳ. к) уларга кўрсатиладиган моддий ёрдам миқдорини белгилаш;

ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг олдинги ўқув давридаги (семестр, ўқув йили) фаолиятини баҳолаш яқунлари бўйича ҳамда айрим ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари иш сифатидаги аниқланган ўзгаришлар асосида белгиланган базавий тариф ставкаларига ойлик устамалар миқдорларини қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш ҳамда бу ҳақда таълим муассасасининг педагогик кенгашида ҳисоботлар бериб бориш;

ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устама ҳақ белгилаш ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини бир йўла мукофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатишни таъминлаш;

навбатдаги семестр давомида ойлик устама ҳақ белгиланган ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг педагогик фаолияти натижалари бўйича мониторинг ишларини тизимли равишда амалга ошириш;

мониторинг натижаларини доимий равишда ўз мажлисларида кўриб чиқиш, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарига устама белгилаш ҳақидаги олдинги қарорларни сақлаш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш масаласини кўриб чиқиш.

6. Махсус комиссия ўзининг фаолиятини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳар бир ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг касб маҳорати ва ўтган ўқув йилидаги ўқув-тарбия фаолиятида эришган натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

ҳар бир ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг тарбиявий ва аудиториядан ташқари ишларни самарали амалга ошириш, касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ ҳиссаси, юқори натижа ва таълим сифати учун ойлик устама ҳақларни белгилашга ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари номзодларини аниқлаш;

зарур ҳолларда ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ўқув йили бошида белгиланган ойлик устама ҳақ миқдорига муддатидан олдин ўзгартириш киритиш.

III. Махсус комиссия тузилмаси ва таркиби

7. Махсус комиссия барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳузурида ташкил этилади.

8. Махсус комиссия таркиби камида 7 кишидан иборат бўлиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси директори буйруғи билан тасдиқланади ва қуйидаги таркибда тузилади:

комиссия раиси — таълим муассасаси директори;

масъул котиб — ички мониторингни ташкил этилиши учун масъул бўлган директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари;

педагогик кенгаш томонидан тайинланадиган, педагогик жамоанинг камида икки нафар вакили;

касаба уюшмаси ташкилоти раиси;

васийлик кенгаши вакили;

ота-оналар қўмитасининг вакили.

9. Махсус комиссиянинг доимий фаолият юритувчи ишчи органи уч нафар ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталаридан вакиллар ва ўрта махсус, касб-

хунар таълими муассасаси ота-оналар қўмитасининг икки нафар вакилидан ташкил топган мониторинг гуруҳи ҳисобланади. Мониторинг гуруҳи таркиби Махсус комиссиянинг қарори билан белгиланади ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

IV. Махсус комиссиянинг мажлисларини ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартиби

10. Махсус комиссия мажлиси семестр якуни бўйича камида бир марта, истисно тариқасида эса заруриятга кўра ўтказилади.

11. Махсус комиссиянинг масъул котиби комиссия мажлисини ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди ва мажлисдан камида 3 кун олдин уларни Махсус комиссия раиси ва аъзоларига тақдим этади.

Махсус комиссиянинг масъул котиби комиссия ҳужжатларини юритиш ва уларни сақлашни таъминлайди.

12. Махсус комиссия мажлиси унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ҳақиқий ҳисобланади. Мажлисда қатнашаётганлар таркибида комиссия раиси, касаба уюшмаси ташкилоти раиси ва ота-оналар қўмитаси вакиллари албатта иштирок этишлари шарт. Қарор мажлисда иштирок этаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Махсус комиссия аъзоларининг овозлари тенг бўлганда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

13. Махсус комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади, Махсус комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси муҳри билан тасдиқланади.

14. Махсус комиссия қарори икки нусхада расмийлаштирилади. Бир нусха ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директорида, иккинчиси Махсус комиссия масъул котибида сақланади ва уларнинг нусхаси зарур ҳолларда ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармасига тақдим этилади.

Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкалари-га ҳар ойлик устамалар, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла тўланадиган мукофотлар ва моддий ёрдамларнинг ҳолисона, ошкора муҳокама қилиниши ва тўғри белгиланиши учун масъуллик шахсан Махсус комиссия раиси зиммасига юклатилади.

15. Директор жамғармасининг маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантиришнинг барча турлари Махсус комиссия мажлиси қарорига асосан таълим муассасаси директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

16. Ҳар бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг ўқитувчилар хонасида, муқаррар тартибда, ходимлар кўриши учун қулай бўлган жойда Махсус комиссия қарорининг нусхаси ва унга бевосита тегишли маълумотлар акс этирилган махсус стенд ташкил қилинади. Стендда таълим-тарбия жараёни натижалари, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари амалга оширган ўқув-тарбия фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари каби зарур маълумотлар эълон қилинади.

V. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнат фаолиятининг рейтинг кўрсаткичлари асосида уларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамаларнинг аниқ миқдорларини белгилаш тартиби

17. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнат фаолиятининг рейтинг кўрсаткичлари мазкур Низомнинг иловасида келтирилган ўқитувчи ва ишлаб

чиқариш таълими усталарининг фаолияти самарадорлигини ҳисоблаш мезонлари асосида аниқланади.

18. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнат фаолиятининг рейтинг кўрсаткичлари таълим муассасаси ҳамда унинг бўлимлари доирасида аниқланади.

19. Ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси ўқув йили давомидаги фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйса, унга жарима баллар белгиланади. Жарима баллари педагогнинг семестр давомида тўплаган балларидан айириб ташланади.

20. Семестр давомида жорий рейтинг балларини ҳисоблаш таълим муассасасидаги йўналишлар бўйича мавжуд бўлим мудирлари ва ўқитувчилар томонидан амалга оширилади.

21. Педагоглар тўплаган рейтинг баллари семестр якунида таълим муассасаси педагогик кенгашида тасдиқланади. Ушбу ҳужжатлар жамланмаси Махсус комиссияга тақдим этилади.

22. Таълим муассасаси педагогик кенгашида рейтинг кўрсаткичи энг юқори бўлган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари ҳақида электрон маълумотлар базаси ташкил этилиб, ҳар семестр якунида янгилаб борилади.

23. Махсус комиссия бўлимлар ва педагог ходимлардан қўшимча маълумотлар олишга ҳақлидир.

24. Махсус комиссия мажлисида Директор жамғармасидан ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла тўланадиган мукофотлар ва моддий ёрдам кўрсатиш миқдорларини Директор жамғармаси маблағлари доирасида аниқлайди.

25. Педагогик кенгашдан олинган ҳужжатлар жамланмаси асосида базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгиланадиган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари номзоди аниқланади.

26. Меҳнат фаолиятининг рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлиб, ҳисобот даври учун шахсий иш режасидаги юкламаларни тўлиқ бажарган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига базавий тариф ставкаларига нисбатан 40 фоизгача ҳар ойлик устамалар белгиланади. Бунда ажратилган ҳар ойлик устамалар миқдори Директор жамғармасидан ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар учун ажратилган маблағлар миқдоридан ошиб кетмаслиги лозим.

27. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнат фаолиятининг рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш натижалари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг ички ва ташқи мониторингини амалга ошириш бўйича белгиланган тартибда расмийлаштирилади ҳамда талаб этилган жойларга тақдим қилиш учун ўрнатилган тартибда 5 йил мобайнида сақланади.

VI. Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг юқори ва ҳудудий бошқарув органларининг вазифа ва ваколатлари

28. Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг юқори ва ҳудудий бошқарув органлари вазифалари:

Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фоизлардаги миқдори Давлат бюджети қабул қилингандан кейин, таълим муассасаси харажатларининг белгиланган ҳажмини улар эътиборига етказиш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таъ-

лим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Молия вазирлигининг қўшма хати билан барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, вазирликлар (идоралар) ва молия органларига етказди;

бюджетдан молиялаштириладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари таъминотига харажатларнинг йиллик сметаларини молия органларида рўйхатдан ўтказишда тегишли молия органига белгиланган тартибда ҳар бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси бўйича ушбу харажатларга фоиз нисбатида белгиланган миқдордан келиб чиқиб ҳисобланган Директор жамғармаси маблағларини ажратиш кўрсатган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари йиллик ҳажмини тақдим этади;

тизимдаги ҳар бир таълим муассасасида Директор жамғармасининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси тўғрисида»ги Низом талабларига мос келишини таъминлайди.

29. Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг юқори ва ҳудудий бошқарув органлари ваколатлари:

барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг касб маҳорати ва самарадорлиги кўрсаткичлари, маънавий-маърифий, тарбиявий ва дарсдан ташқари ишлар самарадорлигини аниқлашда ягона ёндашувга риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

жорий ўқув йили давомида ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг педагогик фаолияти самарадорлиги ва юқори натижалари ташқи мониторингини амалга оширади;

Махсус комиссия қароридан норози бўлган ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг эътирозларини кўриб чиқади ҳамда тегишли қарор қабул қилади. Одатда, Махсус комиссия қароридан норози бўлган ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун муддатда ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармасига ариза билан мурожаат этиши кўзда тутилади.

VII. Директор жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қилиш тартиби ва бунинг учун мансабдор шахслар масъулияти

30. Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқарув органлари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги буйруқларини текширишни қуйидаги мақсадларда амалга оширади:

ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар ажратиш миқдорининг тўғрилигини (педагогик юкломани ҳисобга олган ҳолда белгиланган тегишли базавий тариф ставкаларига нисбатан белгиланган фоиз миқдорининг мувофиқлиги) аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси тўғрисида»ги Низомнинг 14-бандига мувофиқ, базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгиланган ўқитувчилар ва ишлаб

чиқариш таълими усталари сони бир вақтнинг ўзида улар умумий сонининг 50 фоизидан ортиб кетмаслигини назорат қилиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари харажатлар сметасида ўтган чоракларда фойдаланилмаган қолдиқ маблағларни жорий чоракда ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарига белгиланган ҳар ойлик устама, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига

бериладиган бир йўла мукофот ва моддий ёрдамларни молиялаштириш учун йўналтиришни таъминлаш.

31. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги буйруғи ўрнатилган тартибларга мувофиқ келмаслиги аниқланган ҳолларда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқарув органларининг тегишли ходимлари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорлари билан тушунтириш ишларини олиб боради ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатади.

32. Махсус комиссия, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбарлари ва бош ҳисобчилари Директор жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланиши, шунингдек, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар, ходимларга бир йўла мукофотлар ва моддий ёрдамлар миқдорининг тўғри йўналтирилиши учун жавобгар ҳисобланадилар.

33. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари Директор жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланишини ўрнатилган тартибда текширишни амалга оширади.

VIII. Яқуний қоидалар

34. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 11 август*

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ҳузуридаги алоҳида ўртак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг фаолияти самарадорлигини ҳисоблаш мезонлари

№	Баҳоланадиган фаолият ва кўрсаткичлар	Баллар
I. Ўқув ишлари		
1.	Гуруҳ ўқувчиларининг дарслардаги ўртача давомати: 91 — 100 % 86 — 90 %	25 10

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

№	Баҳоланадиган фаолият ва кўрсаткичлар	Баллар
2.	Семестр ёки ўқув йили натижалари бўйича тасдиқланган ўқув режаси асосида улар томонидан олиб борилган фан (фанлар) бўйича гуруҳдаги ўқувчилар (фанлар ва гуруҳлар қуръа ташлаш орқали танланади)ни қамраб олиш 85 фоиздан кам бўлмаган ҳолда уларнинг билим, малака, кўникма (БМК)лари ва таълим тайёргарлиги даражаси амалдаги услуб (ёзма иш, тестлаш ва ҳ. к.)лар асосидаги синовларда кўрсатилган билим даражаси: 86 — 100 % 71 — 85 % 55 — 70 %	25 15 10
3.	Ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ўқитаётган фан (амалиёт машғулоти)дан ўқувчилар кўрсатган билимининг ўсиш даражаси (бошланғич назорат ёки ўтган семестр якунига нисбатан): 20 фоизгача 10 фоизгача	100 50
4.	Янги педагогик технологияларни татбиқ этган ҳолда намунали «Очиқ дарс»лар ташкил этиш (ҳар бири учун)	5
5.	Ўқув амалиёти машғулоти учун ўқув дастури талабига мос ҳолда инструктор-технологик хариталар яратиш, уларни Илмий-педагогик кенгаш муҳокамасидан ўтказиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш (ҳар 6 соатлик машғулоти учун)	3
6.	Ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг оммалаштирилган ҳар бир ўқув-услубий, маънавий-маърифий ишлари (асосланган ҳужжатлар асосида): республика миқёсида вилоят миқёсида турдош таълим муассасалари ўртасида	20 10 5
7.	Умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун янги педагогик технологияларни татбиқ этган ҳолда касбга йўналтирувчи қизиқарли дарс (машғулоти)лар ташкил этиш (ҳар бири учун)	5
II. Илмий-услубий ишлар		
8.	Чоп этилган дарслик (1 босма тобоғи учун): якка муаллифлик ҳаммуаллифлик	40 20
9.	Чоп этилган ўқув қўлланма (1 босма тобоғи учун): якка муаллифлик ҳаммуаллифлик	30 15
10.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Ахборот-ресурс марказига топширилган электрон дарслик ёки ўқитиш мультимедия ишланмаларини тайёрлаш (1 мега-байт ёки 1 босма тобоғи учун)	20
11.	Чоп этилган услубий ишланма (1 босма тобоғи учун): якка муаллифлик ҳаммуаллифлик	10 6
12.	Тасдиқланган намунавий ўқув дастури: якка муаллифлик ҳаммуаллифлик	12 6
13.	Фан бўйича таълим муассасаси тасдиқлаган ишчи дастур: якка муаллифлик ҳаммуаллифлик	6 3
14.	Ўқув адабиётларига масъул муҳаррирлик қилиш (1 босма тобоғи учун): дарслик ўқув қўлланма Ўқув адабиётларига тақриз бериш (1 босма тобоғи учун): дарслик ўқув қўлланма	4 3 2 1

№	Баҳоланадиган фаолият ва кўрсаткичлар	Баллар
15.	Фандан мустақил иш топшириғи ва уни ташкиллаштириш бўйича услубий ишланма: якка муаллифлик ҳаммуаллифлик	10 5
16.	Битирувчиларнинг якуний давлат аттестациясини ташкил этиш бўйича услубий ишланма: якка муаллифлик ҳаммуаллифлик	6 3
17.	Хориждаги малака ошириш тажрибаларини таълим муассасасига жорий этганлиги (ҳар бир услубий йўналиш ёки педагогик технология учун)	6
III. Илмий-тадқиқот ишлари		
18.	Фан номзоди (доктори) илмий даражаси учун диссертация иши ҳимоя қилганлиги учун	20 (40)
19.	Чоп этилган илмий мақолаларнинг ҳар бири учун хорижда республикада	20 10
20.	Конференция ва семинарлардаги маъруза ёки концертлар учун (ҳар бирига): халқаро миқёсда республика (консерватория) миқёсида вилоят миқёсида таълим муассасаси миқёсида	20 10 5 3
21.	Диссертация ёки концертга тақриз ёзиш	6
	Илмий иш олиб бораётганлиги: аспирантура тадқиқотчи	20 10
22.	Ихтиро учун (1 та гувоҳномага): давлат патенти дастлабки патент	10 5
23.	Таълим муассасасида амалий машғулот ёки лаборатория учун яратилган янги жиҳоз учун	20
IV. Услубий ишлар		
24.	Мавжуд жиҳозлар асосида амалий-лаборатория машғулотларида фойдаланиш учун яратилиб, 100 нусxada чоп этилган битта услубий ишланма	30
25.	Тасдиқланган битта янги лаборатория, амалий машғулот, ўқув амалиёти ишланмаси: Худудий бошқарма томонидан: якка муаллифлик ҳаммуаллифлик Таълим муассасаси Илмий-педагогик кенгаши томонидан: якка муаллифлик ҳаммуаллифлик	20 10 10 5
26.	Хорижий лойиҳалар асосида олинган жиҳозлардан ўқув жараёнида фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида амалий-лаборатория машғулотларини бажариш бўйича битта услубий ишланма	10
27.	Ишлаб чиқариш амалиёти учун ўқув қўлланма (1 босма тобоғи учун): якка муаллифлик ҳаммуаллифлик	10 5
28.	Ўқув амалиёти учун услубий қўлланма (1 босма тобоғи учун): якка муаллифлик ҳаммуаллифлик	20 10
29.	«Энг иқтидорли ўқувчи» республика кўрик-танловига ўқувчи-шогирд тайёрлаш (битта ўқувчига): республика миқёсида	20

№	Баҳоланадиган фаолият ва кўрсаткичлар	Баллар
	вилоят миқёсида	10
	таълим муассасаси миқёсида	5
30.	Фан олимпиадалари ва кўрик-танлов ғолибларини тайёрлаш (бир нафар ғолибга):	
	халқаро миқёсда	40
	республика миқёсида	30
	вилоят миқёсида	20
	таълим муассасаси миқёсида	10
31.	Амалий ишлар кўргазмаларида совриндор ўринларни эгаллаган ўқувчини тайёрлаганлиги учун:	
	халқаро миқёсда	40
	республика миқёсида	30
	вилоят миқёсида	20
	таълим муассасаси миқёсида	10
32.	Спорт ўйинларига ғолиб ўқувчини тайёрлаганлиги учун (ҳар бир ўқувчи учун):	
	халқаро миқёсда	20
	республика миқёсида	15
	вилоят миқёсида	10
	таълим муассасаси миқёсида	5
V. Маънавий-маърифий ишлар		
33.	Таълим муассасасидаги гуруҳлар танловида эгалланган:	
	1-ўрин	10
	2-ўрин	5
	3-ўрин	3
34.	Семестр ва йил якунлари бўйича гуруҳдаги ўртача ўзлаштириш даражаси:	
	86 — 100 %,	20
	71 — 85 %,	10
	55 — 70 %	5
35.	Маънавий-маърифий йўналишдаги кўрик-танловларда гуруҳ ўқувчисининг совриндор бўлганлиги (ҳар бир ўқувчи учун):	
	республика миқёсида	30
	вилоят миқёсида	20
	таълим муассасаси миқёсида	5
VI. Ташкилий ишлар		
36.	Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълим муассасасига қамраб олиш жараёнидаги фаоллик ва бу борадаги амалий натижалар	20 баллгача
37.	Ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишда таълим муассасаси билан корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасида ҳамкорлик шартномалари ўрнатиш жараёнидаги бевосита фаоллик ва бу борадаги амалий натижалар	20 баллгача
38.	Таълим муассасасини ободонлаштириш борасидаги бевосита иштироки	10 баллгача
39.	Таълим муассасаси битирувчиларини ишга жойлаштириш жараёнидаги бевосита фаоллик ва бу борадаги амалий натижалар	20 баллгача
VII. Хато ва камчиликлар		
40.	Меҳнат интизомини узрсиз сабаблар билан бузганлиги учун:	
	дарсга келмаслик,	25
	дарсга кечикиб келиш,	10
	дарсни муддатидан олдин тугатиш,	10
	сабабсиз дарсни ташлаб чиқиб кетиш	5
41.	Таълим муассасасининг ички тартиб қоидаларига мувофиқ ўтказиладиган тадбирларда узрсиз сабаблар билан қатнашмаслик:	
	таълим муассасасида,	5

№	Баҳоланадиган фаолият ва кўрсаткичлар	Баллар
	Ўқувчилар уйида, туман миқёсида, шаҳар миқёсида	5 5 10
42.	Ўқитувчи ўтган дарсларида ўқувчилар давоматининг мунтазам пастлиги учун 71 — 85%, 55 — 70%, 55% дан паст	5 10 40
43.	Давлат тест маркази ўтказган синовларда ўқитувчининг билим даражаси 55%дан пастлиги	20
44.	Давлат тест маркази синовларида масъул гуруҳи ўқувчиларининг ўртача билим даражаси 55%дан пастлиги	40
45.	Гуруҳ ўқувчиларининг ўқитиладиган фандан ўртача ўзлаштириш даражасини 55%дан пастлиги	20
46.	Машғулот журналларини юритишдаги хато, камчиликлар учун: машғулотлар журнали ёзувларига ўзгартириш киритилганлиги; машғулот журналларини юритилишини назорат қилинмаганлиги (таълим муассасаси раҳбар ходимлари учун); жорий, оралиқ ва якуний назорат натижаларини ўз вақтида қайд этилмаганлиги; ўқувчилар давоматини доимий равишда қайд этмаганлиги; уй вазибаларини журналда акс эттирмаганлиги; шаклларни белгиланган муддат ва ўрнатилган тартибда тўлдирмаслик; ўқувчилар билимини тизимли равишда баҳоламаслик; журналда ёзилган мавзуларни тақвим-мавзу режага мос эмаслиги.	20 20 20 15 10 10 10 10

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

352 **Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқи-
тувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини
аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бе-
риш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
29 августда 1847-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 8 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 30 июлдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–929-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 165-сонли қарорларига асосан, **қарор қилинади:**

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кирган кундан эътиборан қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 24 мартдаги 05/ҚҚ, 01-77 ва 01/1185-сон қарори билан тасдиқланган «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари аттестацияси тўғрисида»ги Низом (2005 йил 28 март, рўйхат рақами 1462 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 12-13-сон, 97-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йил 26 сентябрдаги 34/ҚБ, 01-293 ва 11/3008-сон қарори билан тасдиқланган «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор (2006 йил 3 октябрь, рўйхат рақами 1462-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 402-модда).

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кундан сўнг кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ҲАИТОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 август,
38-сон

**Ўрта махсус, касб-ҳунар
таълими маркази директори**

З. САТТОРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 август,
35/ҚҚ-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори**

Б. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 август,
01-276-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя
қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-
ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳка-
маси ҳузуридаги Давлат тест марказининг
2008 йил 25 августдаги 38, 35/ҚҚ,
01-276-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари
ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини
аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари
бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 30 июлдаги ПҚ-929-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва тўлов тизимини мукамаллаштиришнинг чоралари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 31-32-сон, 296-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 31-32-сон, 303-модда) мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари (тренер-ўқитувчилар)ни (бун-

дан кейинги ўринларда педагог ходимлар деб юритилади) аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифаларини бериш тартибини белгилайди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директор ўринбосарини аттестациядан ўтказиш мазкур Низом талаблари асосида ўтказилади.

I. Умумий қоидалар

1. Аттестация мақсадлари:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимларининг салоҳияти, маълумоти, иш тажрибаси, билим даражаси, педагогик маҳорати, ишга бўлган муносабатининг эгаллаб турган лавозими ҳамда тоифа тавсифи талабларига мослигини аниқлаш;

ўқитувчиларни лавозимга тайинлаш (лавозимини кўтариш ёки пасайтириш) ва ишлаб чиқариш таълими усталари (тренер-ўқитувчилари)га малака тоифаларини бериш (пасайтириш) тўғрисида асосланган қарор қабул қилиш.

Аттестация:

педагог ходимларни касбий малакаларини, билим даражалари ва кўникмаларини узлуксиз ошириб боришларини рағбатлантиришга;

касбий малака, билимлар даражаси ва педагогик кўникмаларнинг ўсишига мос ҳолда иш ҳақи миқдорини ошириш имкониятларини амалга оширишга;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари мустақиллигини оширишга, педагог ходимлар меҳнатини баҳолашда директор, директор ўринбосари ва педагог жамоа ҳуқуқларини кенгайтиришга йўналтирилган.

2. Аттестациянинг асосий принциплари қуйидагилар:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимлари аттестация ўтказилишининг мажбурийлиги ва доимийлиги;

педагог ходимларнинг касбий малакаси, билим даражаси ва педагогик кўникмаларига баҳо беришнинг ошкоралиги, коллегиялиги ва объективлиги.

3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимлари бош, етакчи, катта ўқитувчи лавозимларига, ишлаб чиқариш таълими усталари — биринчи ва иккинчи малака тоифаларига, тренер-ўқитувчилар — олий, биринчи ва иккинчи малака тоифаларига даъвогарлик қилишлари мумкин.

4. Педагог ходимнинг лавозими, малака тоифаси кўтарилишининг асосий шарти бўлиб, унинг педагог ходимлар малакасини ошириш институти (маркази)да ўз малакасини ошириши ҳисобланади.

5. Педагог ходимларга тегишли лавозим ва касбий малака тоифалар 3 йил муддатга берилиб, муддат тугагандан сўнг, ходим ўз лавозими ёки касбий малака тоифасини тасдиқлаши шарт.

6. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ходимларига қўйиладиган малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази (бундан кейинги ўринларда ЎМКХТМ деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан кейинги ўринларда ДТМ деб юритилади) томонидан белгиланган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари ҳамда ушбу Низом асосида аниқланади.

7. Аттестация ҳар 3 йилда бир марта ўтказилади.

Аттестациянинг ўтказилиш муддатлари аттестациядан ўтувчи педагог ходим-

ларга тегишли таълим муассасаси раҳбарияти томонидан аттестация ўтказилишидан бир ой олдин маълум қилинади.

8. Педагог ходимларнинг хоҳишига ва ёзма аризасига кўра ёки ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаларининг ташаббуси билан улар навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилиши мумкин.

Педагог ходимларнинг навбатдан ташқари аттестацияси аввал ўтказилган аттестациядан камида бир йилдан сўнг ўтказилиши мумкин.

9. Янги ишга қабул қилинган ходим камида бир йилдан кейин аттестациядан ўтказилади.

Узоқ вақт (бир ойдан ортиқ) даволанаётган ходимлар; хомиладорлик таътилидаги, уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш таътилидаги аёллар — ишга чиққанларидан сўнг камида бир йилдан кейин аттестациядан ўтказилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида ўриндошлик (соатбай) асосида меҳнат қилаётган педагог ходимлар аттестациядан ўтказилмайди.

10. ЎМКХТМ ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда тасарруфида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идоралар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ходимлари аттестацияси жараёнини ташкил этишни таъминлайди.

Аттестация жараёнларини мувофиқлаштириш, назорат қилиш, аттестация комиссиялари иши натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш ДТМ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 289-модда) мувофиқ амалга оширилади.

II. Педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш тартиби

11. Педагог ходимларнинг аттестацияси ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларида ташкил этилган аттестация комиссияси (бундан кейинги ўринларда аттестация комиссияси) томонидан амалга оширилади.

12. Аттестация комиссияси таркиби ЎМКХТМ ва ДТМ, шунингдек тасарруфида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари мавжуд вазирликлар ва идораларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Аттестация комиссияси аъзолари таркибининг сони етти ёки тўққиз кишидан иборат бўлиши лозим.

13. Аттестация комиссияси таркибига ўрта махсус касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси раҳбари (комиссия раиси), ДТМ вакили (комиссия раисининг ўринбосари), ҳокимият, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бошқармаси, таълим соҳасидаги касба уюшмалари вакиллари, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги тажрибали педагоглардан камида икки нафар экспертлар киради.

Аттестация комиссияси йиғилишида тегишли ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директори маслаҳат овози билан қатнашади.

14. Аттестация комиссиясининг вазифаларига куйидагилар киради:

ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида ташкил қилинадиган эксперт гуруҳи (бундан кейин эксперт гуруҳи деб юритилади) фаолиятини назорат қилиш; даврий равишда педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш;

катта ўқитувчи, етакчи ўқитувчи, бош ўқитувчи лавозимида, биринчи ва иккинчи тоифали ишлаб чиқариш таълими устаси малака тоифасига, тренер-ўқитув-

чиларни олий, биринчи ва иккинчи малака тоифасига даъво қилаётган педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш;

эксперт гуруҳи ҳисоботларини тўплаш ва таҳлил қилиш;

аттестация комиссияси фаолияти бўйича ҳисоботлар тайёрлаш ҳамда уларни ДТМ ва ЎМКХТМга тақдим этиб бориш.

15. Педагог ходимларнинг аттестацияси икки босқичда ўтказилади:

биринчи босқичда — эксперт гуруҳи томонидан ходимнинг амалий иш фаолияти ўрганиб чиқиши асосида педагог ходимни тегишли лавозимга тайинлаш ёки унга малака тоифасини бериш (сақлаш, пасайтириш) тўғрисида хулоса ва тавсиянома киритилади;

иккинчи босқичда — эксперт комиссияси хулосаси ва тавсияномаси ҳамда педагог ходим билан ўтказилган суҳбат натижасига кўра тегишли аттестация комиссияси томонидан педагог ходимни лавозимга тайинлаш ёки унга тоифа бериш (сақлаш, пасайтириш) тўғрисида қарор қабул қилинади.

Биринчи ва иккинчи босқичлар ўртасидаги вақт бир ойдан ошмаслиги лозим.

16. Эксперт гуруҳи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида директор ўринбосарлари, тажрибали педагоглар, ишлаб чиқариш таълими усталаридан ташкил этилади ва таркибига ҳудудий бошқарув органи вакили киритилади ҳамда таълим муассасаси директори буйруғи билан тасдиқланади.

17. Эксперт гуруҳининг вазифаларига қуйидагилар киради:

педагог ходимнинг касбий фаолиятини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш;

педагог ходим томонидан олиб борилаётган ўқув-тарбиявий ишлар сифатига объектив баҳо бериш;

педагог ходимнинг эгаллаб турган лавозими ва тоифасига мослигини аниқлаш;

педагог ходимни тегишли лавозимга тайинлаш ва малака тоифалари бериш ҳақида хулоса ва тавсияномалар тайёрлаш.

18. Эксперт гуруҳи педагог ходимларнинг иш фаолиятини ўрганиб чиқиш якуналари бўйича қуйидаги хулоса ва тавсияларни чиқаради:

лавозими, малака тоифаси оширилсин;

мавжуд лавозими, малака тоифаси сақлаб қолинсин;

мавжуд лавозими, малака тоифаси пасайтирилсин.

19. Эксперт гуруҳининг хулосаси ва тавсиялари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг илмий-педагогик кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда аттестация комиссиясига киритилади.

20. Педагог ходимларнинг аттестацияси қуйидаги тартибда ўтказилади:

педагог ходимнинг эгаллаб турган лавозими ва малака тоифаси бўйича малака тавсифномаларига мослиги ўрганилади;

малака синовлари (тестлар, ёзма ва ижодий ишлар) ёрдамида аттестациядан ўтувчи ходимнинг мутахассислиги бўйича билим даражаси, касбий малакаси ва педагогик кўникмалари аниқланади;

педагог ходимнинг ўқув-методик, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлари ўрганилади ва таҳлил қилинади;

педагог ходим билан суҳбат ўтказилади.

21. Суҳбат жараёнида ўтказилган савол ва жавоблар белгиланган тартибда аттестация комиссияси котиби томонидан баённома тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Аттестация комиссияси йиғилишида комиссия котиби томонидан мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган аттестация варақаси тўлдирилади.

22. Аттестация комиссияси томонидан тегишли қарор чиқарилишида барча ҳужжатлар, жумладан, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг илмий-педагогик кенгашида тасдиқланган эксперт гуруҳининг ҳулосаси ва тавсияномаси ҳамда малака синовлари натижалари ўрганиб чиқилади ва улар асосида овоз бериш йўли билан тегишли қарор қабул қилинади.

Бунда аттестациядан ўтаётган педагог ходим шахсан иштирок этмайди.

23. Аттестация комиссияси аттестация натижаларини эълон қилгандан сўнг уч иш куни ичида ЎМКХТМ ва ДТМга электрон почта (ёки факс орқали) белгиланган тартибда аттестация якунлари бўйича ҳисоботларни топширишлари шарт.

24. Аттестация комиссияси раиси, аъзолари ёки эксперт гуруҳи томонидан тақдим этилган нотўғри ёки ноаниқ маълумотлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.

25. Аттестация комиссияси мажлиси унда иштирок этувчиларнинг учдан икки қисми иштирок этганда ҳақиқий ҳисобланади.

26. Аттестация комиссияси аъзоси бўлган педагог ходимни аттестациядан ўтказишда, у овоз беришда иштирок этмайди.

27. Аттестация комиссияси қўйидаги ҳулосалардан бирини чиқаради:

«аттестациядан ўтди — тегишли лавозим ва малака тоифасига лойиқ»;

«аттестациядан ўтмади — эгаллаб турган лавозимига, малака тоифасига нолойиқ» .

28. Аттестация комиссияси қарори билан ходим «аттестациядан ўтмади — эгаллаб турган лавозимига (малака тоифасига) нолойиқ» деб топилса, унинг лавозими ёки тоифаси пасайтирилади.

29. Аттестациядан ўтказилаётган педагог ходим узрли сабабларга кўра аттестация йиғилишида иштирок этмаса унинг аттестацияси бошқа қўрага кўчирилади.

Агар аттестациядан ўтказилаётган педагог ходим аттестацияда узрсиз сабабларга кўра иштирок этмаса бу ходим аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланади.

30. Аттестация комиссияси қарори раис ва котиб имзолайдиган баённома билан расмийлаштирилади. Баённома тўрт нусхада тузилади ва аттестация комиссияси, ДТМда, ЎМКХТМда ва таълим муассасасида сақланади.

31. Аттестация комиссияси қарори аттестация варақасига киритилади ва раис, раис ўринбосари, котиб, ҳамда овоз беришда иштирок этган аттестация комиссияси аъзолари томонидан имзоланади. Расмийлаштирилган аттестация варақаси педагог ходимнинг шахсий ҳужжатлари жилдида сақланади.

32. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси раҳбари аттестация комиссияси қарори асосида бир ой муддатда тегишли буйруқ чиқаради.

Лавозимлар ва малака тоифалари аттестация комиссияси томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб берилади.

33. Аттестация натижалари бўйича педагог ходимларга, уларга лавозим ёки малака тоифалари берилганлиги (сақлаб қолинганлиги) тўғрисида мазкур Низомнинг 2-иловасида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

Лавозим ёки малака тоифалари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Гувоҳнома бланкалари ДТМ буюртмасига кўра «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босма ҳолатда усулида тайёрланади.

34. ДТМ ва аттестация комиссияси гувоҳномаларнинг ҳисоботи, сақланиши ва мақсадли ишлатилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлар.

III. Педагог ходимларни лавозимга тайинлаш ва уларга малака тоифаларини бериш

35. Педагог ходимларнинг лавозимлари ва малака тоифалари аттестация комиссияси қарори асосида белгиланади.

36. Аттестация давомида педагог ходимларнинг ўз лавозими ёки малака тоифасига лойиқлигини баҳолаш қуйидаги кўрсаткич ва мезонлар асосида амалга оширилади:

а) бош ўқитувчи лавозимини беришда:

педагог ходимнинг малакаси қуйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади:

педагогика фани ва амалиётидаги янги ютуқларни, билимларни ушбу йўналиши соҳаларини юқори даражада ўзлаштирганлиги;

амалий вазифаларни ижодий ҳал қилиши;

педагог ходимнинг касбий етуқлиги (профессионализм) қуйидагилар билан аниқланади:

таълим ва тарбия беришнинг усуллари, воситалари ва шакллари мақбул равишда танлаш ёки оммалаштиришга тавсия қилиниши мумкин бўлган педагогик технологиялар ва уларнинг элементларини синовдан ўтказиш ва муваффақиятли қўллаш кўникмаси;

ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини амалга оширишга шароитлар яратиши;

амалий фаолиятида таълимнинг тадқиқот ва тажриба-синов методларини, педагогик жараёни бошқариш ва истиқболини белгилаш усулларини, ўқувчиларнинг мустақил таълимини режалаштириш ва ташкиллаштириш усулларини қўллаши;

педагог ходимнинг самаралиги:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри таълим тизимида ўз йўналиши бўйича ўқувчиларни юқори даражада тайёрлашни таъминлаш;

педагог ходимнинг касбий тажрибаси:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида етакчи ўқитувчи лавозимида, ёки олий таълим муассасасида катта ўқитувчи лавозимида уч йилдан кам бўлмаган иш стажи (агар даъвогар илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлса, унинг етакчи ўқитувчи лавозимидаги амалий иш тажрибаси талаб этилмайди) орқали аниқланади;

педагог ходимнинг таълим олганлик даражаси:

олий маълумот;

б) етакчи ўқитувчи лавозимини беришда:

педагог ходимнинг малакаси қуйидаги соҳалардаги стандартлар талабларидан юқори бўлган билимлар ва кўникмаларни баҳолаш кўрсаткичлари билан белгиланади:

таълим жараёни, замонавий психологик-педагогик ташхис усулларини индивидуаллаштириш технологияси;

ўқитиладиган фан мазмунининг базавий компонентини эгаллаганликнинг юқори даражаси, турдош фанлар бўйича билимлар;

дарсни турли даражаларда олиб боришга имкон берувчи назарий билимлар;

педагог ходимнинг касбий етуқлиги қуйидагилар билан аниқланади:

ўқув-тарбия жараёнининг шакл ва методларини, мазмунини танлашда ўқувчиларнинг психологик хусусиятини ҳисобга олиш кўникмаси;

мойилликлари, қобилиятлари, қизиқишлари ва соғломлик ҳолатларининг ривожланиши турли даражада бўлган ўқувчилар билан педагогик вазифаларни ҳал қилиш қобилияти;

амалий фаолиятида замонавий педагогик технологияларни, шахснинг педаго-

гик ривожланиш технологияси элементларини, фан бўйича илмий-услубий ишларнинг тахлили услубларини қўллаш қобилияти;

педагог ходимнинг салоҳияти:

илмий-услубий ишларнинг юқори даражаси (илмий нашрлар, тахлилий ва услубий материаллар тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш);

ўқувчиларни таълим йўналиши бўйича туман, шаҳар таълим тизимида юқори даражада ҳисобланган тайёрланишни таъминлаш орқали белгиланади;

педагог ходимнинг касбий тажрибаси:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ёки олий таълим муассасаларидаги катта ўқитувчи лавозимида 3 йилдан кам бўлмаган иш стаж;

педагог ходимнинг таълим олганлик даражаси:

олий маълумот;

в) катта ўқитувчи лавозимини ўрнатишда:

педагог ходимнинг малакаси қуйидаги соҳалардаги стандартлар талабларидан юқори бўлган билимлар ва қўникмаларни баҳолаш кўрсаткичлари билан белгиланади:

педагогика, психология ва ёш физиологияси назарияси асослари;

ўқитилаётган фаннинг базавий қисмлари мазмуни;

ўқитиш ва тарбиялаш методикалари;

педагог ходимнинг касбий етуклиги қуйидагилар билан аниқланади:

таълим жараёнида қулай муҳит ярата олиш маҳорати, амалий фаолиятда таълим жараёнининг вариативлигини таъминлайдиган усуллар, услублар ва ўқитиш воситаларининг кенг йиғмасини қўллаш маҳорати билан;

педагогик диагностикани асосий услуб ва воситаларини, ўқувчилар контингентини дифференциация қилишнинг асосий шакллари қўлланилиши билан;

ўқувчиларнинг билиш ва коммуникатив маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий услублари билан;

педагог ходимнинг салоҳияти:

педагог ходим бевосита мулоқотда бўлувчи ўқувчилар контингентини сақлашга ёрдам берувчи амалий иши;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларига мос келган ва таълим муассасасида юқори ҳисобланган ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини таъминлаш билан белгиланади;

педагог ходимнинг касбий тажрибаси:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси орқали аниқланади;

педагог ходимнинг таълим олганлик даражаси:

олий (магистр даражасига эга бўлган шахслар катта ўқитувчи лавозимига иш тажрибасига бўлган талабларсиз қабул қилинади) маълумот;

г) олий маълумотли ўқитувчи лавозимини ўрнатишда:

педагог ходимнинг малакаси қуйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади:

давлат таълим стандартига мос келадиган даражада педагогика, психология ва ёш физиологияси назарияси асосларини билиш;

ўқитилаётган фаннинг асосий қисмларининг мазмуни, ўқитиш ва тарбия бериш услубларини билиш;

педагог ходимнинг касбий етуклиги қуйидагилар билан аниқланади:

педагогик ташхиснинг асосий услуб ва воситаларини қўллаш олиш;

ўқитиш методлари, усуллари ва воситаларининг кенг мажмуасини қўллашни билиш;

педагог ходимнинг салоҳияти:

ўқитилаётган фани бўйича ўқувчиларни давлат таълим стандартларига мос ҳолда тайёрлаш даражасини таъминлаш;

педагог ходимнинг таълим олганлик даражаси:

ўқитаётган йўналиши бўйича олий маълумот.

д) ўрта махсус касбий маълумотга эга бўлган ходимларни ўқитувчи лавозимига қўйишда:

педагог ходимнинг малакаси қўйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади:

Давлат таълим стандартларига мос келадиган даражада педагогика назарияси, психология ва ёш физиологияси асосларини билиши;

ўқитиладиган фаннинг таянч компонентининг мазмунини ва таълим-тарбия методикаларини билиши;

педагог ходимнинг касбий етуклиги қўйидагилар билан аниқланади:

педагогик ташхиснинг асосий методлари ва воситаларини қўллаш кўникмаси;

ўқитиш методлари, усуллари ва воситаларининг кенг мажмуасини қўллашни билиш;

педагог ходимнинг салоҳияти:

ўқитилаётган фани бўйича ўқувчиларни давлат таълим стандартларига мос ҳолда тайёрлаш даражасини таъминлаш;

педагог ходимнинг касбий тажрибаси:

икки йиллик педагогик иш стажига билан аниқланади;

педагог ходимнинг таълим олганлик даражаси:

ўқитиладиган фани йўналиши бўйича ўрта махсус касбий маълумот.

е) ўқув-ишлаб чиқариш таълими устасига биринчи малака тоифасини беришда:

педагог ходимнинг малакаси қўйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади:

берилган йўналиш бўйича амалий таълим базавий компоненти мазмунини юқори даражада билиши;

давлат таълим стандартларига мос келадиган даражада педагогика назарияси, психология ва ёш физиологияси асосларини билиши;

педагог ходимнинг касбий етуклиги қўйидагилар билан аниқланади:

амалий таълимнинг методлари, усуллари ва воситаларининг кенг мажмуасини қўллашни билиш;

педагог ходимнинг салоҳияти:

таълим олувчиларнинг ушбу таълим муассасасида юқори даражада деб кўриб чиқилган амалий тайёргарлик даражасини таъминлаш билан аниқланади;

педагог ходимнинг касбий тажрибаси:

ишлаб чиқариш таълими устаси лавозимида уч йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши билан аниқланади (олий маълумотга эга шахслар учун ишлаб чиқариш таълими устаси лавозимида иш стажига талаб қилинмайди);

педагог ходимнинг таълим олганлик даражаси:

ўқитиладиган амалий фани йўналиши бўйича ўрта махсус касбий маълумот;

ж) ишлаб чиқариш таълими устасига иккинчи малака тоифасини бериш:

педагог ходимнинг малакаси қўйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади:

берилган йўналиш бўйича амалий таълим базавий компонентининг мазмунини билиши;

педагог ходимнинг касбий етуклиги қўйидагилар билан аниқланади:

амалий таълимнинг услуб ва воситаларини қўллашни билиши;

Давлат таълим стандартлари даражасида ишчи дастурига мувофиқ барча турдаги амалий ишларни бажара олиш кўникмаси;

педагог ходимнинг натижавийлиги:

Давлат таълим стандартлари талабларига мос равишда ўқувчиларни амалий тайёргарлик даражасини таъминлаш орқали аниқланади;

педагог ходимнинг таълим олганлик даражаси:

ўқитаётган йўналиши бўйича ўрта махсус касбий маълумот (баъзи ҳолларда ушбу касбда 3 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали ишчи қабул қилиниши мумкин);

з) спорт коллежи ва олимпия захиралари коллежи тренер-ўқитувчисига олий малака тоифасини беришда:

педагог ходимнинг малакаси қуйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади:

педагогика фани ва амалиётидаги энг янги ютуқларни юқори даражада ўзлаштирганлиги билан;

амалий вазифаларни ижодий ечиш орқали аниқланади;

педагог ходимнинг касбий етуклиги қуйидагилар билан аниқланади:

ўқитиш, тарбиялаш ва машқ ишларида услублар, воситалар ва шаклларни мақбул равишда танлаш, татбиқ қилишга тавсия этиш мумкин бўлган педагогик технологиялар ёки уларнинг элементларини мустақил ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва муваффақиятли қўллаш кўникмаси;

ўқитишнинг тадқиқот ва тажриба-экспериментал усулларини, педагогик ва машқ жараёнини режалаштириш ва истиқболлини белгилашнинг услубларини, ўқувчиларнинг мустақил билим олишини режалаштириш ва ташкил қилиш йўлларини амалий фаолиятга татбиқ этиш;

педагог ходимнинг салоҳияти:

спортчиларни халқаро спорт стандартлари бўйича юқори ҳисобланган даражасини тайёрлаш орқали (халқаро спорт мусобақалари ғолибларини тайёрлаш);

педагогик ва спорт ишларининг инновацион методларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш, тегишли йўналишдаги юқори ютуқлар орқали аниқланади;

педагог ходимнинг касбий тажрибаси:

тренер-ўқитувчи лавозимида 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эгаллиги;

педагог ходимнинг таълим олганлик даражаси:

олий жисмоний тарбия педагогик маълумот;

и) спорт коллежи ва олимпия захиралари коллежининг тренер-ўқитувчисига биринчи малака тоифасини белгилашда:

педагог ходимнинг малакаси қуйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади:

ўқитишни индивидуаллаштириш технологиялари ва спорт-машқ ишларининг замонавий усулларини эгаллаганлигининг юқори даражаси;

педагог ходимнинг касбий етуклиги қуйидагилар билан аниқланади:

ўқитиш, тарбиялаш ва машқ ишларида услублар, воситалар ва шаклларни мақбул равишда танлаш, педагогик технологиялар ёки уларнинг элементларини муваффақиятли қўллаш кўникмаси;

ўқитишнинг тадқиқот ва тажриба-экспериментал усулларини, педагогик ва машқ жараёнини режалаштириш ва истиқболлини белгилашнинг услубларини, ўқувчиларнинг мустақил билим олишини режалаштириш ва ташкил қилиш йўлларини амалий фаолиятга татбиқ этиш.

педагог ходимнинг салоҳияти:

спортчиларни халқаро спорт стандартлари бўйича юқори ҳисобланган даражада тайёрлаш орқали (халқаро спорт мусобақалари ғолибларини тайёрлаш);

педагогик ва спорт ишларининг инновацион методларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш, тегишли йўналишдаги юқори ютуқлар орқали аниқланади;

педагог ходимнинг касбий тажрибаси:

тренер-ўқитувчи лавозимида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эгаллиги;
 педагог ходимнинг таълим олганлик даражаси:
 олий жисмоний тарбия педагогик маълумот;
 й) спорт ва олимпия захиралари коллежи тренер-ўқитувчисига иккинчи касбий тоифа берилишида:
 педагог ходимнинг малакаси қўйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади:
 ўқитишни индивидуаллаштириш технологиялари ва спорт-машқ ишларининг замонавий усулларини эгаллаганлиги билан;
 педагог ходимнинг касбий етуклиги (профессионализм) қўйидагилар билан аниқланади:
 ўқув, тарбия ва спорт-машқ ишларида педагогик технологиялар ва уларнинг элементларини қўллаш кўникмаси;
 педагог ходимнинг салоҳияти:
 спортчиларни миллий спорт стандартлари бўйича юқори ҳисобланган даражада тайёрлаш орқали (миллий спорт мусобақалари иштирокчиларини тайёрлаш);
 педагог ходимнинг касбий тажрибаси:
 тренер-ўқитувчи лавозимида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эгаллиги;
 педагог ходимнинг таълим олганлик даражаси:
 олий жисмоний тарбия педагогик маълумот;
 спорт касб-ҳунар коллежларида иккинчи тоифали тренер-ўқитувчи лавозимига ўрта махсус жисмоний тарбия маълумотига эга бўлган шахслар тайинланишига рухсат берилади.

37. Лавозимга тайинлаш ва малака тоифасини беришда педагог ходимнинг маълумотига қўйиладиган талаблар:

ўрта махсус, олий маълумотли ўқитувчи лавозимларини белгилаш ўрта махсус, умумий олий маълумот тўғрисидаги дипломга ва бакалавр даражасига эга бўлган ходимларга нисбатан амалга оширилади;

магистр даражасига эга бўлган педагог ходимни ишга қабул қилишда унга катта ўқитувчи лавозими ёки иккинчи малака тоифаси берилади. Бу лавозим кейинги аттестациялар натижалари бўйича ўзгартирилиши мумкин;

номзодлик ёки докторлик илмий унвонига эга бўлган педагог ходимга бош ўқитувчи ва етакчи ўқитувчи лавозими ёки биринчи малака тоифаси берилади ва минимал иш стажига бўлган талабларга амал қилмаган ҳолда тайинланади.

IV. Апелляция ўтказиш тартиби

38. Аттестация комиссияси хулосасидан норози бўлган педагог ходимлар аттестация ўтказилган кундан бошлаб ўн кун муддат мобайнида апелляция комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

39. Апелляция комиссияси 3 — 5 кишидан кам бўлмаган ДТМ ходимлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқарув органлари ходимларидан иборат таркибда тузилади ва ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳузурида ташкил қилинади.

Апелляция комиссиясига бошқа муассаса ва ташкилотлар мутахассислари жалб этилиши мумкин. Апелляция иши кўрилатганда апелляция комиссиясининг учдан икки қисми аъзоси иштирок этса ҳақиқий ҳисобланади.

40. Ариза (шикоят) рўйхатга олинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилади. Апелляция комиссияси ариза берувчига унинг аризаси кўриб чиқишидан 5 кун аввал хабар беради.

41. Апелляция комиссияси аттестация комиссияси томонидан қабул қилинган қарорнинг асослиги ёки ариза берувчини қайта аттестациядан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаради.

42. Апелляция комиссиясининг хулосаси баённома билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси ариза берувчига топширилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

_____ (вилоят, шаҳар, туман номи)

_____ (академик лицей ёки касб-ҳунар коллежининг номи)

АТТЕСТАЦИЯ ВАРАҚАСИ

_____ (Аттестациядан ўтаётган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (тоифаси кўрсатилган ҳолда лавозими)

— Туғилган йили, ойи ва куни _____ +
Педагогик иш стажи _____
Эгаллаб турган лавозими бўйича иш стажи _____
жумладан, шу муассасада _____
Маълумоти (қайси таълим муассасасини тамомлаган ва қачон) _____

Олган мутахассислиги ва малакаси _____
Малака оширганлиги ҳақида маълумот _____

Мукофотлари, билимлари, илмий даражаси ва унвонлари _____

Эксперт гуруҳининг мулоҳаза ва хулосаси _____

Эксперт гуруҳи раҳбари _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)

Эксперт гуруҳининг мулоҳаза ва хулосаси билан танишдим _____
(имзо)

«___» _____ 20__ й.

Аттестация комиссияси қарори
«___» _____ 20__ й.

Аттестация комиссияси раиси

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

Аттестация комиссияси раиси
ўринбосари

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

Котиб (а)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

Комиссия аъзолари

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўрта махсус, касб-хунар таълими
муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб
чиқариш таълими усталарини аттестация-
дан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифала-
ри бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Лавозим ёки малака тоифаси бериш ҳақида
Г У В О Х Н О М А**

Рўйхат рақами _____

Ушбу гувоҳнома билан _____

(таълим муассасасининг номи)

аттестация комиссиясининг 20____ йил «____» _____ даги _____ - сонли
қарорига асосан _____

_____га

(фамилияси, исми, отасининг исми)

(лавозими, малакавий тоифаси)

20____ йил «____» _____

Аттестация комиссияси раиси

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

Аттестация комиссияси котиби

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

353 Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
29 августда 1848-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 8 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616 сонли «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 156-модда) асосан **буюраман:**

1. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ҲАЙТОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 30 июль,
27-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2008 йил 30 июлдаги 27-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон
Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари
пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига
расмийлаштириш тартиби тўғрисида
ҚОИДАЛАР**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сонли «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 156-модда) мувофиқ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш тартибини белгилайди.

+

I. Умумий қоидалар

-

1. Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган пенсия ёшига етган, алоҳида уйда, хонадонда, ётоқхонада яшаётган ва фарзандлари (шу жумладан, асраб олинган фарзандлари), эри (хотини) бўлмаган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳомийлик белгиланмаган ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва I ёки II-гурух ногиронлари ҳамда ёшидан қатъи назар, узлуксиз давом этувчи рухий хасталиги оқибатида меҳнатга лаёқатсиз, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган I ёки II-гурух ногиронлари фарзандлари (шу жумладан, асраб олинган фарзандлари), эри (хотини) бўлиши, қонун ҳужжатларига мувофиқ васийлик ёки ҳомийлик белгиланишидан қатъи назар, мазкур Қоидаларнинг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (бундан кейинги ўринларда вазирлик деб юритилади) тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига (бундан кейинги ўринларда тиббий-ижтимоий муассаса деб юритилади) жойлаштирилиши мумкин.

2. Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббий-ижтимоий ва маданий-маиший хизматлар кўрсатилади.

**II. Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни тиббий-
ижтимоий муассасаларга расмийлаштириш ва жойлаштириш
тартиби**

3. Тиббий-ижтимоий муассасаларга қуйидаги тоифадаги ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар жойлаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига:
уруш қатнашчиси, уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилганлар;
ҳалок бўлган жангчиларнинг ёлғиз оила аъзолари;
қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар ҳамда I ва II-гурӯх ногиронлари;
Чернобиль АЭС ҳалокатини баргараф этиш қатнашчиси ва ногиронлари;
терроризмга қарши курашда ҳалок бўлган фуқароларнинг ёлғиз оила аъзолари;

меҳнат фахрийлари;
давлат ва жамият олдида алоҳида хизматлари эвазига давлат мукофотларига сазовор бўлган фуқаролар.

«Саховат» уйларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ёлғиз кексалар, пенсионер ва ўзгалар ёрдамига муҳтож 18 ёш ва ундан юқори бўлган I ва II-гурӯх ногиронлари;

«Мурувват» уйларига узлуксиз давом этувчи руҳий касалликка дучор бўлган, меҳнатга лаёқатсиз, ўзгалар парваришига ва тиббий назоратга муҳтож бўлган, 18 ёшдан ошган I ва II-гурӯх ногиронлари;

Болалар «Мурувват» уйларига ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган, руҳий касал, таълим олиш ва меҳнат қилишга, касб ўрганишга лаёқатсиз 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаликдан ногирон болалар жойлаштирилади.

4. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш учун вазирлик ҳузурида Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш бўйича Махсус комиссия ташкил этилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бош бошқармалар деб юритилади) ҳузурида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни тиббий-ижтимоий муассасаларга расмийлаштириш учун Махсус комиссияга ҳужжатларни тақдим қилиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилади.

Махсус комиссия ҳудудий бош бошқармаларнинг ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириб боради.

6. Мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни тиббий-ижтимоий муассасаларга расмийлаштириш ва жойлаштириш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ҳудудий бош бошқармаларга келиб тушгандан кейин ишчи гуруҳлар ҳужжатларни 10 кун муддатдан кечиктирмасдан Махсус комиссияга тақдим этилишини таъминлайди.

7. Махсус комиссияга тақдим этилган ҳужжатлар Махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилади ва ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар (ёки қариндошлари)нинг истаги, шунингдек тиббий-ижтимоий муассасалардаги бўш ўринлар мавжудлиги инобатга олинган ҳолда Махсус комиссия томонидан мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ тузилган тегишли далолатнома асосида белгиланган тартибда вазирлик буйруғи билан расмийлаштирилади.

8. Расмийлаштирилган ҳужжатлар, Махсус комиссия далолатномаси ва вазирлик буйруғи нусхаси Махсус комиссия томонидан ҳудудий бош бошқармаларга етказилади.

9. Ҳудудий бош бошқармалардаги Ишчи гуруҳлар бир ой муддатда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни доимий қайд этилган яшаш жойидан рўйхат-

дан чиқарилганлик варақаси асосида уларни йўлланма берилган тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштирилишини ташкиллаштиради.

10. Ишчи гуруҳлар ҳар бир буйруқнинг ижроси юзасидан Махсус комиссияга мунтазам равишда ахборот тақдим этиб борадилар.

11. Махсус комиссия томонидан тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш учун расмийлаштирилган ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар рўйхати «Вазирлик тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштирилган ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар тўғрисидаги маълумотлар банки»га (кейинги ўринларда маълумотлар банки деб юритилади) киритилади ва тақдим этилган ҳужжатлар нусхаси Махсус комиссияда сақланади.

12. Ҳудудий бош бошқармалардаги маълумотлар банки тиббий-ижтимоий муассасаларга расмийлаштирилган ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг рўйхатлари бўйича маълумотлар билан мунтазам равишда тўлдириб борилади.

III. Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни бир тиббий-ижтимоий муассасадан бошқасига ўтказиш тартиби

13. Махсус комиссия томонидан ҳар йилнинг I-чорагида болалар «Мурувват» уйлари ва аёллар «Мурувват» уйларининг болалар бўлимида тарбияланиб, вояга етган ногиронларнинг рўйхатлари тузилади. Вояга етган ногиронлар вазирлик буйруғи билан тасдиқланган режа-жадвал асосида катталар «Мурувват» уйларига ўтказилади.

14. Вояга етган ногиронлар вазирлик буйруғида қайд этилган санадан бошлаб бир ой муддат ичида улар тарбияланган «Мурувват» уйлари ҳисобидан транспорт ва тиббий ходим билан таъминланиб, катталар «Мурувват» уйларига ўтказилади.

15. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни вазирлик тизимидаги тиббий-ижтимоий муассасаларнинг биридан бошқасига ўтказиш учун асосли сабаблар (у истиқомат қилаётган ҳудуднинг об-ҳавоси ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг соғлиғига салбий таъсир қилиши тўғрисидаги тиббий хулоса ёки уларнинг қариндошлари бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиб ўтиши ва бошқалар) мавжуд бўлган тақдирда Махсус комиссия тавсиясига мувофиқ қабул қилинган вазирлик буйруғи асосида амалга оширилади.

16. Бир тиббий-ижтимоий муассасадан бошқасига ўтказиш тўғрисида вазирлик буйруғи чиқарилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар аввал истиқомат қилган тиббий-ижтимоий муассаса ҳисобидан транспорт ва тиббий ходим билан таъминланиб, тегишли тиббий-ижтимоий муассасага ўтказилади.

17. Бир тиббий-ижтимоий муассасадан бошқасига ўтказилган ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар тиббий-ижтимоий муассаса манзилидан рўйхатдан чиқарилган паспорти (ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат), тиббий-ижтимоий муассасага жойлаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа тегишли ҳужжатлари ҳамда шахсий кийим-кечаги билан ўтказилади.

IV. Яқуний қоидалар

18. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 30 июль*

Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидаларга
1-ИЛОВА

Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш бўйича талаб қилинадиган ҳужжатларнинг РЎЙХАТИ

1. «Саховат» уйига расмийлаштириладиган ёлғиз кекса, пенсионер ва I ва II-гурӯх ногиронининг ўзининг турар манзилидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи номига уни «Саховат» уйига расмийлаштиришни сўраб ёзган аризаси;

«Мурувват» уйларига расмийлаштириладиган 14 ёшгача бўлган ногирон болалар учун ота-оналари томонидан фарзандини болалар «Мурувват» уйига расмийлаштиришни сўраб ёзган аризаси;

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган руҳий касалликдан ногиронлар учун давлатнинг ваколатли идораси (васийлик ёки ҳомийлик тайинловчи орган) томонидан тайинланган ҳомий ёки васий томонидан ёзилган ариза, ногирон томонидан ёзилган ариза;

18 ёшдан юқори бўлган руҳий касалликдан I ва II-гурӯх ногиронлари учун давлатнинг ваколатли идораси (суд қарори билан) томонидан тайинланган ҳомий ёки васий томонидан ёзилган ариза, ногирон томонидан ёзилган ариза.

2. Ҳомийлик ёки васийлик тўғрисидаги ҳужжат;

3. Ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг паспорти (асли ва паспортнинг фуқаро тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган ва уни рўйхатга қўйилганлиги қайд этилган варағи нусхаси), 16 ёшгача болалар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси асли ва нусхаси, ногирон болалар ота ва онаси паспортининг фуқаро тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган ва уни рўйхатга қўйилганлиги қайд этилган варағи нусхаси, пенсия гувоҳномаси.

4. Ногиронлик ҳақида Тиббий меҳнат эксперт комиссияси маълумотномаси (ногирон учун), 16 ёшгача болалар учун Тиббий маслаҳат комиссияси хулосаси.

5. Амбулатор картасидан ёки касаллик тарихидан кўчирма (албатта қон ва сийдик таҳлили, қоннинг Вассерман реакцияси ва Австралия антигенига таҳлили, кўкрак қафаси флюорографияси, болалар учун оғиз-бурун бўшлигининг бактериологик таҳлили (Лёффлер суртмаси).

6. Рухий-асаб касалликлари диспансери Тиббий маслаҳат комиссияси хулосаси.

7. Сил касалликлари диспансери хулосаси.

8. Онкологик диспансер хулосаси.

9. Тери-таносил касалликлари диспансери хулосаси.

10. Ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг 2 та фотосурати (6 x 4 ҳажмда).

11. Турар жойидан маълумотнома.

12. Техник инвентаризациялаш бюроси (БТИ) томонидан ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг уй-жойи тўғрисидаги маълумотнома (14 ёшгача бўлган ногирон болалар бундан мустасно).

13. Ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг пенсияси (нафақаси) тўғрисида маълумотнома.

14. Ёлғиз кекса, пенсионер ёки ногироннинг моддий-маиший аҳволи тўғрисидаги далолатнома (мазкур Қоидаларнинг 3-иловаси).

15. «Саховат» уйига расмийлаштириладиган фуқаронинг ёлғизлигини тасдиқловчи турар манзилидаги маҳалла фуқаролар йиғини комиссияси далолатномаси.

16. «Саховат» уйига расмийлаштириладиган фуқаронинг ёлғизлигини тасдиқловчи турар манзилидаги маҳалла фуқаролар йиғини комиссияси йиғилиши далолатномаси асосида туман (шаҳар) ҳокими тавсия хати ёки ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг ёлғизлар рўйхатига олинганлиги тўғрисида туман (шаҳар) ҳокими қарори.

17. Худудий меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ишчи гуруҳи далолатномаси.

Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларида расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидаларга
2-ИЛОВА

ДАЛОЛАТНОМА

«___» _____ 200 ___ й.

Биз қуйидагилар:

1. Вазирнинг биринчи ўринбосари, Махсус комиссия раиси
2. Вазир ўринбосари, Махсус комиссия раиси ўринбосари
3. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари мониторинги ва таҳлили бошқармаси бошлиғи, аъзо

4. Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш республика инспекцияси бошлиғи, аъзо
5. Ижтимоий муассасаларни молиялаш бўлими бошлиғи, аъзо
6. Юридик бўлими бошлиғи, аъзо
7. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари мониторинги ва таҳлили бошқармаси бошлиқ ўринбосари, котиб

1 (Ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар фамилияси, исми, туғилган йили ва санаси, турар манзили, ташхиси)

2..... ларни ўрганиб чиқиб:

- 1
----- «Мурувват» уйига
- 2
----- «Мурувват» уйига
- 3 ----- «Мурувват» уйига
- 4 ----- «Саховат» уйига расмийлаштиришга қарор қиламиз.
1. Махсус комиссия (ишчи гуруҳ) аъзолари имзоси
- 2.

Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидаларга
З-ИЛОВА

Пенсионер (ногирон) нинг фамилияси ва исми _____
 Турар манзили:
 Вилоят _____
 Шаҳар _____
 Кўча номи _____
 Уй № _____ хонадон № _____ телефони _____

МОДДИЙ-МАИШИЙ АХВОЛИ ТЎҒРИСИДА ДАЛОЛАТНОМА

Пенсионер (ногирон)нинг моддий-ижтимоий-маиший шароити тўғрисида:
 Хоналарининг сони, санитария-гигиена ҳолати _____
 Хонадонда яшовчилар сони _____
 Моддий таъминланганлиги _____
 Уй (квартира) соҳибининг фамилияси _____
 Ушбу хонадонда бирга яшайдиганлар (агар бўлса (фамилияси, исми ва қариндошлиги) ҳақида маълумот _____

Ёлғизлар рўйхатига киритилганлиги (туман (шаҳар) ҳокими қарори тартиб рақами, санаси) _____

Пенсионернинг тоифаси _____
«Саховат» («Мурувват») уйига жойлашишига сабаб ва мақсади қайд этилади

1. Маҳалла вакили лавозими	_____	_____
	имзоси	Маҳалла вакили фамилияси ва исми
2. Туман (шаҳар) Ижтимоий таъминот бўлими вакили	_____	_____
	имзоси	Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими вакили
3. Маҳалла нозир	_____	_____
	имзоси	Маҳалла нозир
4. Пенсия (ногирон)нинг кўшниси	_____	_____
	имзоси	Пенсия (ногирон)нинг кўшниси
5. Пенсия (ногирон)	_____	_____
	имзоси	Пенсия (ногирон)нинг фамилияси ва исми

Изоҳ: Ушбу имзолар маҳалла фуқаролар йиғини ва туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими муҳри билан тасдиқланади.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

354 Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнига тажрибали амалиётчилар, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этишни рағбатлантириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 августда 1849-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2008 йил 8 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралдаги «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ–805-сонли қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 10-11-сон, 56-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

зирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим жараёнига тажрибали амалиётчилар, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этишни рағбатлантириш тўғрисида»ги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорлари мазкур Низомдан келиб чиққан ҳолда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг Уставларига ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўн кундан сўнг кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 июль,
223-1-сон

**Ўрта махсус, касб-хунар таълими
маркази директори**

З. САТТОРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 июль,
04/ПҚ-34-Б-сон

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 июль,
57-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 июль,
83-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази,
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги-
нинг 2008 йил 23 июлдаги 223-1,
04/ПҚ-34-Б, 57, 83-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим
жараёнига тажрибали амалиётчилар, шунингдек олий таълим
муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини
жалб этишни рағбатлантириш тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралдаги ПҚ-805-сонли «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 10-11-сон, 56-модда) мувофиқ академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим жараёнига, айниқса муҳандис-техник, иқтисодий, юридик фанлар бўйича тажрибали амалиётчиларни, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этишни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда ҳар йили академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим йўналишлари бўйича педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда муҳандис-техник, иқтисодий, юридик йўналишлар бўйича ихтисослашган кафедралар профессор-ўқитувчиларини ва тажрибали амалиётчиларни (бундан кейинги ўринларда жалб қилинган педагоглар деб юритилади) ўқув жараёнига жалб қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

2. Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг педагогик кенгаши жалб қилинадиган педагогларни ишга қабул қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш учун талаб ва мезонларни ишлаб чиқади, жалб қилинадиган педагоглар ва таълим муассасаси ўртасида тузиладиган меҳнат шартномасининг намунавий шаклини тасдиқлайди.

3. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорлари жалб қилинган педагоглар билан меҳнат шартномаларини янги ўқув йили бошланишига қадар тузади.

4. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорлари зарур ҳолларда тажрибали амалиётчиларга ва олий таълим муассасаси педагогларига мослашган дарс жадвали асосида дарс ўтишини ташкил этадилар.

5. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари томонидан жалб қилинган олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорлари таълим бериш жараёнидан ташқари ўқитувчиларга услубий материаллар тайёрлашда ҳамда ёш ўқитувчиларга илмий, услубий ёрдам беришда амалий ишларни олиб борадилар (ўқув, услубий, илмий ва бошқа турдаги кафедрадаги иш режасидан ташқари).

6. «Устоз-шогирд» методига асосланиб, жалб қилинган педагогларга ўқув йили давомида таълим муассасасининг ёш ўқитувчилари бириктирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот маркази таълимга оид республика газети ва журналларида жалб қилинган педагоглар ишларини мунтазам ёритиб боради.

II. Рағбатлантириш тизимини ташкил этиш тартиби

8. Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг педагогик кенгаши ҳар ой якунида жалб қилинган педагоглар томонидан бажарилган ишлар ҳисоботини тинглайди, уларнинг ишини баҳолайди ва таълим муассасаси раҳбарига тақдим этади.

9. Олий таълим муассасалари ректорлари жалб қилинган педагогларни академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорлари тақдимномалари асосида ўқув йили якуни бўйича ўқитувчининг академик лицей ёки касб-хунар коллежида ўқув, илмий-услубий, ташкилий услубий, маънавий-маърифий ишлари учун моддий рағбатлантириши мумкин.

10. Тажрибали амалиётчилар белгиланган юклама соатларидан ташқари ёш ўқитувчиларга ўқув-услубий, илмий ишларни бажаришда ёрдам берса, таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори асосида йил якуни бўйича бир маротаба академик лицей ва касб-хунар коллежлари бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантирилиши мумкин.

11. Жалб қилинган педагогларга асосий иш жойидан 15 километрдан узоқ масофада жойлашган қишлоқ жойларидаги касб-хунар коллежларига қатнаган ҳолларда иш ҳақидан ташқари касб-хунар коллежларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан йўлқира харажатларини қоплаш мақсадида республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробаридан ошмаган микдорда ойлик пуллик компенсация тўланиши мумкин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси базасида академик лицей ва касб-хунар коллежларига жалб қилинган педагоглар учун 4 ҳафталик мақсадли малака ошириш курслари ташкил қилинади. Жалб қилинган педагогларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан малака ошириш режаси ишлаб чиқилади ҳамда «Истеъдод» жамғармасига тақдим этилади.

Мақсадли малака ошириш курсларида фаол иштирок этиб, унинг натижаларига кўра юқори балл тўплаган ва тегишли танловдан ўтган жалб қилинган педагогларга «Истеъдод» жамғармаси томонидан етук хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларда малака оширишлари учун йўлланмалар берилади.

13. «Истеъдод» жамғармаси томонидан ташкил қилинадиган «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танловида академик лицей ва касб-хунар коллежларга жалб қилинган тажрибали амалиётчилар ва педагоглар томонидан яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалар учун алоҳида номинация киритилади ҳамда ушбу номинация ғолиблари «Истеъдод» жамғармаси маблағлари ҳамда ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

III. Якуний қоидалар

14. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси билан келишилган.

*«Истеъдод» жамғармаси
ижрочи директори*

А. ПАРДАЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 23 июль*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MARKAZIЙ BANKI BOШҚARUVINING
ҚARORI**355** Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 августда 610-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2008 йил 8 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июнь ПФ–3619-сонли ҳамда «Ташқи иқтисодий савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 21 июлдаги ПФ–3631-сонли фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1998 йил 28 мартдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланган «Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартиби»га (1999 йил 22 январь, рўйхат рақами 610 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 23 август,
390-3-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Марказий банк бошқарувининг
2008 йил 23 августдаги 390-3-сонли
қарорига
ИЛОВА

Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартибига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2.2.5-бандда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 4.6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4.6. Юридик томонидан чет эл валютасидаги тушумнинг яширилиши қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

3. 4.7-бандда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги томонидан» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ушбу Тартибга киритилаётган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

*Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири*

Э. ҒАНИЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 23 август*

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 23 август*

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 23 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

356 Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
29 августда 826-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 8 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ташқи

ишлар вазирлиги томонидан 1999 йил 17 сентябрда ЭГ/04-02-05/1896, 99-66, 15/11567-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш тартиби (1999 йил 30 сентябрь, рўйхат рақами 826 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 11-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 7 август,
84-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 7 август,
2008-31-сон

Б. ПАРПИЕВ

Ташқи ишлар вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 7 август,
17/19724-сон

В. НОРОВ

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

357 **Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
3 сентябрда 1147-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 13 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6 ва 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 425-сонли «Истеъмол товарлари импортини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 1 июнда 02/8-15, 01-03/32 ва 2002-53-сонли қарори билан тасдиқланган «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (2002 йил 4 июнь, рўйхат рақами 1147 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил 11-12-сон) 6-банди учинчи хатбошидаги «50» рақами «25» рақами билан амалга оширилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 25 август,
01-02/20-52-сон

С. НОСИРОВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 25 август,
89-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 25 август,
2008-37-сон

Б. ПАРПИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

358 Банкрот деб эълон қилинган корхонани тугатиш
билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тартиби-
ни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
4 сентябрда 478-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 14 сентябрдан кучга киради)

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 17-18-сон, 130-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган «Банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тартиби» (1998 йил 19 август, рўйхат рақами 478) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.**

Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 28 август,
14-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**359 Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий
валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тарти-
би тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
4 сентябрда 1850-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 14 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–726-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 19 июль,
16/2-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Марказий банк Бошқарувининг
2008 йил 19 июлдаги 16/2-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан
миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 45-сон, 454-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 9-сон, 94-модда) мувофиқ, юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар (кейинги ўринларда — якка тартибдаги тадбиркорлар) томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланилган ҳолда товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

якка тартибдаги тадбиркорнинг миллий валютадаги банк картаси (кейинги ўринларда — якка тартибдаги тадбиркор банк картаси) — якка тартибдаги тадбиркорга банк томонидан бериладиган, якка тартибдаги тадбиркор банк картасини сақловчисига карта ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини тасарруф этган ҳолда товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш учун миллий валютада нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тўлов картаси;

якка тартибдаги тадбиркор банк картасининг сақловчиси — эмитент билан шартнома асосида банк картасидан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркор. Бунда якка тартибдаги тадбиркор ўзидан бошқа шахсга банк картаси сақловчиси ваколатини бериши мумкин эмас;

карта ҳисобварағи — якка тартибдаги тадбиркор банк картаси воситасида ундаги пул маблағларини тасарруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобварағи;

савдо ва хизмат кўрсатиш корхонаси — эквайер банк билан тузилган битимга мувофиқ товар (иш ёки хизмат)лар учун якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тўловларни қабул қилиш мажбуриятини олувчи маҳсулот сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

2. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталарининг эмиссияси Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга (2004 йил 30 апрель, рўйхат рақами 1344 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 17-сон, 203-модда) мувофиқ олиб борилади. Якка тартибдаги тадбиркор банк картасининг олд томонида банк картасининг мажбурий реквизитлари сифатида «якка тартибдаги тадбиркор» сўзлари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилиши лозим.

3. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мўлжалланган пул маблағларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 32-сон, 369-модда) мувофиқ 22619 — «Якка тартибдаги тадбиркорларнинг банк пластик карталари бўйича мажбуриятлари» баланс ҳисобварағида юритилади.

II. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган операциялар

4. Карта ҳисобварағини пул маблағлари билан тўлдириш карта ҳисобварағини очган якка тартибдаги тадбиркорнинг тўлов топшириқномасига асосан унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан амалга оширилади.

5. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга (2002 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1122 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 7-сон) мувофиқ амалга оширилади.

6. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фақат унинг бевосита ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган қўйдаги харажатлари учун тўловлар амалга оширилиши мумкин:

а) хом ашё ва материаллар (шу жумладан қурилиш материаллар), ярим фабрикатлар, фурнитура, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

б) коммунал тўловлар (иситиш, иссиқ сув, ичимлик сув, оқова, электр энергияси, газ ва чиқинди учун тўловлар);

в) ижара тўловлар;

г) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар;

д) чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига нақд пулга сотиш мақсадида харид қилинган товарлар учун;

е) жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни тўлаш учун.

7. Якка тартибдаги тадбиркор томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар банк картаси орқали нақд пулсиз амалга оширилганда унинг СТИРи (солиқ тўловчининг идентификация рақами) кўрсатилиши лозим.

8. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда тўлаш учун сарф қилинаётган пул маблағлари қатъий тарзда белгиланган мақсадларга ишлатиладиган маблағлар бўлиб ҳисобланади.

9. Якка тартибдаги тадбиркор банк картаси воситасида ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширганида терминаллар квитанцияларининг асл нусхалари, унга илова қилинган, тегишли тўловни терминал орқали қабул қилган хизматчининг имзоси ва «тўланди» муҳри қўйилган счётлар ва квитанциялар, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар ҳисобот ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади.

Бунда томонлар, яъни сотувчи ва банк картасининг эгаси ўртасида тегишли шартнома тузилган бўлиши шарт.

10. Карта ҳисобварағидаги маблағларни асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қайтариш тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхта-тилганда унинг карта ҳисобварағидаги сарфланмай қолган маблағлар асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади.

11. Якка тартибдаги тадбиркор банк картаси орқали нақд пул маблағлари берилишига йўл қўйилмайди.

III. Амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик

12. Якка тартибдаги тадбиркор банк картаси орқали амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик карта ҳисобварағини очган якка тартибдаги тадбиркор зиммасида бўлади.

IV. Яқуний қоидалар

13. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишилган.

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 19 июль*

*Ўзбекистон банклари ассоциацияси
Бош директори*

С. АБДУЛЛАЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 19 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

360 Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий
стандарти «Баҳоловчилар иши сифатини назорат
қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»-
ни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
5 сентябрда 1851-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 15 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Давлат мулкни бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 19 август,
01/19-18/13-сон

Давлат мулкни бошқариш
давлат қўмитасининг
2008 йил 19 августдаги
01/19-18/13-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш
Миллий стандарти (7-сон МБМС)
Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг
ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар**

Мазкур Мулкни баҳолаш Миллий стандарти (7-сон МБМС) «Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар» Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 145-модда) мувофиқ, баҳоловчи ташкилотларнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талабларни белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. 7-сон МБМСнинг асосий мақсади — баҳоловчи ташкилотларнинг ички қоидаларни ишлаб чиқишга нисбатан ёндашув ва тамойилларини, шунингдек мазкур қоидаларни қўллашда ички назоратни ташкил қилиш ва тартибга солиш талабларини бирхиллаштиришдир.

2. 7-сон МБМСнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) баҳоловчи ташкилотлар ички қоидаларини ишлаб чиқишнинг ягона тамойилларини белгилаш;

б) ички қоидаларни ишлаб чиқишда баҳоловчи ташкилотларга қўйиладиган мажбурий талабларни белгилаш;

в) баҳоловчилар ва баҳоловчи ташкилотларнинг бошқа ходимлари томонидан ички қоидалар талабларига риоя қилиниши устидан ички назоратни амалга ошириш тартибини тавсифлаш.

3. Барча баҳоловчи ташкилотлар ички қоидаларни ишлаб чиқиши ва амалда қўллаши мажбурийдир.

4. 7-сон МБМС баҳоловчи ташкилотларнинг баҳолаш фаолиятини амалга оши-

ришга доир касбий йўналишлари доирасига кирмайдиган масалалар бўйича тартибга солувчи ички ҳужжатларининг шакли, мазмуни ва тайёрлашни тартибга солишни мақсад қилиб олмаган.

II. Баҳоловчи ташкилот ички қоидаларининг белгиланган мақсадлари ва уларни тайёрлаш тамойиллари

5. Баҳоловчи ташкилотнинг ички қоидалари дейилганда баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш фаолиятини амалга оширишда самарадорликни таъминлаш ва мазкур фаолиятни Ўзбекистон Республикасининг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда юритиш мақсадида қабул қилиниб, тасдиқланган баҳолаш ишларини амалга ошириш ва расмийлаштиришга доир ягона талабларни белгиловчи ҳужжатлар тушунилади.

6. Баҳоловчи ташкилот баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш, баҳолаш ҳисоботлари ва эксперт хулосаларини тузишга доир ўз ёндашувини акс эттирувчи ички қоидалар бўйича ҳужжатлар тўпламини шакллантириши зарур.

7. Баҳоловчи ташкилотларнинг ички қоидалари баҳоловчиларга амалиётда баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажариш ва баҳолаш ишларининг сифатини ошириш юзасидан ўз ҳаракатларининг аниқ тартибини белгилашга қаратилган тавсиялардан иборат бўлиши керак.

8. Ички қоидалар баҳоловчиларнинг мазкур баҳоловчи ташкилот доирасидаги фаолиятини тартибга солади ҳамда баҳоловчи ташкилотнинг ходимлари ва раҳбарияти ўртасида юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликларни тартибга келтириш учун асос бўла олади.

9. Ички қоидаларни қўллаш натижасида баҳоловчи ташкилотларга баҳоловчилар ва уларнинг ёрдамчилари ишини қўшимча равишда назорат қилинишини таъминлашга ва бу билан баҳоловчи ташкилот кўрсатаётган хизматлар сифатини оширишга имкон яратилади.

10. Баҳоловчи ташкилотлар ички қоидалари баҳолаш фаолиятини амалга ошириш тартибини очиб берадиган ва баҳоловчи ташкилотда қўлланилиши мажбурий бўлган қоидалар, услубий қўлланмалар ва бошқа ҳужжатлардан иборат.

11. Баҳоловчи ташкилотлар ички қоидалари амалий фойда бериши керак, яъни улар:

Ўзбекистон Республикасининг баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши ва ўзаро боғлиқ бўлишини таъминлаши;

аниқ ифода қилиниши, тўлиқ ва равшан баён этилиши;

мазкур қоидалар масалаларини тўлиқлигича қамраб олиши, баён этилган тамойил ва қоидаларни мантиқан ривожлантириши;

улардаги барча атамалар бир хил талқин қилиниши лозим.

12. Ички қоидалар баҳоловчи ташкилотнинг мулкни баҳолаш жараёнини ташкил этиш ва ўтказишга нисбатан комплексли ёндашувининг умумий тавсифини бериши керак.

13. Баҳоловчи ташкилотлар халқаро баҳолаш стандартларига мувофиқ мулкни баҳолашни ўтказиш учун мўлжалланган ички қоидаларни ишлаб чиқишда халқаро баҳолаш стандартларида назарда тутилган меъёрлар ва тамойилларга амал қилиши керак.

14. Мулкни баҳолашнинг маълум соҳасида баҳолаш фаолиятининг стандартлари, баҳолашни ўтказишга доир батафсил услубий қўлланмалар ва ёндашувлар мав-

жуд бўлмаган тақдирда, баҳоловчи ташкилотлар ички қоидаларни ишлаб чиқишда қонунчиликда белгиланган ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда халқаро баҳолаш стандартларига амал қиладилар.

15. Баҳоловчи ташкилот мустақил равишда ички қоидалари ишлаб чиқиш рўйхати ва тартибини белгилайди.

16. Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолашнинг миллий стандартларида айрим ҳолатлар ички қоидалар сифатида қўшимча тарзда тасдиқланиши лозимлиги ҳақида бевосита кўрсатмалар берилган тақдирда, баҳоловчи ташкилот мазкур кўрсатманинг биринчи навбатда бажарилишини таъминлаши шарт.

III. Баҳоловчи ташкилот ички қоидаларининг шакли ва мазмуни

17. Баҳоловчи ташкилотларнинг ички қоидалари ўз вазифаларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин:

- а) мулкни баҳолаш бўйича умумий қоидалардан иборат қоидалар;
- б) мулкни баҳолашни ўтказиш тартибини белгиловчи қоидалар;
- в) баҳолаш ҳисоботларини тузиш тартибини белгиловчи қоидалар;
- г) эксперт хулосаларини тузиш тартибини белгиловчи қоидалар;
- д) махсус қоидалар;
- е) профессионал хизматлар кўрсатиш тартибини белгиловчи қоидалар;
- ж) кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш қоидалари;
- з) бошқа қоидалар.

18. Мулкни баҳолаш бўйича умумий қоидалардан иборат ички қоидалар баҳоловчилар ўртасидаги, шунингдек баҳоловчи ташкилот ходимлари ва раҳбарияти ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланган.

19. Мулкни баҳолаш бўйича умумий қоидалардан иборат ички қоидалар рўйхати қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- а) ички қоидаларни ишлаб чиқишга оид концепция ва ёндашувни тавсифловчи қоидалар, шу жумладан уларнинг тузилишини белгиловчи ҳужжат;
- б) баҳоловчининг хулқ-атвори этикасини белгиловчи қоидалар;
- в) баҳолашни сифатли ўтказиш устидан ички назоратни юритиш тартибини ҳамда баҳоловчилар масъулиятини тартибга келтирувчи қоидалар;
- г) бошқа қоидалар.

20. Мулкни баҳолашни ўтказиш тартибини белгиловчи ички қоидаларда мулкни баҳолаш жараёнини ўтказиш қоидалари ифода қилинади.

21. Баҳоловчи ташкилотларнинг мулкни баҳолашни ўтказиш тартибини белгиловчи ички қоидалари рўйхати қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- а) баҳоловчи масъулиятини тартибга солувчи қоидалар;
- б) мулкни баҳолашни ўтказиш тартибини белгиловчи қоидалар;
- в) баҳолаш учун зарур маълумотларни олиш тартибини белгиловчи қоидалар;
- г) учинчи шахслар ишидан фойдаланиш тартибини белгиловчи қоидалар;
- д) бошқа қоидалар.

22. Баҳолаш ҳисоботлари ва эксперт хулосаларини тузиш тартибини белгиловчи ички қоидалар баҳоловчи ташкилотнинг мулкни баҳолаш натижалари бўйича баҳолаш ҳисоботлари ҳамда ўтказилган экспертиза (текширув) натижалари бўйича эксперт хулосаларининг мазмуни ва тузилишига доир ички талабларидан иборат бўлиши лозим.

23. Мазкур қоидалар рўйхатига мулкни баҳолаш натижалари бўйича баҳолаш

ҳисоботлари ҳамда ўтказилган экспертиза натижалари бўйича эксперт хулосаларини тайёрлаш тартибларини белгиловчи қоидаларни киритиш мумкин.

24. Махсус ички қоидалар турли хил мулклар бўйича баҳолашни ўтказиш услугиёти доирасидаги қоидаларни ўз ичига олади.

25. Қоидалар рўйхати қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: интеллектуал мулк, заргарликда ва майда зебу зийнат буюмларига ярайдиган тошлар, қимматбаҳо металллар, учиш аппаратлари ва бошқа мулкларни баҳолашнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи қоидалар.

26. Профессional хизматларни кўрсатиш тартибини белгиловчи ички қоидалар баҳолаш фаолиятига барабар келадиган professional хизматлар турларини кўрсатиш тартибига оид қоидалардан иборат.

27. Мазкур ички қоидалар рўйхатига қуйидагилар кириши мумкин:

а) баҳолаш ҳисоботининг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш қоидалари;

б) баҳолаш фаолияти соҳасида ахборот технологияларини жорий этиш ва баҳолаш жараёнини автоматлаштириш қоидалари;

в) баҳолаш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва натижаларини ошкор этиш қоидалари.

28. Кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича ички қоидалар баҳоловчилар ва мутахассисларнинг таълими, касбий билим даражасига нисбатан талабларни белгилайди, баҳоловчи ташкилот ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини тартибга солади.

29. Баҳоловчи ташкилот ички қоидалари тузилмаси қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) тартибга солувчи параметрлар — Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолашнинг миллий стандартларига ҳамда ички қоидаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган халқаро баҳолаш стандартларига таянган ҳолда ишлаб чиқилади;

б) умумий қоидалар — ички қоидалар зарурати, улардаги асосий атамалар ва тушунчаларнинг ифода этилиши, қўлланилиш соҳаси;

в) мақсад ва вазифалар — қоидаларни белгилаш ва улар ёрдамида ҳал этилиши таъминланадиган маълум муаммолар;

г) бошқа қоидалар билан ўзаро боғлиқлик — бошқа қоидаларда белгиланган тегишли бандларга таянган ҳолда ишлаб чиқилади;

д) асосий тамойиллар ва услубий қўлланмаларни белгилаш — баҳоловчи ташкилот томонидан мулкни баҳолашни ўтказиш жараёнига, қабул қилинган услубий қўлланмалар (тавсиялар) ва қоидалар бўйича кўриб чиқиладиган муаммоларни ҳал этишнинг техник усулларига тавсиф берилади;

е) расмийлаштириш — баҳоловчи қоидаларда белгиланган талабларга кўра тузиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати.

30. Ички қоидалар реквизитлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) рақам (номер) — мазкур қоидаларнинг тартиб бўйича ёзиладиган ёки серияли коди;

б) амал қилишга киритилган сана;

в) номи — қоидаларда белгиланган бандларнинг қисқа ва аниқ ифода этилиши;

г) қоидаларни тасдиқлаган шахснинг кўрсатмалари ва кўрсатма берилган сана;

д) тааллуқлилиги — мазкур ҳужжат билан боғлиқ бўлган илгари қабул қилинган, оммалаштирилган ёки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган қоидаларга таянган ҳолда ишлаб чиқилади;

е) қўлланилиш доираси — мазкур қоидалар татбиқ этиладиган (ёки татбиқ этилмайдиган) объектлар рўйхати.

31. Ички қоидаларга қўшимча равишда уларда акс эттирилган алоҳида қоидаларда келтирилган тушунчаларга изоҳ берувчи иловалар (услубий қўлланмалар, тартиблар рўйхати, сўровномалар, компьютер дастурлари, ишчи жадваллар ва ҳ.з.) ишлаб чиқилиши мумкин.

32. Ички қоидаларга ишлаб чиқиладиган иловалар қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин:

а) ички қоидаларни қўллаш тартиби;

б) мулкни баҳолаш жараёнининг ҳар бир босқичини ўтказиш (бажариш) технологиясини тавсифлаш;

в) сўровномалар ва баҳолаш тартиблари рўйхати;

г) жадваллар, схемалар, услубий ёндашувларни тасвирловчи, мисолларни рақамлар билан ифодаловчи ишчи ҳужжатлар ва мулкни баҳолашни ўтказиш тартиби;

д) мулкни баҳолашда фойдаланиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга келтирилган рўйхати.

33. Баҳоловчи ташкилотнинг ички қоидаларини тайёрлашнинг намунавий тартиби ва намунавий шакли мазкур 7-сон МБМСнинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган.

IV. Баҳоловчи ташкилотнинг ички қоидалари талаблари бажарилиши юзасидан ички назоратни ташкил қилиш тартиби

34. Ички қоидалар баҳоловчи ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади, баҳоловчи ташкилотнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса — таъсисчилар мажлиси ёки бошқа ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

35. Баҳолаш сифатига оид ички назоратни тартибга солувчи ички қоидалар уларда белгиланган талабларни бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш қоидалари (талаблари)ни ўз ичига олиши керак.

36. Ички қоидаларда белгиланган талабларга риоя этилиши учун жавоб берувчи мансабдор шахсларни тайинлаш тартиби назарда тутилиши мумкин.

37. Ички қоидаларга риоя этилиши устидан тегишли назорат ўрнатилишини таъминлаш учун баҳоловчи ва баҳоловчи ташкилот ўртасидаги меҳнат муносабатларида белгиланадиган баҳоловчининг функционал мажбуриятларига мазкур қоидаларни қўллаш зарурати киритилган бўлиши керак.

38. Ички қоидаларда баҳоловчи ташкилот томонидан мулкни баҳолашни ўтказишда бажарилиши мажбурий бўлган қоидалар белгиланиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолашнинг миллий стандартларининг талаблари эътиборга олиниши лозим.

39. Ички қоидалар талаблари бажарилишини назорат қилиш баҳолаш фаолиятини амалга оширишнинг барча бўғинларида, баҳоловчидан тортиб баҳоловчи ташкилот раҳбарларигача ташкил этилиши лозим.

40. Баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш фаолиятини амалга ошириш жараёнида назорат ишларини олиб бориш учун баҳолашни ўтказиш сифатини назорат қилиш хизмати ташкил этилиши мумкин. Баҳолашни ўтказиш сифатини назорат қилиш хизмати таркибидаги назорат ишларини олиб борувчи мутахассисларни профессионал даражада тайёрлашга нисбатан ички талаблар баҳоловчи ташкилотнинг кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича ички қоидаларида белгиланади.

41. Баҳоловчи ташкилот ходимлари зиммасига ички қоидаларни овоза қилмас-

лик ва уларни мазкур баҳоловчи ташкилот фаолиятдан ташқарида қўлламаслик мажбурияти юклатилади, қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш
Миллий стандарти (7-сон МБМС) «Баҳо-
ловчилар иши сифатини назорат қилиш-
нинг ички қоидаларига қўйиладиган
умумий талаблар»га
1-ИЛОВА

Баҳоловчи ташкилот ички қоидаларини тайёрлашнинг НАМУНАВИЙ ТАРТИБИ

1. Баҳоловчи ташкилот ички қоидалари тизимини яратишда самарадорликни таъминлаш учун баҳоловчи ташкилот ичида услубиёт бўйича кенгаш (услубиёт кенгаши) ёки баҳоловчи ташкилот ихтиёрига кўра бошқа махсус ҳайъат органи ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Услубиёт кенгаши баҳоловчи ташкилотнинг раҳбар ходимлари ва сара профессионал мутахассисларидан тузилади ҳамда баҳоловчи ташкилот томонидан тасдиқланган Услубиёт кенгаши тўғрисидаги низом асосида фаолият юритади.

3. Услубиёт кенгаши ишида, агар Услубиёт кенгаши тўғрисидаги низомда кўзда тутилган бўлса, четдан мутахассислар (баҳоловчилар жамоат бирлашмалари аъзолари, илмий ходимлар, ўқитувчилар, бошқа баҳоловчи ташкилотларнинг мутахассислари) иштирок этиши мумкин.

4. Баҳоловчи ташкилотнинг Услубиёт кенгаши вазифалари қуйидагилардан иборат:

- а) ички қоидаларни ишлаб чиқиш;
- б) баҳолашнинг амалий тажрибасини умумлаштириш ва тизимлаштириш;
- в) баҳоловчи ташкилотнинг баҳоловчилари ва бошқа мутахассислари ўқишини ташкил қилиш;
- г) баҳолаш соҳасига оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тўплаб бориш, тартибга солиш ва таҳлил қилиш.

5. Ички қоидаларни ишлаб чиқиш баҳоловчи ташкилотнинг услубиёт хизмати мутахассислари билан бир қаторда баҳоловчи ташкилотнинг бошқа хизматлари мутахассислари томонидан ҳам амалга оширилиши ҳамда кейинчалик услубиёт кенгашида кўриб чиқилиб, маъқулланиши (ёки маъқулланмаслиги) мумкин.

6. Зарурат юзасидан ички қоидаларни ишлаб чиқиш баҳоловчи ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланган иш дастурига мувофиқ шартнома асосида ташқи ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

7. Баҳоловчи ташкилот ички қоидаларини ташкил қилувчи қисмлар сифатида баҳоловчилар жамоат бирлашмалари ҳамда давлат идоралари томонидан тасдиқланган услубий қўлланмалар ва бошқа ишлаб чиқилган ҳужжатлардан фойдаланиш мумкин.

8. Ишлаб чиқилган қоидалар (услубий қўлланмалар, йўриқномалар, низомлар) услубиёт кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, қабул қилинади ва кейинчалик баҳолаш ташкилоти раҳбариятига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Қарор кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш
Миллий стандарти (7-сон МБМС) «Баҳо-
ловчилар иши сифатини назорат қилиш-
нинг ички қоидаларига қўйиладиган
умумий талаблар»га
2-ИЛОВА

Баҳоловчи ташкилот ички қоидаларининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

Баҳоловчи ташкилотнинг бланки ёки бурчак штампи
Фирмага оид номланиши, логотипи
Раҳбарнинг тасдиқловчи ёзуви, имзоси, санаси
Ички қоидаларнинг тўлиқ номланиши
Тартиб рақами (индекс, код)
Хужжатни тайёрловчи: (департамент, бўлим, ходим)
Хужжат тайёрланган сана

1. Хужжатнинг тузилиши

- 1.1. Хужжатни тузиш мақсади ва асослари
- 1.2. Фойдаланиш зарурати
- 1.3. Қўллаш соҳаси
- 1.4. Баҳолаш стандартлари (шу жумладан, халқаро баҳолаш стандартлари)
билан ўзаро боғлиқлиги
- 1.5. Аввал қабул қилинган ички қоидалар билан изчиллиги
- 1.6. Амал қилиш муддати

2. Асосий тушунчалар ва таърифлар

3. Ички қоидаларнинг моҳияти

- 3.1. Асосий талаблар
- 3.2. Кўрсатилган муаммони ҳал этиш услубиёти

4. Мулкни баҳолашда қўлланиладиган меъёрий хужжатлар

5. Иловалар

- 5.1. Баҳоловчининг иш хужжатлари макетлари
- 5.2. Саволлар ва тестлар
- 5.3. Баҳолаш тартиблари

Хужжатни тайёрлаш бўйича раҳбар имзоси

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2008 йил 23 августдан 5 сентябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 25 августдаги 39, 36/ҚҚ, 01-275-сонли қарори.*

2008 йил 29 августда 1845-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).

2. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ҳузуридаги алоҳида ўрнатилган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 13 августдаги 32/ҚҚ, 32, 01-274-сонли қарори.*

2008 йил 29 августда 1846-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).

3. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 25 августдаги 38, 35/ҚҚ, 01-276-сонли қарори.*

2008 йил 29 августда 1847-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).

4. «Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2008 йил 30 июлдаги 27-сонли буйруғи.*

2008 йил 29 августда 1848-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

5. «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнига тажрибали амалиётчилар, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этишни рағбатлантириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 23 июлдаги 223-1, 04/ПҚ-34-Б, 57, 83-сонли қарори.*

2008 йил 29 августда 1849-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).

6. «Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 390-3-сонли қарори.*

2008 йил 29 августда 610-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).

7. «Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлигининг 2008 йил 7 августдаги 84, 2008-31, 17/19724-сонли қарори.*

2008 йил 29 августда 826-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).

8. «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 25 августдаги 01-02/20-52, 89, 2008-37-сонли қарори.*

2008 йил 3 сентябрда 1147-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 13 сентябрдан кучга киради).

9. «Банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 28 августдаги 14-сонли қарори.*

2008 йил 4 сентябрда 478-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 сентябрдан кучга киради).

10. «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 июлдаги 16/2-сонли қарори.*

2008 йил 4 сентябрда 1850-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 сентябрдан кучга киради).

11. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»ни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бош-*

қариш давлат қўмитасининг 2008 йил 19 августдаги 01/19-18/13-сонли қарори.

2008 йил 5 сентябрда 1851-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 сентябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари аттестацияси тўғрисидаги низом, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1462, 2005 йил 28 март), (рўйхат рақами 1462-1, 2006 йил 3 октябрь), (рўйхат рақами 1669-2, 2008 йил 26 март).*

Адлия вазирининг 2008 йил 29 августдаги 179-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 826, 1999 йил 30 сентябрь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 29 августдаги 184-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 478, 1998 йил 19 август).*

Адлия вазирининг 2008 йил 4 сентябрдаги 186-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlани;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг